

Ҳижроним мингдир менинг (қисса)

Хушид Дўстмуҳаммад

«
Инсон қалбининг энг нозик, энг дахлсиз, энг эрка туйғуси – муҳаббат! Ёзма
ижоднинг энг самимий, энг сирли ва энг жозибали шакли эса – мактуб. Муҳаббат
жозибасию сеҳрини баён этишида мактубдан кўра қулай ва табиий шакл йўқ.
Азиз китобхон! Қиссадаги мактубларни Сиз ёзгансиз, уларнинг бари Сизники.
Ишонаверинг, қиздир-йигитдир, истаган киши бундай ишқномани битишига қодир.
Фақат бунинг учун, кўнгил безубор севги сурурию бокира муҳаббат изтиробини
бошдан кечирган бўлса бас.

Муаллиф

»
«
Ҳеч кима маълум эмас
ҳоли парижоним менинг.

Машраб

Ҳижроним мингдир менинг

1

... асл гавҳар қандай бўлишини биласизми? “Дур, ёқут, марварид” дерсиз.
Тополмадингиз, тополмайсиз ҳам. Одамлар одатда ўзлари етишолмаётган, қўлга
кирита олмаётган нарсаларни шу қадар яхши биладилару, ёнгиналаридаги
бойликнинг ёки топилдиқнинг фарқига бормайдилар, қадрига етмайдилар.

Нимага шаъма қилаётганимни сездингизми? Жавоҳирнинг асили дур ёхуд
марварид эмас, асло, жавоҳирнинг асили – Сиз, Сизнинг ўзингиз!..

Сизни биринчи бор учратганимда қандай аҳволга тушганимни айтай: кўнглингизга
олмангу, Сизга бирров кўз ташлаганимда манглайингиз, яноғингиз, юзингиз бу
қадар оппоқлигини кўриб, ичимда, “Бундай қизнинг қалби тонг шабадасидек
беғубор бўлади” деб юборганман. Қўл узатиб, ўзимни таништирмоққа
чоғланганман ҳам, лекин...

Орадан йиллар ўтди. Биласизми, мен ҳеч кимдан бегонасирамайман, етти ёт бегона
билан ҳам зумда тил топишаман. Сизга эса юрак ютиб оғиз очолмадим. Сулув
чехрангизни эмас, сулувликни кўз-кўз қилаётган – чехрангиздаги нурдек оқликни
кўриб ақлим шошиб қолган.

Ҳар кишида то умрининг охиригача гўдаклик туйғуси сақланади. Билмадим, ўша
дамда гўдаклик ҳисларим жунбушга келдими, илинж, хавотир ва армон аралаш
тушуниксиз бир майл хаёлимга тирғалди: “Мен шу оқликка лойиқманми?” деган

шубҳали савол юрагимга ханжардек ботди.

Ўша ханжарни ҳали-ҳануз суғуриб ололганим йўқ...

Бу қадар таъсирчанлигимдан ҳайрон қолдим. Ётсам ҳам, турсам ҳам – тушимдаю ўнгимда шу савол таъқибидан қутулолмадим. Ўзимни ҳарчанд чалғитмай, сўрадим-сўрайвердим:

Мен шу покликка лойиқманми?

Мен шу покликка лойиқманми?

Мен шу покликка...

Аслида танимаган-нетмаган қизга кўнгил қўйишни тасаввур қилолмайман, шу боис, мен даставвал Сизга нисбатан эмас, Сизнинг юз-кўзингиздан, босиқ ва доимо ерга тикилган нигоҳларингиздан таралаётган оқликка нисбатан жуда-жуда ожиз, нотаваон ҳис қилгандим, ўзимни. Ва ана шу, айтдим-ку, тушуниксиз ва нотаваонликдан халос бўлиш чорасини излашга киришдим.

Хат кўнгил кўприги, бу кўприк икки киши учун бунёд этилади, унга шу икки кишидан бўлак ҳеч ким қадам босмайди ва унга бегона назар ҳам тушмаслиги керак. Чунки икки кўнгил тўридаги энг бокира, энг эрка орзу-армонлар ушбу кўприк – мактуб воситаси-ла йўлланади. Парвардигор умр берса, фақат ва фақат Сизга изҳор этишим мумкин бўлган ўйларим сира-сира адоғига етмайди. Самимиятимни тўғри қабул қиласиз деган умиддаман...

Ёшликми ё ғўрликми, ҳар қалай маъсума қизларга рўпара келсам ўзимча, “Худо бунинг кадрига етадиган турмуш ҳамроҳини учратсин-да” дея илтижо қилар эдим. Одамларга – таниш-нотанишлигининг фарқи йўқ – ҳамма-ҳаммага бирдек бахт тилайман. Инсон учун оилавий бахтдан кўра улуғроқ саодат йўқ. Аёл-қизлар учун эса, эҳ-ҳе-е!..

Сизни биринчи бор учратган кезларим оиланинг бахтиёрлиги шунга боғлиқ деб тушунар эдим. Сиз каби қизлар қўли косов, сочи супурги бўлиб, кадр топмай яшамаслиги керак деб ўйлаганман. Яширмай, бордию, Сиз билан топишиш бахтига муяссар бўлсам гард юқтирмасликка, шоҳи либосларга ўраб, бегона кўзлардан асраб-авайлаб, сочидан... қошидан... бўйнидан... оёғининг момик бармоқларидан айланиб-ўргилиб, биллур ва чинни идишлар қатори ясате-еб қўяман дея аҳду қарор қилганман.

Кулманг, орадан шунча йил ўтса ҳамки, қарорим ўзгаргани йўқ, аксинча, Сизга нисбатан кўнглимнинг туб-тубида туғилган тушуниксиз майл юрагимнинг зарбаси қатори доимий ҳамроҳим, йўлдошимга айланган...

* * *

Хатингизни такрор-такрор ўқидим. Кулдим, ўйга толдим. Жавоб ёзиш-ёзмаслик мулоҳазасида бошим қотди. Нима учун Сизга хат ёзишим керак?

Саволим оғир ботмасин.

Яхши рассом эканлигингиз, ғалати-ғалати суратларингизни кўтариб кунда-кунора хонамизга кириб келишингизни, асарларингиз ҳақида ҳаяжонланиб хикоя қилишингизни эсладим. Баъзан кириб, лом-лим демай жимгина ўтириб, сўнг индамайгина чиқиб кетар эдингиз, лекин аксари суҳбатларингизга қулоқ солиб ўтириб, ҳар қандай мавзуда ўта самимият билан фикр юритишингизга ҳайрон қолар эдим, Баъзан суҳбатингизга аралашгим, кўнглимда туғилаётган мулоҳазаларимни айтгим келар эди, лекин менинг ўйларим Сизнинг суҳбатларингиз олдида жуда жўн, тинглашга арзимасдек туюлар, уялиб қоламан деган хавотирда тилимни тишлаб қўя қолар эдим.

Ёдингизда бўлса, ўшанда ҳам асил жавоҳир, асил дур, асил гавҳар ҳақида сўрагансиз. Мен жавоб беролмаганман. Мана, яна ўша савол...

Жавобингиз мени ҳайрону лол қолдирди. Уни ўқиб, рост, саросимага тушдим.

Сизга нечун керак бўлиб қолди мени дуру жавоҳирнинг асилига ўхшатиш? Менинг чехрамдан таралган (чиндан шундайми?) оппоқ нур не сабабдан Сизгагина кўрина қолди?

Ўйлаб ўйимга етолмаяпман...

Ҳис-туйғуларимни таҳлил этишдан ҳам тоймабсиз. Тўғри, ҳаётда ҳеч кимсага ёмонлик соғинмаганман, бирон кимсанинг кўнглига озор етказишдан жуда-жуда кўрқаман. Бироқ, Сиз таърифга лойиқ хислатларни мендагина кўрдингизми? Ахир Сиз бегонасиз...

Сиз келтирган суратлар хонамиздагиларнинг барчасига бирдек ёқмаса ёқмас эдию, лекин ҳеч ким уларга бефарқ, лоқайд қарамаган. Биз қизлар бир-биридан қизиқарли суҳбатларингизга маҳлиё эдик. Ҳаммамиз Сизни бирдек самимий ҳурмат қилардик. Айниқса, аёл-қизларни кўкларга кўтаргувчи мақтовларингиз... нозиктаъблигингиз, одобингиз бизларни ҳайратга солар, ҳайрлашиб хонадан чиққан замонингиз Сиз ҳақингизда ғийбат бошлаб юборар, ўзимизча Сизга муносиб келин топар эдик. Фақат рассомлар бетайин, ғалати феълли бўлади деган гаплар гоҳ кулги, гоҳ жиддий алфозда суҳбатимизга илашиб қоларди. Яширмай, бундай асоссиз таъналар баъзан менга оғир ботса-да, ичимдагини сиртимга чиқармаганман. Бу қадар кўнгли очик, мулоҳазали йигит, касбидан қатъи назар, одамнинг қадрига етади, деб ҳисоблаганман.

Одамнинг қадрига ета билишдан кўра улуғроқ саодат бўлмаса керак дунёда! Ҳар қандай оиланинг бахти, мустаҳкамлиги эр-хотин бир-бировини қадрлай олиши билан ўлчанади. Бу ҳақдаги фикримиз бир хил экан...

Хатни меҳр билан ёзибсиз. Самимий туйғуларингизни сездим. Ўқиётим,

хонамиздаги мароқли суҳбатларингизни кўз олдимга келтирдим. Кўнглимга беғубор енгиллик қўнди. Шунга ҳам раҳмат...

2

... унча-бунча одам дўпписини осмонга ирғитадиган янгиликлардан қувонавермаслигимга баъзан ўзим ҳам ажабланаман. Лекин Сизнинг хатингизни олдим!.. Вужудимга титроқ югурди, ўқияпману, кўзларимга ишонмайман. “Хатимни жавобсиз қолдирмас” деган умидим чиппакка чиқмади, шунинг ўзи тенгсиз қувонч, мен учун.

Сизлар ўтирган хонага кунда-кунора суратлар олиб келиб боши-адоғи йўқ суҳбатларим билан бошингизни оғритганларимни сира унутмайман. Ўзим нималарни вайсаганим эмас, Сизнинг бош эгиб сўзларимга қулоқ солиб ўтиришингиз, ахён-ахёнда бирров қараб қўйишингиз сира кўз ўнгимдан ўчмайди.

Айни суҳбатга қўшилишингиз мумкин бўлган дамларда ҳам сукут сақлар эдингиз, шундай пайтларда аслзода оилада тарбия кўрган қизлардан бўлса-я деган ўйлар кечар эди хаёлимдан. Ахён-ахёнда тўсатдан кулиб қарар ва ўша заҳоти жиддий тортар эдингиз. Мисоли ярқ этиб ёниб-ўчган чироқни эслатар эди, кулишингиз. Бир зумлик табассумингиздан ичим чароғон бўлар эди.

Сезармидингиз?..

Мен эса Сизнинг момик бармоқларингиз, кафтларингиз, билакларингиздан ҳам чехрангизда бўлгани каби садафдек оппоқ нур таралишини кашф этганман. Кашф этганману, кечирасиз, Сизнинг ўзингизни эмас, Сиздан таралгувчи нур сеҳри ва жозибаси сирларини излашга аҳд қилганман.

Парвардигор ато этган бу гўзалликни сезмас эдингиз, ўзингиз. Илоҳий хилқат суратида яратиб, бандалари орасига тушириб қўйилгансизу, ҳеч бир кас кўнгил кўзини очиб Сизга қарамаган, сезмаган. Сиз эса... Ўзингиз ҳам бепарво юравергансиз.

Тасаввур килинг, Сиздаги шу илоҳий тароватни илғаш, ундан баҳра олиш ёлғиз менга насиб этса... Шуни ўйладиму, энтикиб кетдим...

Бахтми ё бошқа нарсами, мўъжизами, бу? Бу ёруғликка лойиқманми?..

Билмадим...

Чехрангиздан таралган ойдин нур асирига айландим. Бундайин нурни авайламоқ, кадрламоқ учун эса ўзим бениҳоя покиза, беғубор бўлмоғим шарт деган қарорга келдим.

... не-не донишмандлар қуёш ва ойнинг, беҳисоб юлдузларнинг гўзаллигига маҳлиё бўлмаганлар! Қизиқ, осмон ёриткичларининг жозибаси нимада?

Улар таратаётган нурда.

Башариятнинг оқилу донолари ўз умрларини мазкур нурлар манбаини ўрганишга, уларнинг жамолига етиб боришга бахшида этганлар.

Нега, нима учун?

Жозиб нурлар илоҳ назари тушган жисмда жамланади, зеро, оқ-оппоқ нурда фаришталар гўзаллиги мужассам топади. Қалби чароғон ва гўзал инсонларгина ушбу илоҳий нурни аъзои баданларига жо этадилар, шу тариқа мўъжизаларга қодир нур тоза қалб соҳиблари бўлмиш заминий хилқатларнинг муборак баданларида акс этади... Шундай экан, Сизни дуру жавоҳирнинг асиласига ўхшатишимда муболаға йўқ. Сиздаги ушбу мўъжизага фақат ва фақат тоза кўнгил, беғубор назар билан қараш мумкин, деган қарорга келгандим, ўшанда.

Мен Сиздаги ўзим кашф этган гўзаллик, ҳурлик жозибаси ҳақида ўй суриш учун қалбан покланмоғим шарт эди. Унга муносиб бўлишга аҳд қилдим ва... шаҳардан бош олиб кетдим!..

Айтмоқчи, “Нима учун Сизга хат ёзишим керак?” деган саволингиз ҳам майли, “Бегонаси” деганингиз пича оғир ботди. Ахир сўзнинг мазмунига қаранг. Сизни яхшироқ, кўпроқ тушунган ва бошқалардан кўра самимийроқ эъзозлай билган киши бегона саналадими?.. Худо Сизга ато этган гўзалликни пайқаган ва уни беҳад қадрлашга аҳду паймон қилган одам гуноҳқорми?.. Унинг гуноҳи Сизни кўнгил кўзи билан кўра олганидами?..

Айтинг, ҳур қизларгагина насиб этадиган Сиздаги бокира туйғулар чашмасини илғай олган одам Сиз учун бегонами?..

Ниятим битта, холос – Сизга бегона эмаслигимни билдириш! Йўқ, асло, жуда-жуда яқин одамингизман! Шунини билиб қўйсангиз кифоя...

* * *

... хатингизни ўқиб, ўзимни кўярга жой тополмадим. Ахир мен қиз боламан. Қиздир, аёлдир – ожиза. Ҳарчанд вазмин бўлмай эҳтирос, ҳаяжон, меҳр-эъзозга тўла сўзларингиз қаттиқ ўйлантирди, ҳайратга солди. “Дуру жавоҳирнинг асили”, “Парвардигор ато этган гўзаллик”, “Илоҳий хилқат”... Бундай таъриф тавсифлар ҳар қандай аёл-қизга ёқади. Фақат мен Сиз таърифлаганчалик эмасман. Ожизаман. Мени бунчалик улуғлаётганингиз боисини тушунолмаяман.

Ўз суҳбатларим билан жонингизга текканман, деб ёзибсиз. Бундай эмас. Ҳамхоналаримизнинг бирортаси бундай хаёлга бормаган. Мен-ку, жон қулоғим билан тинглар эдим... Тўғри, ҳайратимни ошқор қилавермаганман, лекин айтаётган сўзларингизнинг бирортасини эътиборсиз қолдирмаганман.

Синчков, зийрак эдингиз. Шундан ҳайиқар эдик. “Хаёлпараст рассом деймизу, жудаям зийрак” деган эди қизлардан бири. Шунини ўйлаб нафасимни ичимга ютиб

Ўтирганман доим. Сиз эса буни кибрга йўйибсиз, “Аслзода оила фарзанди”, дебсиз. Зинҳор ундай эмас. Қандай қилиб мен Сизга нисбатан кибрли бўлишим мумкин?.. Тавба, бу гапингиздан кулдим. Ахир Сиз қайдаю, мен қайдаман... Сиз ўйлар суриб яшаётган юксакликка кўтарилиш учун менга йўл бўлсин...

Эсласангиз керак, гапира туриб тўсатдан, “Мени тўғри тушуняпсизларми?” деб сўрар эдингиз. Мен Сизга тик қарай олмаганим боис дабдурустдан исмимни айтиб мурожаат қилар эдингиз. Мен “Ҳа, тушуняпман” деган маънода бош ирғаб қўяр эдим.

Сиз ҳеч кимни эътиборсиз қўймагансиз. Айниқса, қизлар ва аёлларнинг кайфиятини зумда илғаб олар эдингиз-да, сезганингизни сездирмай орамизда хомушроқ кўринганининг кўнглини чоғлаш йўлини топар эдингиз. Ҳаммамиз Сизни самимий ҳурмат қилар эдик, тушунар эдик. Хатто, “Сизларни икки кун кўрмасам ўзимни қўярга жой тополмайман” деган сўзларингизни ҳам тўғри, покиза дил изҳори ўрнида қабул қилар, бундан бошимиз, осмонга етар эди.

Эркаклар ҳар бир аёлга Сиз сингари ҳурмат, муҳаббат, эътибор билан муносабатда бўлишса эди, дунёда вайсақи, ҳаёсиз, фаросатсиз аёлнинг ўзи қолмас эди, шундай эмасми?..

Хат ёзипману, Сиз билан тузукроқ, очилиброқ суҳбатлашишдан хижолат бўлганларимни эслайман. Ҳануз ўша фикрдаман. Сизнинг теран мулоҳазаларингиз менинг жўн, саёз фикрларимни қандай қабул қилади, деган кўркув сира тарк этмаган мени. Тўғриси айтмай, шахсан мендек оддий қиз назарида Сиз осмондасиз. Осмонда туриб ердаги оддий бир ожиза қизга меҳр қўйибсиз. Осмонингизга чиқолмасам керак.

Дарвоқе, ким кимга бегона деб бош қотириш ортикча. Ҳаётда шундай ҳолатлар юз берадики, унинг ипидан-игнасиғача муҳокама қилиш одамга роҳатдан кўра, кўпроқ азоб келтиради. Тўғрими?..

Мен Сизни яхши биламан, танийман, лекин қиз бола томонидан, “Сизни кадрлайман” ё шу қабилда дил изҳори қилиш, билмадим...

Азбаройи қаттиқ ҳурмат қилганимдан хатларингизни жавобсиз қолдиргим келмаяпти. Нима қиларимни билолмаяпман. Такрор айтмай, мен Сизнинг осмонингизга чиқолмайман. Майли, Сиз мени осмонингизда туриб яхши кўра қолинг – ёмон яхши кўрманг, яхши яхши кўринг.

Хатни тугатдим, икки кунгача уни ёнимда асраб юрдим. Йиртиб ташламоқчи ҳам эдим... Сиз мендан кўра мулоҳазалисиз. Бирор хатога йўл қўяётган бўлсам, айтаверинг, тўғри йўл кўрсатинг...

3

... хатингизни ўқиб юрагим орқага тортиб кетди. Менга битилган хатни икки кун (икки кун-а!) сақлаб юрибсиз, ўша икки кун мобайнида ҳаёлан икки юз минг кўчага

кириб чиққанимни тасаввур қиласизми?!.. Ҳатто уни йиртиб ташлаш хаёлига борибсиз.

Бу сўзларингизни ўқиб, қандай ҳолатга тушганимни тасвирлаб беролмайман...

Ўша, шаҳардан бош олиб кетганча, биласизми, нима билан машғул бўлдим?

Кўнгил кўчаларини покловчи мусаффо ранглар ва шу ранглар уйғунлигини изладим. Беғубор, тоза ранглар суратини матога, қоғозга кўчирдим... Инсон оқ рангни севса, оқ ранглар қуршовида яшаса, бутун борлиқни, бани башарни оқ тусда кўра билса... Мен ҳар ким кўравермайдиган, ҳар ким илғай олавермайдиган мусаффоликни назарда тутмоқдаман...

... қонталаш шафақ ётоққа бош қўйган палла, дара оралаб ўтган ўзанда қуюқ ўсган қамишзорни ораладим. Қуюқ ва зич ўсган, баландлиги беш-олти қулоч келадиган қамиш чангалзоридан оралаб ўтиш машаққат. Бошим, юз-кўзим аралаш қийик ўралган. Ёруғ дунёда мен кўрмаган-билмаган нарса йўғу, қадам босмаганим қамишзор қолгандек қадам-бақадам олдинга силжийвердим. Шунда туйқус оёғим остига қарадим... қийғос очилган тугмача гулларни кўрдим!.. Инсон назари тушмаган қамишзор орасидаги ғира-ширада тугмача гуллар шу қадар оқ эдики!.. Уларнинг оқлигини тасаввур қилиш ва тасвирлаш учун “оқ” сўзи ожизлик қилади!.. Қорга ўхшатайми, музга, пахта ё сутга қиёслайми?.. Йўқ, буларнинг ҳеч бирига ўхшамаган оқ-оппоқ гул япроқчалари!.. Беш япроқли, уч япроқли, капалак қанотидан-да нозик. Киприкларинг учи сийпаса озор етгудай!.. Банди киприк толасидан-да нафис...

Кимсасиз тўқайда қанча вақт қолиб кетганимни билмадим. Нималарни ўйладим, не мулоҳазаларга бордим – ўзимга ҳам ноаён. Хушимга келсам, митти тугмача гулларга юз-кўзимни суртгудек чўк тушиб, энкайиб ўтирибман, димоғимга ажабтовур ёқимли ислар уряпти...

Ким ардоқлайди тугмача гулларни?.. Ким кўради, ким истаб топади, ким улардан завқ олади?..

Митти япроқчаларнинг ранги шу қадар тиниқки, ундан сачраган оппоқ нур толаси тўппа-тўғри қалбингизга етиб, ичингизни ёритиб юборади.

Сиз етаклаб келдингиз мени, бу ерга...

Сизга бўлган самимий муҳаббатим бошлаб келди, мени овлоқдаги бу гуляпроқчалар тепасига...

Кўзим қамашди. Тиз чўккан қўйи бошимни кўтардим. Ўша лаҳзадаги ҳолатимни тасвирлаш учун фавқулодда сўз заргари бўлишим керак, мен эса...

Зич ва қуюқ қамишзор оралаб ўтган қилдай ёруғлик кўзимга игнадай қадалди... Ботаётган шафақнинг тилла толаси... Ётоғига бош қўяётган қуёш... қуюқ қамишзор... қамишзор пойида сочилган симобранг гуляпроқчалар.

Эътибор беринг, шу овлоқда чаппор уриб очилган гул япроқчаларини куёш нури истаб-топиб-етиб келибди... Кумуш нур-ла қовушибди тилла тола, бу ерда... Кун бўйи оламини ёритиб қартайган Куёш ботар асноси тугмача япроқчалар оқлигидан баҳра олиш умидида қилча йўл очиб оқ гуллар ётоғига тилла тукларини чўзибди...

Гавжум шаҳар одамлари ёнгинасида юрган, ўсган, очилган гулнинг фаркига бормайдилар, ундан баҳра ола билмайдилар. Мен кўрдим ўша гулни, кумушранг гулнинг оқлигини сездим ва... уни тарк этдим. Тарк этдим, олис тоғлар қўйнида, кимсасиз қамишзор пойида очилган симобий гуллар чаманзориди Сизнинг суратингизни кўрдим, маъюс ва маҳзун нигоҳингизни топдим.

Ичимга ўт кетди, жоним, соғинч дақиқаларидан бунёд бўлган навбатдаги узу-ун куннинг соки-и-н-н оқшоми... “Қайтаман!” деган қарордан кўз олдим чароғонлашди. “Айтаман!” деган қарордан руҳимга енгиллик инди.

Суюкли дийдорга етиш қасдида бирон сония ортиқ туrolмадим. Ортиқ қола олмаслигимни англаган дақиқаларда шаҳар томон равона бўлдим.

Келдим. Хат ёздим. Жавоб олдим. Ва Сиз, “Хатни йиртиб ташламоқчи бўлдим” дейсиз...

Уч йил тоғу тош кезиб қалбим ва шуурим, ўй-хаёлу нафсимни ғуборлардан поклай-поклай оқ рангга кўнгил қўйдим. Оқ рангга мубтало бўлдим. Дунёни, одамларни фақат ва фақат оқ тусда кўришга одатландим.

Оқлик ҳаётимнинг мазмунига, ўйларимнинг меҳварига айланди. Ва кунларнинг бирида ўқидим:

Сизни топгунга қадар
Мен қандай яшадим?
Яшадимми?..

Ўқидиму, шу савол қийин-қистовга олди. Саволлар исканжасида қолди ўйим. Саволлар беҳисоб, жавоблар беҳисоб. Не-не саволлар жавобсиз...

Саволларнинг ўзи жавоб.

Саволлар қарвон тортиб келади, жавоб топиш уқубат. Телба саволларга жавоб топиш машаққатидан, телба бўлмаслик учун биргина дилтортар дўст кўмагига муҳтожлик сезади, кўнгил. Биргина дўст... Сиз...

Соғинаман. Хаёл чангалзориди адашган шердек сарсон кезган дамлар олис-олисида Сизнинг майин, вазмин, ўйчан чехрангиз изтиробларимга таскин-тасалли беради...

Тушуняпсизми?..

* * *

Нималарни ёздингиз менга? Нималар деяпсиз? Сиз тасвирлаган туйғулар, эҳ-ҳе-е!..

Тушунинг, мен жуда оддий қизман. Менга ўхшаш қизлар сон мингта. Камчилигимни санайверсам (тагин ёмон кўриб қолманг!) менга изҳор қилган ҳаяжонларингиз анчагина сўниб қолади.

Мен ўзимни Сиз назарда тутган эъзозга лойиқ кўрмайман. Мен Сиз ўйлаганчалик қиёси топилмас қиз эмасман, ахир. Тагин... бу қадар баландпарвоз таърифлар... кулгим келяпти. Йиғлаб олдим...

Ундай эҳтиросларни қўйинг. Ортиқ ёзолмаяпман...

4

... нега бунчалик қисқа ёздингиз? Ютоқиб, бир зумда ўқидим, нафасимни ростлаб олгач, ҳовлиқмай, ҳар сўзингизни ўн бора такрор ҳижжаладим. Мен Сиздан келадиган хатнинг бунчалик қисқа бўлишига дош беролмайман. Эҳтироси тўфон янглиғ тўлиб-тошаётган, айтар сўзи дoston бўлишга тайёр кимсанинг ташналиги икки энлик хат билан баҳра топади деб ўйладингизми? Мумкинми шу?..

Унутманг, ҳеч бир банда қандайин эъзоз-эътиборга лойиқ-нолоийқлигини ўзи холис белгилай олмайди. Муҳаббатли қалб эъзозга лойиқ кўрдими, бас, унга ҳе-еч қандай куч тўғаноқ бўлолмайди.

Муҳаббатли қалб инон-ихтиёрдан холи яшайди. Унга Сизу бизнинг амру фармонларимиз қор қилмайди.

Ҳойнаҳой, бу сўзлар ҳам Сизга баландпарвоз туюлаётгандир? Унутманг, соф муҳаббат баландпарвоз туйғулардан туғилади, шу боис уни оддий ва жўн сўзлар билан ифодалаш қийин, худди шунинг учун ҳам заминий ва жайдари кимсалар илоҳий муҳаббат савдоларини тўғри тушунмайдилар.

Тушуна олмайдилар. “Ҳеч вақт халқнинг маломатидан қутила олмассан” деб ёзган-ку!.. Оҳ, қандайин бокира севги малаклари ўтмишда не-не кулги-мазаҳга қолмаганлар, абгор ва бадном бўлмаганлар.

Эр-хотин бир-бировини қадрлаши оила мустаҳкамлигининг асоси, деб ёзибсиз. Тўғри. Қанчадан-қанча одамлар қадр-қиммат топишни олий бахт деб тушунадилар. (Бунга етишмаганлар қанча!) Буниси ҳам тўғри. Аммо-лекин Сиз... Сиздек хилқатни қадрлашнинг ўзи кифоя эмас.

Қадрлаш ҳам кўнгилларни пайвандлайди. Бироқ, жоним, муҳаббат – қадрига етиш-қадр топишдан-да юксакроқ туйғу. А-анча юксак... Юксак туйғуларга муносиб яшамоқ учун руҳ юксалмоғи керак. Тушуняпсизми?.. Руҳнинг юксаклиги таннинг латифлигидан қувват олади. Қадим китобдан далил келтирай, хўпми?.. “То кишининг таъби латиф бўлмоғунча ошиқ бўлмағусидур, нединким ишқ бешак таъби латифликдин пайдо бўлур. Латиф таъбдин латифлик туғулур”...

Тонг отиб қолаёзди. Хаёл олиб қочди, оз ёздим.

Қистовга олаётганим малол келмасин. Ўзга иложим йўқ. Тезроқ ва кўпроқ ёзинг, хўпми?.. Жуда-жуда кутаман...

* * *

Аввалгидан анча нозиклашиб кетганга ўхшаяпсиз. Шоиртабиат бўлиб қолибсиз. Ёзган сўзларингиздан кулмаяпман, аксинча, уларни ўқиганим сайин ўзимни бошқа киши назари билан томоша қиляпман. Ўзимни бунчалик четдан ва холис кузатмаганман. Қизиқ бўларкан...

Сиз “кибрли” деб таърифлаган қиз ўзидан заррача қоникмаслигини билсангиз эди!.. Ёзганларимни ўқигач, уйқунгиздан кечиб қоғоз қоралаганингизга арзимаслигимни сезгандирсиз?..

Яхши кўрганингиз, эъозлаганингиз, меҳрингизни аямаганингиз учун раҳмат. Бундай эъозга муносиб бўлиш... хижолат чекапман.

Сизнинг нозиктаъблигингиз, талабчанлигингиз қайдаю мен қайдаман!.. Ўйлайвериб, чарчаб кетдим. Қатъият, ирода етишмаётганга ўхшайди. Нима қилишимни билолмаяпман. Менга аталган эҳтиросли сўзларингизни, эъозли меҳрингизни ҳис қилиб, йиғлаб олдим...

Хонамизда нимадир ҳақида сўзлаб бера туриб тўсатдан менга “Ҳар кимни кўнглингизга яқин олавермас экансиз-а?” дегансиз. Хайрон қолганман. Қаёқдан билгансиз?.. Наҳотки, шунчалик одамови кўринсам?! Ахир... айтаверайми?.. Бош кўтариб юзингизга тик қарамаганман, лекин Сизни кўнглимга яқин тутар эдим. Нима сабабдан шундайлигини билмас, ўзимга ҳам изоҳлаб бера олмас эдим. Самимиятингиздан, меҳрли эканингиздан, бошқалар кўнглидаги нозик кечинмаларни зийраклик билан илғаб олишингиздан хайратга тушар эдим. Ўша ғайрат секин-аста ҳурматга айлана бошлаган...

Кўнглим тўридаги пардалар ортида пинҳон ётган бу иқроримни Сизга ошкор қилмоқчи эмасдим, бунинг зарурати йўқ деб ўйлаганман...

Нималарни вайсаяпман?! Сизни хонамизда ўтирадиган қизлар, аёллар, эркаклар ҳам бирдек ҳурмат қилишар эди, ҳамон ҳурмат қилишади. Шаҳарга қайтганингизни эшитишибди, севинишди...

Тушунинг, Сиз ҳақингизда мен фақат тўғри кўнгилда ўйлаганман. Сиз ҳақингизда салгина бўлсин ножўя хаёлга бормаганман. Сиз ҳам мени шундай тушунинг. Қаттиқ ҳурмат қилганимдан хатларингизни жавобсиз қолдиrolмаяпман, деб ёзгандим-ку... Бундай одоб одобсизликка кирмайдими?.. Бошим қотиб қолди...

“Хафа бўлманг” дейсиз. Мен Сиздан ҳеч қачон хафа бўлмайман. Мен Сиздан хафа бўлолмайман...

Кўнгилдаги гапларни баён қилганим сайин улар асл маъно ва жозибасини йўқотаётганга ўхшайди. Ўйларим кўп, ҳаммасини батафсил қоғозга туширолмаёйман, узр...

5

...Сизни кўришим керак, ўзга иложим йўқ. Учрашайлик, суҳбатлашайлик.

Бордим, ўша хонага кирдим ҳам дейлик, Сиз мени қандай қабул қиласиз? Уч йилдан буён йиғилиб ётган дард-ҳасратимни эшитишга тоқатингиз етармикан?.. Умуман, мен билан юзма-юз суҳбат куришга розилик берасизми?..

Хаёлан минг кўчага кирдим. Яширадиган жойим йўқ, изингиздан пойладим. Ишхонадан чиқиб – икки аёл, бир эркак ҳамроҳингиз эди – автобус бекатига бординглар. Орамизда “Ҳой!” деса эшитгулик масофа, орзиқиб кутган лаҳзаларим, мана, марҳамат, етишдим. Ўн қадам, беш қадам, уч қадам юрсам бас, висол-л-л!..

Кутилмаган аҳволга тушдим, жоним, оёғимни ердан узолмасам денг!.. Михлангандек ёки ердан ўсиб чиққан одамдек “қилт” этиб силжий олмадим.

Юрагим қинидан чиққудек гурсиллай бошлади. Шунчалик ҳаяжон босяптими?! Қизларга рўпара келганда тили танглайига ёпишиб қоладиган ўсмир эмасман-ку?!

Хуллас, тиккасига бориб саломлашишга, ўзимни танитишга юрагим бетламади.

Суратингизни чизганман: оч кўкиш кўйлакдасиз, оппоқ гуллари бор, куюқ сочингиз елкангиз узра ёйилган, нафисгина балдоғингизда яноғингиздан таралган нур акс этипти. Яноғингиздаги мошдек холингиз ҳамроҳларидан адашган йўлчидек, холингиздаги ўйчанлик кўзингиздаги маъюсликдан кўчгандек, лабларингиз қимтилган, мендан хафа бўлгандек...

Суратга тикилиб-термилиб соатлаб суҳбат кураман: гоҳ Сиз, гоҳ ўзим бўлиб савол-жавоб қиламан. Бийрон бўлиб кетаман. Кўнглимни тўкин дастурхон каби ёзаман. Бир сўзни ўн-йигирма бор такрорлайман – улар сира кўнглимга урмайди, балки такрорлаганим сайин сўзлар жозибаси қалбимни янаям чароғон қилади. Соғинч, висол умиди, беғубор ва самимий туйғулар айёмига айланади суҳбат онларимиз...

Кўнгилга қувонч бахш этадиган сўзларни айтганим, қоғозга туширганим сайин Сизнинг мафтункор қалбингизга чуқурроқ кириб бораётганимни, ўзимни бамисоли ибодатдан турган тақводордек тозароқ ҳис қилаётганимни сезаман. Фақат соғинчларга тўла изтироблар ичимнинг аллақаерларини тўхтовсиз кемираётганини ҳам аниқ-тиниқ сезаман...

Ношукрлик гуноҳ, бинобарин, мен ҳам ҳаётдан, турмушимдан нолимайман. Ундан ортиқ суратингизга термилиб ўтадиган саодатли дамлар висол айёмига айланадиган бўлди. Висол илинжи азоблаётган одамнинг аҳволини тасаввур қиласизми, тасаввур қияпсизми?..

Хатларингизни неча қайталаб ўқийман: “Сиз билан тузукроқ суҳбатлашиб ўтиришдан хижолат чекаман. Сизнинг теран ақлингиз менинг жўн, саёз фикрларимни қандай қабул қиларкин деган қўркув бор менда”.

Ўқидиму, шундай қарорга келдим: энди мен ўша “жўн ва саёз” фикрлар гадосиман, жоним!.. Сиздек “ердаги оддий қиз”нинг оқилалиги, покдомонлиги учун ҳар қандай осмондан тушишга тайёрман.

“Ножўя хаёл” деган иборангиздан қаттиқ таъсирландим. Бизнинг орамизда ножўя ният йўқ. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Сиз билан мени ножўя хаёл боғлагани йуқ, азизим! Ножўя хаёл боғлаган дўстликнинг баҳридан кечиш ва яна ножўя мақсадларга лойиқ дўстлар орттириш нақадар осон! Худо асрасин... Аммо-лекин жўяли хаёллар жисму жонингни чирмовуқдек чирмаб олсаю, бу исканжада жон таслим қилгудек тўлғонсанг-да, чорасизликдан бирор маскан тополмасанг, нима қилмоқ керак?!

Айтинг, ахир!.. Айни кунлардаги дардимга ёлғиз Сиз, Ўзингиз малҳам қўйишингиз мумкин. Мен ўзгалардан, бошқа қалблардан шифо сўролмаيمان.

Сизни топгунга қадар ...

... Яшадимми?..

Куляпсиз-а? “Жуда яхши яшаяпсиз” дедингиз-а?.. Топдимми?..

* * *

... топдингиз. Уч мисрали шеърни қаерда ўқидингиз? Ҳамманинг ҳаваси келадиган Сиздек одам шундай кайфиятга тушса, бошқалар додини кимга айтсин?.. Ўзим юрган йўлимда уни беихтиёр такрорлайдиган бўлиб қолдим. Шеър ўқимай қўйгандим, ҳозир излаб-истаб ўқияпман.

Муҳаббат – тумшуғида хат ташиган қалдирғоч,

Муҳаббат – болишига пат ташиган қалдирғоч.

Қизиқ-а?.. Қалдирғочни жудаям яхши кўраман. Беозор қуш... Вижирлагани-вижирлаган. Хат ташигани, хат ўқигани шудир-да?! Муҳаббатга мубтало бўлганки, чарх уриб уясига пат ташийди. Демак, оила қуради, қалдирғоч...

Яхши кўриш, кўнгил қўйиш инсонни валфажр айтаётган қалдирғочдек беғуборлаштириб юборади дейишади. Нима? Ток навдасига ёнма-ён қўниб олиб, бир-бирига тинмай вижирлаётган қалдирғочлар каби биз ҳам хат олишиб юрамизми? Кулгим келяпти, кула туриб кўзим ёшланяпти. Ёшим қуриб, бошим қотяпти...

Яхши инсонсиз, меҳрибонсиз, кўнглимга яқин олсам нимаси ёмон?! Самимий суҳбатлар қурсам, сирдош тутинсам...

Узр, нималарни ёздим, ёзаяпман?! Сиздек инсонга тортинмай-нетмай-а!.. Қай бет билан бор ўй-хаёлимни тўкиб соламан, қай тил билан баён этаман?.. Кулгига қолмайманми?..

Жўн ва саёз фикрларимни... тавба!.. Сизга айтадиган, ёзадиган гапларимни кўнглимнинг бир чеккасида кимдир пусиб, “Айтма!” дегандек танбеҳ бериб туради. “Ёзаман!” деб аҳд қиламану, истиҳолага ботаман. Истиҳолага ботаману, беихтиёр ёзганларингизни такрор қўлга оламан: “Энди мен ўша “жўн ва саёз” фикрлар гадосиман, жоним”, “Сиздек ердаги “оддий қиз”нинг оқилалиги, поклиги учун ҳар қандай осмондан тушишга тайёрман”, “Айни кунлардаги дардимга ёлғиз Сиз, Ўзингиз малҳам қўйишингиз мумкин. Мен ўзгалардан, бошқа қалблардан шифо сўролмайман”...

Қанча меҳр, қанча муҳаббат жо бўлган бу сўзларга!.. Тасаввур қиялпман... Озгина иродасизлик қилсам, кўчага югуриб чиқишдан, дуч келган таниш-нотанишга ўзим ҳақимдаги бу қайноқ сўзларни баралла айтиб юборишдан тоймасам керак... Лекин “Айтма!” деган дағдаға тилимни тутати. Унга бўйсунаман. Айтмаслигим керак, вазминроқ бўлишим шарт. Ахир мен қиз боламан...

“Ножуя хаёл”ни мен ўйлагандек, ундан-да чуқурроқ, мазмунлироқ тушунганингиз учун раҳмат...

6

... “Ножўя хаёл”га муносабатимиз бир хил экан, шунинг ўзи Сиз билан менинг қарашларимиз, қизиқишларимиз яқинлигини исботламоқда. Шундай экан, жўяли ниятлар ҳақида ўйлашимиз керак эмасми?.. Эҳтимол, ушбу ёзишмаларимиз жўяли ўйлар деб очасидир. Қалдирғочнинг чуғури беваж бўлмаганидек, бизни бир-бировимизга валфажр айтишга ундаётган тоза ният ҳам бесабаб эмас деган ўйдаман.

Шеър – кўнгил савдоси. Муҳаббат ҳақидаги шеърлар ёлғиз қолганда ўқилади, нари борса, икки дил изҳори сифатида қулоққа шивирлаб айтилади. Инсон кўнгил қатларидаги эрка ва хур туйғулари кўз очган лаҳзалар шеърдан, куй-қўшиқдан тасалли топади. Муҳаббатни қалдирғочга ўхшатган шоирнинг шеърларини мен ҳам ёқтираман.

Унсиз соғинчларимни ўқисам ишқ хатидай,

Соғинчим битта бўлса, ҳижроним мингдир мани.

Ҳижрон, соғинч, қўмсаш... Кундалик, ҳар лаҳзалик ҳамроҳларим менинг! Ёлғиз мусичанинг “ку-ку”сини эшитсам, осмону фалакда чарх уриб учаётган чинни кабутарнинг парвозига тикилсам, тун уйқусига шайланаётган кушлар чуғурига қулоқ тутсам соғинч ўртайди, жонни, жоним!.. Нима, нима дедингиз?..

– “Муҳаббат – ярми тилла, ярми кумуш кўнғироқ”.

– Ҳа, ҳа шундай. Шундай мисраси ҳам бор ўша шоирнинг.

– “Соғинч – ошиқ андалиб, вафо оққуш рангдамиш

Токи, ҳар парвонанинг покиза армони ишқ”.

– Ўқинг, давомини ўқинг!

– “Сарғайган соғинчларим бир қўналға қалб излар,

Тун гардун қабогига тортганида сурма ранг”.

– Шундай, жоним: тонг – соғинч, тун – соғинч. “Ичим куйиб борар, юрагим куйиб...” “Осмонга сиғмайман, ерга сиғмайман”, Сирдошинг, ҳасратдошингга айланган узун тунлар аллақайларда умид гуллари очилар... Тонглар отар... Яна шеър ўқинг, мен тинглайин жимгина. Ўқинг, ахир, қулоғим, вужудим ихтиёрингизда.

– “Йўқ”.

– Яна икки мисра ўқинг.

– “Бўлди. Бошқа шеър билмайман”.

– Жуда куп шеърлар биласиз, жоним. Жуда яхши тушунасиз, шеърни, ўқий қолинг.

– “Тушунмайман”.

– Тушунмайсиз?... Ҳамма дард, ҳамма ситам тушунганингиз мукофоти, жоним. Тушуниш азоб... Инсон чуқурроқ, нозикроқ тушунгани, ҳис қилгани сайин азоби чуқурлашаверади, изтироб ўтида кўпроқ куяверади. Ўйлаб қоламан: бундай ҳолатларда тушунмаслик, ҳиссизлик бахт эмасмикан?..

Сиз шеърни тушунасиз, шеър – кўнгил савдоси, кўнгилнинг ўзи, шеър!
Тушунчаларингизга топинай, хўпми?..

“Жуда яхши яшаяпсиз” деб кулдингиз-а? Ношукрлик қилмайман, атрофимда тўла меҳр, оқибат, камим йўқ. Бу улкан ҳақиқатга тил теккизиш гумроҳлик. Бироқ, азизим, ҳаётда ана шундай ҳақиқатлардан-да юксакроқ, муқаддасроқ ҳақиқат бор. Бу олий-самовий ҳақиқатни кўра олиш ҳар кимсага насиб этавермайди. Уни икки қалб туташган лаҳзалардагина кўриш мумкин... Қалб жавҳарларининг яқинлигидан кўнгил кўзи очилади, бу кўз, бу гуноҳ самовий олам ҳақиқатларини равшан кўради.

– “ва ярми тилла, ярми кумуш қўнғироққа айланади”...

– занг чалади, бонг уради...

– бу қўнғироқ садоларини жуда-жуда беғубор соҳиби-соҳибаларигина тўғри

англайдилар...

– қаерда, Сиз айтмоқчи таъби латиф ўша одамлар? Қаерда?.. Нега бош чайқаяпсиз, айтинг, борми, шундай одамлар?..

* * *

Қараб туриб шоир бўлиб қолмайлик!.. Севги-муҳаббат кўнгилларни шод-чароғон қилади, деб эшитгандим, нега мен Сизга акс таъсир кўрсатяпман? Ёки орамиздаги тоза муносабатни ҳеч кимса тўғри тушунмаслигидан қайғураяпсизми?.. Қайғуришга арзирмикан?..

Бундай туйғулар одамлар томонидан камдан-кам қадрланган, деб ёзгандингиз, ўзингиз...

Тўғри топибсиз: ҳамма бирдек англаган ҳақиқатлардан-да юксакроқ ҳақиқат бор, бу – икки кишигагина аён ҳақиқат...

Ҳис-туйғуларимни шу қадар очилиб-чочилиб изҳор қилаётганимдан хижолатда эдим. Бу тахлит хат алмашувлар оқибатида бир-бировимизга ўрганиб қоламиз деган хавотирдаман... Хавотирда юраверибману, ўрганиб ҳам бўлдим, шекилли?..

Хатингизни кутаётганимни сезмай қоламан... хатларингизни қайта-қайта ўқийман... Сизга изҳор қилиш учун ичимда жамланаётган сўзлар қайнаб-тошади, лекин барини ёзолмайман, уларни... “Тушунчаларингизга топинай, хўпми?” Бу сўзлардаги ҳар бир ҳарфга қанчалар меҳру муҳаббат жо бўлгани фақат менга, ўзимгагина аён. Фақат, ошириб-тошириб таърифлашларингиздан ҳамон лов-лов ёниб, хижолат чекаман...

Ҳижрон, соғинч, қўмсаш... тотли азоблар бахшида этмайдими, бу туйғулар?.. “Тоза дард кўнгилни мусаффолаштиради” деган гапни ўзингиздан эшитгандим, шекилли?.. Шундай экан, тотли азоблар оғушида кўнгли тозаланаётган кишига ачиниш ўринлимикан?.. Сизнинг меҳрга тўла бир оғиз сўзингиз, фақат менгагина аён беғубор нигоҳингиз мени нечоғли юксалтириб юборади. Тасаввур қилолмайсиз! Мана, гап нимада!..

7

Саҳар чоғи кўкда ёлғиз юлдузни кўрсам...

Тўхтовсиз югураётган соат милларига термилсам...

Хазон тўшалган сўқмоқдан ўтсам...

Кундузни оғушига олаётган тунни кузатсам...

Ором истагида бошни болишга қўйсам...

Сизни СОҒИНАМАН...

Тирик жон борки, тинимсиз ниманидир кашф қилиб яшайди. Мен соғинчни кашф қиляпман...

... ёп-ёруғ хона тўсатдан қорамтир тус олади, кўз олдингдан туман, туман эмас – куюқ булут солланиб ўтади, ўтиб бораётган булут бошинг узра тўхтади – устингдан кулаётганга, сени мазах қилаётганга ўхшайди. Қўлларингни алмойи-алжойи ҳаракатлантириб булутни тарқатиб юборгинг, эркин нафас олгинг келади, бироқ, аксинча, қандайдир юмшоқми... каттикми нарса муштдек бўлиб кўксинг ичига кириб олгандек... ҳиқилдоғингга бир нима қадалгандек... абадул-абад шул алфозда тураверадигандек... товушинг борича бақириб юборгинг келади. “Дод!” десанг, хонанинг бир томонини энлаган кенг, ёруғ дераза чил-чил синиб, жаранги қулоғингни қоматга келтирса, майли, ойна синиқлари тарновдан шовуллаб тушаётган ёмғир сувидек бошингдан қуйилса... бетинг, манглайинг, лабларинг қонга беланса ва шиша ёмғири орасидан сени шундайин соғинч тегирмонига солиб азоблаётган Суврат кўринса...

Олам сукунат оғушига чўмади, сукунат ютиб юборай дейди. Сени ютиб юборишга ҳозир у нозир сукунат навосини тинглаб ором олгинг келади...

Ҳозиргина дераза ойнаси чил-чил синиб тушган, куюқ булут бўронидан мусаффолашган хонада Сизни рўпарамга қўйиб, нурдек жамолингизга суқланиб суҳбат бошлайман... гоҳ Сиз – гоҳ ўзим бўлиб суҳбат кураман. Аразлайман, Сиз юпатасиз... Ички чўнтагимдан тахланиб ётган хатларни олиб бир бошдан ўқишга киришаман, “Ўқиманг” дейсиз. “Ҳаммасини эмас, айрим жойларини ўқиб берай” дейман. “Мен йўғимда ўқийсиз” дейсиз. Нима деганингиз, бу? Сиз ҳеч қачон йўқ бўлмайсиз, ахир, Сиз доим ёнимдасиз, Сиз менинг ичимдасиз...

Дераза ёнида чумчуқ пайдо бўлади, узук-юлуқ чирқиллаб, бошини қийшайтирганича мунчоқ кўзларини биздан узмайди. Хатни ўқишга тутинаман: “Сиз менга қадрли инсонсиз...”, “Менинг кўнглимга бегона эмассиз...”, “Ҳурмат қилардим, энди эса...”

– “Тўхтанг, ўқиманг, кетиб қоламан!”

Авзойингизни кўриб чўчиган чумчуқ “пир” этиб ғойиб бўлади. Мен эса дилингизга озор етказдим, деган ўйда хавотирга тушаман. Ювош тортаман... “Хўп-хўп, ўқимайман” дейман. Сиз нима десангиз, “чурк” этмай адо этаман. Бу хатларни Сиз ёзмагансиз. “Ўзгага бермоқ эса тушимга кирмас ухлаб” деб ёзармидингиз Сиз?.. “Тагин ёмон кўриб қолманг” деб ёзган одам ҳам бошқа “Шунақанги соғиндимки!..”, “Ҳеч кимни йўлатмаган кўнглимга кириб олдингиз” деган сўзлар ҳам Сизга бегона. Бошқа киши, Сиз билан менга мутлақо бегона киши ёзган уларни. Ўша БОШҚА киши Сиз билан мен ҳақимда топиб ёзганини қаранг!..

Эшитяпсизми: “Бизни ҳеч ким бир-биримизни тушунганчалик тушунмайди...”

Жуда тўғри ёзгансиз, жоним, бошқалар бизни тўғри тушунмаслигини фожиага айлантиришнинг ҳожати йўқ. Эҳтимол, ҳамма бирдек тушунаверадиغان туйғу

бўлганида, у Сизу бизнинг кўнгилларимиз мулкига, қалбларимизни туташтирувчи кўприкка айланмас эдимиз?..

Шундай эмасми?..

– “Мен ҳам шундай ўйдаман”...

– Нима дедингиз?

– “Ҳеч нима”.

– Айта қолинг.

– “Ўзи битта эди”.

– Ўзи битта бўлгач, гапи ҳам битта бўлади-да!..

– “Тушимда Сизни кўрдим, Цой исмли аёлни севиб қолибсиз”.

– Ҳа-ха-ха!.. Сой исмлидир, хойнаҳой?

– “Сой исмли аёл ҳам бўладими?”

– “Жату-ум-м” нима дегани?

– “Нима?!”

– “Жату-ум-м-м, мускурадо-о!” деб куйлайдилар-ку, ҳиндлар.

– “Билмадим. Сой исмли аёл ким?”

– Сой – сой-да, оқар сув, анҳор бор-ку, ўшани севиб қолдим.

– “Сойними?”

– Сойни.

– “Сойни севиш... тушунмадим”.

– Лим-лим оқаётган сой экан. Сувга тикилиб ўтирдим, ўй сурдим. Бир замон қарасам, бир гала қиз кўзаларни сувга тўлдиришида, изма-из юриб нариги қирғоқдаги ёлғизоёқ йўлдан қиялаб юриб юқорига кўтарила бошлади. Не кўз билан кўрайки, уларнинг орасида Сиз бор экансиз... ҳаяжондан нафасим қайтаёзди, жоним борича бақирдим, чақирдим...

– “Нима деб?”

– Исмингизни айтиб чақирдим.

– “Исмимни нима деб айтдингиз?”

– Айтдим-да...

– “Қани, айтинг-чи”.

– Ҳеч кима-а, маълум эма-ас, ҳоли паришо...

– “Э, тўғриси айтдинг”.

– Айтайми?.. “Жоним” дедим, “Хоним” дедим, “Жавоҳирим”, “Оппоғим”, “Гавҳарим” дедим...

– “Бўлди-бўлди, етади. Бирортасиям менга мос кемайди”.

– Мос кемайди?! Сиз сув олиб тепалик томон юришингиз ҳамоно сой суви нур тарата бошлади. Симобий, кумуш ранг сув. Югурдим, оқар сувнинг сатҳида югуриб боряпману, оёғим ботиб кетмаётганига ҳайрон ҳам бўлмаяпман, чунки ўша топда сув бетида югуриш эмас, Сизни сой бўйида учратиш мўъжизароқ эди мен учун, тасаввур қиляпсизми?!

– “Ҳа-ҳа-ҳа!..”

Сухбатимиз шу ерга етганда дераза тоқчасига оппоқ чинни кабутар келиб қўнди. Бўйинини чўзиб, аввалига чўчинқираб мошдек дум-думалоқ кўзларини бизга тикди. Кабутар шу қадар оқ эдики, азбаройи, шундайига ҳам ёруғ-чароғон хона янаям нурга тўлди. Жонивор хуркиб учиб кетмасин деган ўйда товушимни пасайтирдим:

– Кулинг, жоним, тушларимдан завқланиб кулинг. Мен эса ўша сойнинг суратини чизяпман...

– “Қизиқсиз-а!..”

– Машҳур раққосанинг ўнлаб суратини чизиб тор кулбасига қатор-қатор ясаиб қўйган, қариган чоғида шундан ўзга овунчоғи қолмаган таниқли рассомнинг ҳаёти ҳам қизиқ эди. Мен-чи?.. Сизга ишқим тушдию, қизиқ бўлиб қолдим. Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам Сиз, Сиз, Сиз!.. Кулоғимда– товушингиз, назаримда – суратингиз, вужудимда – вужудингиз...

... хонтахта ёнида ёнбошлаганча ухлаб қолибман. Ярим кеча уйқум ўчди. Совуққотибман. Кўзимни базўр очдим. Не кўз билан кўрайки, ёнимда чўк тушиб, тепамда менга қараб ўтирибсиз. Атлас лозимнинг чўғдай жияги кўзимни камаштирди... “Туринг, бундай ётманг” дедингиз. Сўзингизни икки қилмай, ирғиб қад росламоқчи эдим, кўнгилга оралаган хаёлдан юрагим орқага тортди.

“Кетиб қолса-чи?”

Кўзимни очсам кетиб қоласиз, деган хаёлда қимир этмай ётавердим. Сизни тепамда кўриб шу қадар ором топдимки!..

“Туринг”, дедингиз, “Кетиб қоласиз-да”, дедим ичимда. Яна уйқу элитди...

Алламаҳал чўчиб уйғондим, тепамда менга термилиб ўтирганингизга қарамай уйқуга кетганим учун ўзимдан норозиланиб, сапчиб турдим. Йўқсиз... Шошиб ҳовлига чикдим. Ҳовли саҳнига, бурчак-бурчакларига кўз югуртирдим – топмадим. Аламдан ичим ўртанди. Шошиб, зинадан пастладим. Шунда, қийғос гуллаган гилос шохларидан-да баландроқда деворга ёйилгандек осиглиқ оппоқ матони кўрдим. Мисоли оқ, нурли дастурхон...

Кўзимни узолмадим. Сутдек оқ мато – дастурхон сатҳида ундан-да окрок, ундан-да нурлироқ Сизнинг суратингиз пайдо бўлди.

Мўъжиза эди, бу!..

Маъюс, мунис, дилбар чехра... Турган жойимда нафас ололмадим, оёғимнинг учида чўзилдим. Вазним е-енгил тортди, Сиз томон кўтарила бошладим... би-ир кучоқ оппоқ нур сузиб келди, келди ва мени осуда оғушига олди...

* * *

Бунчалик муҳаббатга тўла бўлмаса, қалбингиз!.. Қаттиқ кўнгил боғлаш хосиятсиз, дейишади. Худо асрасин...

Шунчалик яхши кўрасизми-а?! Чиндан ҳам, қизиқсиз, мен ҳам қизиқ бўлиб қолаётганга ўхшайман...

Хатингизни ўқиб кўзларимга дур тўла ёш қалқиди, юрагимдан қувонч тошди. Бизни бир-биримизга рўпара қилган Аллоҳга шукрлар қилдим.

Сизга туш бўлиб кўринган манзара менинг ўнгиммикан?.. “Ўнгиммикан?” деб тепангизга боргим, қўлларингиздаи тутгим келди... Кўзларингизда адоқсиз изтироб, адоқсиз соғинчни кўрдим... “Мени соғиндингизми?.. Кўргингиз келдими?.. Чиндан ўзингизми?.. Оқ мато сатҳидаги оқ сурат бўлиб кўринган менми?” деб ҳоли-жонингизга қўймай сўрайвергим келди. Буткул дунё эшитгулик овозда қўшиқ айтгим келди. Сизнинг ҳеч кимса йўлай олмайдиган беғубор дунёингизга қўлингиздан тутиб сингиб кетгим келди...

Рухимни чирмаб олаётган бу оромбахш азоб, илоҳий нур мени тобора юксалтириб, поклантириб, эсанкиратиб қўймоқда. Жону жаҳонимни эъзозлаган, оппоқ рангларга, оппоқ нурларга, сутдек оппоқ эзгуликка белаб-буркаб ташлаган лаҳзаларни, илоҳий вужуддан таралган сеҳрли сўзларни хаёлимда қайта-қайта тикладим, эсладим ва Сиздан қанчалар олисда бўлсам-да, шунчалар яқинда эканлигимни ҳис этдим.

... ҳар сафар руҳинг ортидан хаёлан эргашган кўйи унинг қошига отланар экансан,

остонасига қадар зилол сувлар сепиб борасан. Зилол сувлар сепилган йўллар зебо гўшаларга етаклашини Яратгандан сўрайсан...

Ижод кишилари ҳаёлпарастлиги рост-а?.. Лоақал тунда тинч, хотиржам ухланг. Бисотингиздаги барча ҳароратли сўзларни кундузи айтсангиз ҳам бўлади-ю!.. Хонтахта ёнида кўзингиз илинибди, ҳойнаҳой, юпқа кўрпача устида ухлаб қолгандирсиз?.. Совуққотиб уйғонибсиз. Шундан безовта бўлиб боргандирман, тепангизга?..

“Адамни яхши кўраман” десам ажабланманг. Ҳар ким учун ўз отаси азиз. Лекин мен адамнинг ниҳоятда ширинсўзликлари, ниҳоятда ҳушёр ва беҳад меҳрибонликлари учун улуғлайман. У киши фақат биз фарзандларига эмас, ҳеч кимсага ёмон кўз билан қарамайдилар, бирор кимсанинг кўнглини ранжитмайдилар. Бундай одамлар кўп эмас... Сиз кў-ўп жиҳатдан адамга ўхшайсиз...

Сиз мен билан ғойибона суҳбат куриб мажнунлик қилаверманг. Сиз тасвирлаган суҳбатимизни ўқиб дам кулдим, дам завқландим, ўзимга ҳавасим келди... Тонг отгунга қадар мижжа қоқмадим. Ҳаёл суриб суҳбат кўрдим, “Ким билан?” дейсизми? Сўхбатдошимни Сиз танийсиз, фақат Сиз биласиз у кишини...

Шунчалар яхши кўрасизми-а, мени?.. “Ўлибманми, яхши кўриб!” деяпсиз-а?..

8

... эҳтимол, Сиз таърифлаганчалик яхши одамдирман, лекин ҳар сафар хатингизни ўқиганда ўзимни янаям яхшироқ инсон сифатида ҳис қиламан, янаям яхшироқ одам бўлгим келади.

Сиз одамларни ўз имкониятидан ўн, юз карра яхшироқ одам бўлишига даъват эта олгувчи мўъжиза соҳибасиз. Бундай қизлар табиатида заминий қувватдан кўра, самовий сеҳр кучлироқ бўлади. Эҳтимол, кимларнингдир назарида Сиз ҳамма аёл-қизларнинг биридирсиз, Сизга ҳам кўполлик, кўрслик қиладиган эркак топилар (юзини тесқари қилсин!), лекин шуни унутмангки, бир кишининг назарида Сиз асло бундай тубан муомалага раво кўрилмайдиган хилқатсиз!..

... киш чилласи. Туни билан ёққан қор ҳолдан тойган – май-йда-май-йда элаяпти. Қор қоплаган томлар қато-ор ётганича уйқуга кетган ва ҳализамон силкиниб уйғонадиган баҳайбат жондорларга ўхшайди. “Жондорлар”нинг у ер-бу еридан қуюқ қора тутун бурқсиб кўтариляпти... Тонг отса-да, одамлар иссиқ уйларида ташқарига чиққилари келмайди, совуқнинг зўридан кун ҳам минг бир укубатда, эриниб ёйилмоқда.

Кимсасиз, тор ва узун кўчанинг ў-ўртасида бола етаклаган жувон пайдо бўлди. Бола – ўғил бола шекилли – телпакни кўзига довр бостириб кийган, у етмагандай, оғзи-бурни аралаш шарф ўраб боғланган.

Жувоннинг бошида оқ жун рўмол, иссиқ кўйлак устидан қора бахмал нимча.

Гулдор лозим. Бир қўли билан ўғлининг қўлқоп кийган қўлидан тутган, иккинчи қўлини мушт қилганича кўксига босган. Нимадир гапириб келаяпти шекилли (оёғи тойиб кетмасин-да!), оғзидан буғ чиқяпти.

Томлар, дарахтларнинг шир яланғоч шохлари, кўча оппоқ қорга бурканган. Жувоннинг қўли, юзи қордан-да оқ... Оқ жун рўмоли остидан ярқираб кўринган манглайдан таралган нур шундайига ҳам оппоқ кўчани янада ёритаётгандек.

Тонг ёғдуси шу кўчада тунагану, жувон уни етаклаб чиқаётгандек. Ана, юқорига, юқорига, яна юқорига кўтарилмоқда, ҳадемай ўзидан таралаётган нур толаларидан эмин-эркин одим ташлаб само сари йўл олади...

Бола, йўқ, ёғду тўла тонгни етаклаган жувон – Сиз. Қиш тонгидан окроқ, қор жилвасидай тоза ниятлар етаклаган фаришта – Сиз. Қирчиллама қиш тонгида ҳаяжондан энтикиб, вужудидан тер қуяётган йигитнинг тирик соғинчи – Сиз.

Мана, зум ўтмай мен тасвирлаган манзарадан чиқиб келасиз, аъзои баданимдан кўтарилаётган ҳовур ўзига қўшиб кўтариб кетаётгандек ва Сизнинг васлингизга етдим деганда, ундан айро тушадигандек... кўзларимдан ёш тиркирайди. “Совуқнинг зўридан” дейман ичимда, Сиз манзаранинг чегарасига яқинлашасиз, энтикаман, ёнгинамда пайдо бўласиз, оғиз жуфтлайман: “С...с...”, салом беролмайман. “С... с-салом”га жуфтланган лабларим орасидан “С... с-соғиндим” деган сўз чиқишини, бундай демаслик учун иродам, қурбим етмаслигини тушунаман.

Юзма-юз келасиз, нигоҳингизни бир сония ердан узасизу неча кунлардан буён ўйлаб, чамалаб, айтмоққа шай қилиб қўйган сўзларим пўртанасини сўндирасиз... Лом-мим демай ёнгинамдан ўтасиз ва юз-кўзингиздан таралаётган биллурий нур толаларидан тўшалаётган ёлғизоёқ йўлдан осмонга, осмонга, осмо-онга чиқиб кетасиз...

* * *

Соғинч ҳам шунчалар азобли бўладими? Қандай манзарани ҳикоя қилдингиз? Тасаввурингиздами?... Мен етаклаган бола ким?..

Кўнгил тубида пинҳон тутган кўпгина сирларни ошкор қилишга тўғри келаяпти... Сизни қанчалар кўнглимга яқин олишимни ёлғиз ўзим билар эдим, фақат ўзим тушунар эдим. Энди эса ҳар кимга насиб этавермайдиган меҳр, бокира туйғулар...

Майли, ўша тор ва узун кўчадан чиқиб бораётган, чехрасидан таралаётган биллурий нур оёғининг остига поёндоз бўлаётган (чиндан шундайми?) жувон мен бўлай, кўча бошида кутаётган Сиз бўлинг. Айрилиқнинг адоғи – соғинч, айрилиқнинг меваси – соғинч... Сиз, мен... кумуш поёндоз тўшаётган тонг...

Сизга нисбатан кўнглим тубида асраган пинҳоний муносабатимни ҳеч қачон сездирмайман, ошкор этмайман, бу сир меники, унинг беғубор ва самимийлигига бирон кимса шубҳа қилмаслиги керак, зинҳор унга гард юқтирмайман деб ўйлар

эдим. Уни Сизга ҳам айтмасликка онт ичгандим, чунки, ҳатто Сиз ҳам мендаги туйғуларни, Ўзингизга бўлган меҳрни тўғри тушунмайсиз деган хавотир бор эди менда.

Шунинг учун ёнгинангиздан лом-мим демай ўтгандирман...

Сўз билан тасвирланган манзарангизни ўқиб ўзимга ҳавасим келди. Илгари бошқаларга ҳавас қилардим, кейинги пайтларда фақат ўзимга ҳавас қиялман... Суйдирадиган, куйдирадиган сўзларингизнинг ҳамма-ҳаммаси меникимиз? Фақат меники-а?..

Сўзларингизни эшитаётгандек, нигоҳингизни кўраётгандек йиғладим...

Уйда, иш жойимда, қариндош-уруғларим орасида ҳамма бирдек ҳурмат қилади, зъозлайди, эъозлашади. Фақат Сизчалик эмас... Кўкларга кўтаргувчи мактовларингиз учун миннатдорлигимни қандай изҳор этишни билмайман. “Раҳмат” дея оламан, холос...

Ёдимдан кўтарилай дебди! “Кўп мажнунлик қилманг”, деб ёзгандим, унутдингизми дейман?.. Эртаю кеч мени ўйлайвермай, хаёлларингизга тин беринг. Эртага якшанба, ҳордиқ кунларини ортиқча ўй сурмай, ортиқча изтиробларга берилмай ўтказинг, хўп?..

9

... якшанбани Сиз айтгандай ўтказдим. Уйга қамалиб, ортиқча изтироб чекмай деган ўйда ташқарига чиқдим. Жим-жит, дарахт барглари қилт этмайди, ҳайрон бўлдим, нега борлиқ сукутда?.. Ниманинг хаёлини сураяпти, қизиқ... Бирдан аллақайда мусича чўзиб ку-кулади. Шу қадар нола қилдики, мусичанинг товушида шу қадар мунг, шу қадар соғинч, шу қадар дард борлигини биринчи бор илғашим... Сизни эсладим... Мусича яна ку-кулади, азбаройи ҳовли жаранглаб кетди, беозор парранданинг бўғиқроқ товуши менинг ичимдан эшитилаётгандек бўлди... Бу товуш Сизни чақираётган, Сизни чорлаётган эди... Сезяпсизми, Сизнинг сўзингиздан чиқмай ортиқча изтиробларга берилмасликка уринганим сайин Сизни ўйламаслик, Сизни хаёлдан қувиб чиқариш эпини тополмадим.

Биласизми, нега шундай бўлди? Нафас олмай яшашнинг иложи йўқ-ку, тўғрими? Шундай экан, ахир, Сиз ҳар лаҳза қонимни, руҳимни ҳаракатга солаётган нафасимнинг ичидасиз... Менга ҳаёт бахш этиб турган нафасларим ичидаги хилқатни қандай қилиб унутай, уни хаёлларим пўртанасидан қувиб чиқарай?!

“Раҳмат”ингиз қабул. Ҳар ёзган хатингиз – раҳмат, хатингиздаги ҳар сўзу ҳар харфингиз – раҳмат. Сизнинг борлигингиз раҳмат, мен учун, жоним!..

Адангизни танийман. Кўпни кўрган, босиқ диёнатли инсон эканликлари қиёфаларидан сезилади. Шундай меҳри дарё отанинг Сиздек фарзанди кимсага ёмонлик соғинмаслиги табиий. Сиз бошқаларга зарда қилганингизни кўрмадим, эшитмадим. Фақат, меҳру муҳаббатга сазовор бўлиш учун бу фазилатнинг ўзи

кифоя эмас.

Самовий туйғуларни жўн иборалар билан ифодалаш мушкуллигини тушунасиз (ёзгандим-а?), деган фикрдаман. Шундай экан, тўғри қабул қилинг, мен назарда тутаятган муҳаббат гирдобига ғарқ бўлмоқ учун, менинг орзуимдаги самога кўтарилмоқ учун минг карра ишлов берилган олмос, дур, гавҳарнинг асиласига айланмоғи зарур, қалб! Башорат қилинг-чи: орзуимдаги кўкларга юксалиш бизга насиб этадими?..

“Сиз осмондасиз” деб ёзган эдингиз. Ундай эмас, мен орзу қилган фалакка ёлғиз чиқиш мумкинми? Ёлғиз кимсага нима бор у ёқларда?

Сизнинг сеҳрингизга боғланган энг беғубор туйғуларимдан туғилган руҳим учиб юргандир, ҳойнаҳой?.. Ўзим эмас. Мен – ердаман, Сизнинг ёнингизда. Фалакнинг адоқсиз сеҳру жозибасига, фоний дунё синоатларига Сизда топганим – қалб ва тан поклиги – оқ-оппоқ ранглар орқали боқа олганим эвазигагина ўша осмонларни илғай олгандирман...

Ёлғиз қанот қушлар осмон қатларига учиб етолмайдилар...

... нафис хитойи чинни, “Тушириб юбормай!” деган хавотирда кафтларимда авайлаб тутаман. “Тушиб кетса-я!” – хавотир, кўрқув, хаяжон... Тушириб юбормай-да!.. Ардоқлашга қудрат бер, Ўзинг!..

Аввал ёзган хатларингиздан бирида ўқидим: “Кўнглимдаги гапларни ёзганим сайин улар асл маъносини, жозибасини йўқотаётгандек туюлади...” Бошқа юпанчимиз ҳам йўқ-ку, ахир. Орамиздаги ёлғиз Аллоҳга аён ришталар сеҳрини сақлаш ва ардоқлашнинг мактубдан бўлак яна қандай чораси, имкони бор?

Дил изҳори, дил баёни, дил рози, холос...

Ёзганим сайин гапларим қайнаб чиқаётганга ўхшайди. Ёзавераман. Ёзишмаларимиз нарвон янглиғ бизни арш чаманзорларига олиб чиқади. Бу – оппоқ самимият, тонгдек беғубор, норасида гўдак нафаси янглиғ ҳалоллик нарвони бўлади...

* * *

Неча кунлардан бери тушимда кўраман. Телефон ҳар сафар жиринглаганда ўрнимдан ирғиб тураман. Эшик ҳар сафар очилганда “ялт” этиб қарайман... Пиёда юргим келади... хаёл олиб қочади. Сухбатларингизни эслаймай, йўл усти хатларингизга қайта-қайта кўз югуртираман, бир кулиб – бир атрофга жавдирайман.

“Узоқ-узоқларга кетгиси келади, одам” деган эдингиз. Назаримда, ҳозир жуда узоқдасиз...

Тушларимдан бирини айтайми?..

Хонангизга чақиртирибсиз. Шошилиб кирдим. Беш-олти нотаниш қиз хонангизни артиб-суртишяпти, безатишяпти. Шинамгина!..

Сизга кўзим тушди. Сиз (айтаверайми?) яп-янги, чўғдек гилам устида ёнбошлаб дам оляпсиз. (Шунча қизнинг кўз ўнгида нима қилиб ётибсиз?!) Тепангизга бордим, кара-аб туриб қолдим.

– Мени шу аҳволга солдингиз. Келмай қўйдингиз, мана, туролмаяпман, – деддингиз.

Кайфиятингиз эса чоғ, кулимсираяпсиз. Ошиқиб, қўлимни чўздим, бармоқларимдан қаттиқ, лекин авайлабгина тутдингиз-да, ирғиб қад ростладдингиз.

Қаддингиз сира букилмасин...

Тўғри тушунинг, мен Сизга назокатли, фаросатли, беҳад соҳибжамол қизларни раво кўраман. Бордию, мени сирдош тутсангиз-да, ўшандай қизга кўнгил қўйганингизни айтсангиз чин дилдан қувонган бўлур эдим. Сиз эса... ахир ўзим биламан, қандайлигимни!.. Ўжарман, инжиқлигим ҳам етарли, йиғлоқиман... Қолганини айтмай, тағин ёмон кўриб қолманг. Суюкли бўлиш қандай яхши!..

Кўнглингиз нигоҳи менга тушди. Хатларингиз – Аллоҳ инъом этган тиллоларим менинг! Уларни ўқиб, бу бахтдан бошим айланиб, ҳеч ким ва ҳеч нима билан ҳисоблашмай, андишаю истиҳолани йиғиштириб ҳаммага мактангим келаверади.

Биламан, Сиз билан менинг орамиздаги дўстликни, беғубор руҳий яқинликни ҳеч кимса тўғри қабул қилмайди.

Бир-биримизни тушунсак бас, шундай эмасми?.. Самовий таърифу тавсифлар, хароратли эхтирослар, қўш қанотли қушлар парвози...

Ҳамон иккиланаман, юрагим орқага тортади – Сиз айтган осмонга чиқишга имконим етармикан?.. “Башорат қилинг-чи!” дейсиз-а!.. Мен кафтингизда авайлабгина тутиб бораётган нафи-ис хитойи чиннингиз бўлсам... Хитойи чиннидан ҳам башорат кутадими, одам?..

Тушириб юбормайсизми, тағин?..

10

... агар ҳар бир одам кимгадир Сиз ва мен каби кўнгил қўйса эди. Кўнгил қўя олса эди – бутун инсоният қавми орасидаги гина-кудуратлар, ихтилофлар барҳам топарди. Чунки оламни оқ рангларда, меҳр кўзи билан кўра олган инсон нигоҳида иллат қолмайди. Ҳар кишининг гўзал хулқ-атвори кўпайишига кимдир сабабчи бўлади. Дунёга тоза кўнгилда қарай билиш, одамларни катта муҳаббат билан сева олиш туйғуси ҳам жонзод янглиғ туғилади, юксалади.

... ўн уч ёшли бола, тенгқурлари қатори кўча чангитиб, тўп қувиб юрган болакай

туйкус ён дафтар тута бошлади. Кўрган тушини, еган овқатини, онасининг танбехларини, кушларнинг сайрашини, кучукчаларни яхши кўришини... кўшни синфдаги қизнинг юриш-туришини ёзиб боришга одатланди. Одатландию, дўстлари сингари терлаб-пишиб югуравермайдиган, шимининг чангини чўткалаб, туфлисини артиб-суртадиган, уйда-дарсда – юрган йўлида китоб ўқиш жиннисига айланди.

Ўзига кўшни синфдаги қизнинг назари билан қарай бошлаганини ўзи ҳам сезмади. Ён дафтарини қўлдан қўймади. Мурғак таассуротларини, одамларнинг бир-биридан ажойиблигини ўзича кашф қила бошлади. Ғайрат, ҳавас, севинч уйғонди унинг кўксига... Ўзини бирдан улғайгандай ҳис қилди. Фақат ундаги оламжаҳон ўзгаришдан кўшни синфдаги қиз беҳабар, болага қандай таъсир ўтказгани – ёлғиз яратганга аён эди.

Бола мўъжизага ишонар, эрта ё индин ҳаётида фавкулудда мўъжиза юз беришини интиқ кутар, лекин ичида ғужғон ўйнаётган тўфонни ҳеч кимсага, яқин дўстларига-да ошкор этишни истамас эди..

“Мўъжиза” уйда – оила даврасида юз берди: ўн уч ёшли бола ён дафтарчасини йўқотди!.. Азбаройи талвасага тушди. У кўшнининг сержун ити болдиридан тишлаганида ҳам, қатик олиш учун гузарга борганида икки найнов оғайни шапалоқ уриб, тепкилаганида ҳам, ариқ ёқасидаги кулбада ёлғиз яшайдиган телба хотин “Бурдалаб ташлайман!” дея тишларини тақиллатиб қувлаганида ҳам бунчалик юрак олдирмаган эди.

Ён дафтарча қаёққа ғойиб бўлди? Ким олди уни? Кимга зарур экан ўн уч ёшли болакайнинг ён дафтарчаси?..

Оқшом овқатдан сўнг шошиб ўрнидан турди, ҳаёли жойида эмасди унинг. Ён дафтарчасини йўқотганини оғиз очиб айтолмади, уни ўзи излаши, топиши керак. Шарт! Топмаса...

– Ўтиринглар! – деди отаси ҳаммага қарата. Акалари, опалари, кеннойиси хонтахта теграсини тўлдиришди. – Қани, ўқи-чи!..

Муддаони тушунолмай ҳамма жим, катта аканинг кўлида... йўқолган дафтарча пайдо бўлди!.. Ака уни ўқишга тутинди:

– “Катта танаффус... звонок чалинди... Классдан шошиб чиқдим, қарасам...” Хаҳ-ха-ха!..

Бола “ялт” этиб акасига қаради ва ўша заҳоти қайтиб бошини тиззалари узра солинтирди. Акаси мириқиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кулатуриб дафтарчани хотинига узатди. Ундаги ёзувларни овоза қилишни кеннойи давом эттирди:

– “Бугун кўкиш кўйлай кийибди, ёқаси оппоқ. Кеча сариқ кўйлак кийганди. Юрганида этаги чиройли ҳилпирайди... Кўйлагинг чиройли экан, демоқчи эдим, айтолмадим...”

Бу сафар дастурхон атрофидагиларнинг ҳаммалари бараварига кулди. Катталар кулгидан ўзларини тўхтатолмагани сайин бола ўтирган жойида эзилиб, ерга кириб кетаверди.

“Тарбия соати” қанча давом этди, отаси, онаси, ака-опалари нима деб танбех беришди – боланинг қулоғига кирмади. Ўн уч ёшли бола бамисоли оёқ остида мажақланиб эзилган майсанинг аҳволига тушди. Чурқ этиб товуш чиқармади. Уйдан ҳовлига, ҳовлидан қоп-қоронғи кўчага югуриб чиққандагина, ариқча ёқасида ўсган толнинг қуюқ зимистон панасига бориб чўк тушиб ўтиргачгина кўзи жикқа ёшга тўлганини пайқайди...

* * *

...ўн уч ёшли болага ачиниб кетдим. Қоронғида тол панасида ич-эти эзилиб ўтиргани кўз ўнгимга келди. Бошини силаб юпатгим, кўнглини овлагим келди. Наҳотки, кап-катта одамлар болалик ҳавасини, унинг мурғак кўнглида одамларни яхши кўра олиш майли, туйғуси кўз очаётганини тушунишмади?! Ахир... меҳрни тушунтириш, ифодалаш, изоҳлаш қийин экан... Одамлар орасидаги ҳамма-ҳамма муносабатлар меҳр-муҳаббатни тушуна олишдан бошланади. Меҳрли бўлиш қанчалик машаққат, қадрлай билиш эса ундан-да мушкул.

Сиздан яширмайман, яшира олмайман: кўнгил қўйган кишиларим бўлган. Лекин ҳеч ким билан очиқчасига суҳбатлашиб, кўнглимда пинҳон тутган изҳоримни ҳам, изтиробимни ҳам ошкор этмаганман, айта олмаганман, ҳатто айтиш шарт эмас деб ҳисоблаганман. Қанчалар эзилиб, қийналиб, соғиниб яшасам-да, атрофдагилар назарида бефарқ ва совуққон кўриниб юраверганман. Энди ўйлаб кўрсам туйғуларимни, ҳиссиётларимни фақат Сиз қадрлай билибсиз, тилга кўчиришга журъат этмаган эҳтиросларимни баён қилишга йўл очибсиз. Шунинг учун ҳам орамиздаги муносабат “яхши кўраман” мазмунидаги дил изҳоридан а-анча юксакда деб ҳисоблайман. Сиз ҳам шундай фикрдасиз тўғрими? Уни, айниқса, Сиздек сезгир одамга изоҳлаш ортиқча.

Самимий, беғараз, гўзал муносабат...

Бир пайтлар, “кўнгил йўли олис” деган иборани тилга олгансиз. Ёдингиздами?... Сўнг тушунтиргансиз. Мана, энди хатларингиз – кўнгилнинг ҳар ким илғай ололмайдиган, фаҳмлолмайдиган энг нозик кечинмаларию тебранишлари изҳори.

Сиз ўн уч ёшли боланинг изтиробларини ёзибсиз. Бу ёшдаги қизлар ўғил болаларга нисбатан кўпроқ нарсани тушуниб улгурадилар, зийрак бўладилар.

Шу ёшимда “Яхши кўриш нима? Одамлар нега бир-бирларини ёқтирадилар?” деган саволларга ўзимча жавоб топгим келарди. Қизлардан сўрай десам устимдан кулишади... Амаким бирга ўқийдиган қизни яхши кўрар эканлар. Шу гапни эшитганда ғалати бўлиб кетдим. Суюндим.

Амакимни уйлантирадиган бўлишди. Бувим қизни кўрибдилар, розилик

билдирдилар. Уйимиздагилар қизнинг исмини очик-ойдин тилга олаверишди. Сал гап очилса амакимга қарайман, кўзлари чарақлаб кетганини сезаман... Қани эди, бувимгилар бўлажак келин ҳақида кўпроқ гапиришса-да, мен амакимнинг кувонишларини кузатаверсам...

Бироқ, катта амаким тўйга розилик бермадилар. Бошқаларни билмадим, бу гап мени довдиратиб қўйди. Ахир мен ўзим танимаган-нетмаган ўша қизни аллақачон кеннойи қилиб улгурган эдим...

Ўзимча ҳукм чиқардим: амаким зинҳор бошқа қизга уйланмайдилар, ахир яхши кўрганини унутиш осонми? Мен не хаёлдаману, амаким... бошқага уйландилар. Тўғриси, амакимдан кўнглим қолди, шундай бўлса-да, у кишини зимдан кузатишда давом этдим. Амакимнинг кўзларида армон аломатларини изладим...

Аввалига келин кўзимга хунук кўринди. Гаплашгим ҳам келмади. У кун бўйи тиним билмас, елиб-югуриб хизмат қилар, катта-кичикка бирдек ширин муомала қиларди. Мени “сиз” сирашидан ҳайрон қолдим!..

Бир куни ошхонага югуриб кирсам, кеннойим йиғлаяпти!.. Мени кўрдию, шошиб кўзини артди, жилмайишга уринди ва бирдан, “Ҳеч кимга айтмайсиз-а” деб ёлбора кетди. Кеннойимнинг оппоқ пахтадек юзларига, мендан яшираётган қоп-қора кўзларига қараб туриб, шунақаям ачиндимки!..

Кеннойимни ёлғиз қўймайдган бўлдим. Уйга кирса – уйга, ошхонага кирса – ошхонага изидан кираман, қандай бўлмасин ёлғиз қолдирмасликка уриндим. Шунақаям яхши эдики!..

Амаким ва-ақтли кетиб, ке-еч келадилар, кеннойим индамайди, елиб-югуриб хизмат қилишдан тинмайди...

Ке-ечкурун икковимиз гаплаше-ёб ўтиргандик.

– Сизга ҳавасим келади, – деди кеннойим.

– Вой, нега? – деб сўрадим.

Кеннойим дам кулиб, дам ўйга толиб а-анча гапирди.

– Қизлик кезларим бир дунё орзуларим бор эди. Келин бўлиб тушдим, ҳаётим ўзгарди. Хаёлларим, орзуларим ўзгарди, ҳатто товушим бошқача бўлиб қолаётганга ўхшайди... Ҳеч кимга айтмайсиз-а?.. Мени бу ерда ҳеч ким хафа қилмайди, ойижон, амакингиз ҳам яхши одам эканлар. Фақат ўзим кўника олмаяпман. Ич-ичимдан шунақаям эзиламанки!.. Кўнгил қўя олмаслик... Сизчи, сиз фақат севиб турмуш қулинг, хўп?.. Мен... беркиниб йиғласам, сал енгил тортаман... Келин бўлиб тушган оиладагиларни, шу ердаги турмуш тарзини севиб-ардоқлаб яшашим керак, деб ўйлардим. Меҳрим, эътиборим, кўнглимдаги бор яхши ниятларимни шу ерга бахшида қиламан, деган ўйдан бўлак орзуим йўқ эди. Энг муҳими – одамларнинг кўнглига қараш, меҳрли бўлиш керак деб ҳисоблаганман,

лекин... хаёл, орзу-ният бошқаю, ҳаёт бошқа экан. Меҳр-муҳаббатдан кўра оёқ-кўлнинг чаққонлиги, эпчиллиги, толиқмаслиги зарурроқ экан, оила учун...

... Кечирасиз, хатим чўзилиб кетди (Сизга ўхшаб ёзмоқчи эдим-да!) Инсон энг аввало меҳрли, муҳаббатли бўлиши, ҳамма нарсанинг яхши томонини кўра билиши муҳим, деб ўйлайман. Меҳрдан юсакроқ туйғу бормикан?! Дунёни ҳалокатдан асрайдиган гўзаллик ҳам меҳрда, меҳрда, меҳрда...

11

...ўн уч ёшли қизчанинг (Сиз-а, ўша қиз?) – Сизнинг зийраклигингизга ҳавасим келди. Кеннойингизга ачиндим. Ўн уч ёшингиздаёқ шу қадар таъсирчан, шу қадар сезгир бўлган экансиз!..

Кулмасангиз бир сирни очай: Сизлар ўтирадиган хонага турли баҳоналар билан кириб-чиқиб юрган кезларим бирон ишга кўл урсам, Сизни назарда тутиб, “У нима дер экан?” деган савол билан ўзимни тергашга одатландим. Баъзан ўйламай-нетмай қилган ишимни, айтган сўзимни сизнинг ҳукмингиздан ўтказиб, хижолат чеккан пайтларим бўлган.

Назарингиз тарбиячимга айланган эди, менинг.

... беш-олти йиллик ички бир ҳавас, ботиний ҳурмат дуру гавҳарга, ёқутга айланди, энди дунёни шу жавоҳир орқали кўришга маҳкумман... Осмонлар, одамлар... гуллар, гўдаклар... тунлар, кундузлар – ҳамма-ҳаммасини ушбу бокиралик тимсолида идрок этиш мен учун ҳаловот. Сизга етиша олмаслик, айрилиқ, соғинч руҳимдаги гўзаллик туйғусини кемиради... “Беғубор туйғуларингиз ва эҳтиросларингизга гард қўндирмай ардоқлашга имконим етармикан?” деган хавотирингиз асоссиз. Имконингиз етади. Бунинг учун мен мажнунона севган ва ардоқлаш орзусидаги Ўзингиздаги туйғулар бокиралигига гард юқтирмасангиз бас.

Ўтинчим шу: Сизга, Сизнинг шаънингизга қўнадиган ғуборларга кафтимни, юзларимни тутай!..

“Оқила, фаросатли киз бўлишга, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан” деган сўзларингизга суянаман, жоним.

Тушингизда хонамга кириб, мени ётган жойимдан турғазибсиз. Узр, тепамга Сиз келибсизу, гина қилганимни қаранг!..

Яна бир мўъжиза: айна Сиз тушингизда тепамга келган пайтда мен... уйимда ётган жойимда уйғониб кетдим!.. Зим-зиё тун. Кўчадаги симёғоч чироғи қуюқ дарахт шохлари оралаб ётоқ хонамни ола-чалпоқ ёритган. Кўзимни очдим, энгашганча менга тикилиб турганингизни кўрдим. Ҳушимни йиғиб улгурмай, савол қотдим:

– Уришганимга жаҳлингиз чиқдими?

Ўйладим: “Қачон уришдим?.. Нега, қайси гуноҳи учун уришай, уни?.. Дийдорига

етишолмай юрган қизни уришиш?..” Бош чайқадингиз.

– Сиздан жаҳлим чиқмайди, – дедингиз кулиб. – Уришсангиз қанийди!.. Жон-жон деб кулоқ солар эдим, танбеҳларингизга. Фақат, арзимаган нарсаларга асабингизни бузаётганингиз... Асабингизни асранг, демоқчи эдим...

Уйқум ўчди...

– Арзимаган нарсаларми? – деб сўрадим.

Жимсиз. Гапирмайсиз. “Гапларим кўп” дейсизу, айтмайсиз. Ёки сукут сақлаб, мен учун қандайдир қизларни раво кўраётган бўлманг, тагин?..

Кафтимдаги хитойи чинни нақадар нафис!..

“Суюкли бўлиш қандайин яхши!..”

Бундай ўйлар чалғитгудай бўлса сукут сақлашга йўл қўймайман. Хурсанддирсизу севинчингизни, хафасизу ранжиганингизни, йиғлайсизу кўз ёшларингизни ошкор этмайсиз.

Бизни яқинлаштирган самимият бу тўсиқни бузишга ожизми?.. Қани, ўша самимият?..

Йўқ, изтиробга тушганимдан безовта бўлманг. Бу изтироблар қалбни поклайдиган, Сизни янада суюкли қиладиган, инсонни юз чандон инсонийлаштирадиган изтироблар. Не-не одамлар бундайин нозик кечинмалардан бебаҳра ўтадилар дунёдан.

– “Менга бера қолинг ҳар қанча азобларингизни!” Нималар деяпсиз!.. Қалби ана шундай изтироблар чашмасида ювилган покиза одамларгина бундай ҳамдардликка қодир бўладилар. Бундай қалб Соҳибасига азобларимни эмас, роҳатларимни, ҳаловатларимни, севинчларим, шукроналаримни, кўнгилнинг беғубор гўшаларида кўз очган арзанда ҳисларимни раво кўраман!..

* * *

...жудаям бошқачасиз! Кўнгил тубидаги эхтиросу хаяжонларингизни батафсил тасвирлай олишингизга ҳайрон қоламан. Сизга ўхшатиб ёзолмайман.

Сизга мен ўзимни ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,

Ўзгага бермоқ эса тушимга кирмас ухлаб...

Қалай, шоирликни эплар эканманми?..

Узокроқ суҳбатлашгим, гапиравериб қулоғингизни битиргим келади, ичим тўла сирларга ошно қилгим келади. Лекин, Сизчалик ўхшатиб гапиролмайман, ёзолмайман...

“Дунёга Сизнинг назарингиз билан қараяпман!” деяпсизми? Уялтирманг. Бундай мартаба, иззат-обрўга эришишга йўл бўлсин!.. Сиз билан юзма-юз келиб суҳбатлашишга ўзини лойиқ кўролмаётган қиз бўлсам... Нима ўйласам, қандай юмушга қўл урсам – кўз ўнгимда Сиз пайдо бўласиз. Қилаётган ишим Сизнинг талабчан назарингизда тўғрими, Сиз қандай қарайсиз?.. Шу савол бирор дақиқа хаёлларимни тарк этмайди...

Ўжарлигимни айтгандим. Бирор нарсага қўл урдимми, бас, ундан сира қайтолмайман. Фақат ўзим қаттиқ кўнгил қўйган кишимгина мени қайсарликларимдан қайтариши мумкин. Яхши кўрган кишим кўнглидагидек қиз бўлиш – фикри-хаёлим шу бўлиб қолади.

Сиз шундай кишимсиз менинг... Бу гапни айтишдан истиҳола қилмайман, қизармайман. Сиз яхши кўришга арзийдиган инсонсиз. Қалбимда кўз очган ва очаётган илоҳий туйғулар учун Сизнинг борлигингизга шукр қиламан, мен жуда-жуда бахтли қизман.

Шунчалар яхши кўришингизга баъзан ҳали-ҳануз ишоналмайман, Сизнинг ёлғондан яхши кўришингиз ҳам мен учун барча ҳақиқатлардан афзалроқ!..

Шу-унча ҳаяжонлар орасида изтиробни улуғлаганингизни тушунолмадим, қўйинг, нима бўлганда ҳам изтироб-изтироб-да!.. Қийналишингизни зинҳор истамайман. Асабийлашсангиз ўзимни айбдор ҳисоблайман. Мен ҳақимда ортиқча қайғурманг, хавотирланманг деб майда-чуйда ҳасратларимни айтмай аяганим қайдаю, Сиз изтиробдан мазмун ва фароғат, ҳаловат ахтараётганингиз қайда!..

“Ҳаётда барча ҳақиқатлардан-да юксакроқ, улканроқ ҳақиқат бор” деб ёзганингиз ёдингиздами? Ўша ҳақиқатни кўра олиш бизга насиб этган экан, нега энди ортиқча изтироблардан озор чекишимиз керак?.. Сизнинг меҳрга тўла сўзларингиз, ёлғиз ўзимгагина аён беғубор нигоҳингиз мени қанчалар юксалтириб юборади. Тасаввур қилинг-а!.. Шундай улуғворлик насиб этган қиз ё йигит нега энди изтироблардан озор чекмоғи керак?..

Тушундингиз-а?..

12

“Сизчалик ўхшатиб ёзолмайман” дебсиз. Алдоқчисиз!.. Ахир Сиз топиб айтган гапларни ман-ман деган шоир-ёзувчининг китобларидаям учратмаганман.

Аслида... китоб жавони сотиб олмоқчиман. Нима қилсам экан: французларникини олайми ёки Италияда ишлангани дурустми? “Китоб жавонини нима қиласиз?” дейсизми?.. Сиз ёзган энг самимий, меҳрга тўла сўзларингизни жамлайман. Тушундингизми?

* * *

“Французларникини олайми ёки Италияда ишланганини?” деб сўрабсиз. Энг кўп китоб жо бўладиган жавонни олинг, хўп?..

Тўғри-да, барибир Сизга ўхшатиб ёзолмайман. Сизнинг хатларингизга кўз югуртира бошлаган замоним, уларни Сиз ўзингиз шундоққина ёнимда туриб ўқиб бераётгандек бўласиз. Ҳайрон қоламан!..

Ўхшаши йўқ ўхшатишларингиз ҳайратга солади. Ана шу ҳайрат менга мўъжизадек таъсир ўтказди. Меҳр-муҳаббат антиқа мўъжизалар яратади, деганлари шу бўлса керак-да?!

Мен ана шундай мўъжизалар қуршовида яшаш орзусидаман.

Сиз мени ўзимдан-да яхшироқ тушунганингиз мўъжиза эмасми?! Бир-биримизни бир оғиз сўзда илғаб олишимиз ҳайратга арзимайдими?! Ёлғондан бўлсаям, арзийди, денг!..

13

“Нега мени бунчалик севасиз?” деб сўрабсиз.

Саволингизга энг қисқа ва осон жавобимни айтайми?.. Севганим учун севаман! Шундай бўлса-да, ҳар лаҳза, ҳар нафас шу саволга жавоб излайман. Нечоғли кўпроқ ва чуқурроқ жавоб изласам Сиз ҳақингизда шу қадар ширин хаёлларга ғарқ бўламан. Бу қадар телбаларча севишимни Сизга янаям ишонарлироқ тушунтиришни истайман. Сиз ҳамма-ҳаммасини тушунасиз, ҳис қиласиз ва шу қадар иродалисизки!..

Нега сир бой бергингиз келмайди?..

Ирода эҳтиросни жиловлайди, жиловланган эҳтирос кўнгил тубидаги туйғуларнинг юзага қалқиб чиқишига йўл қўймайди.

Феълингиздаги шу “ғалати”ликни сезганим сайин Сиздан узоқлашиб бораётганга, Сизни йўқотиб қўяётганга ўхшайман...

Ҳар сафар Сиздан хат келишини орзиқиб кутаман. Негадир, “Келмай қолса-я!” деган хавотирда юрагимни ҳовучлаб юраман. Хатни кўраману, ўзимни босолмайман, бошқара олмайман. Эгасини соғинган итни айтиб берганмидим?..

Ўқувчилик йилларим эди. Кўчада адашиб юрган каттагина итни занжирлаб олиб, ҳовлимизга боғлаб қўйдим. Қимир этмай ётгани-ётган, товуши чиқмайди. Олдинги оёқларига тумшуғини қўйиб бир нуқтага тикилганича, лунжини осилтириб ётаверади. Разм солиб қарасам, тим қора кўзлари ғилт-ғилт ёшланаётганга ўхшади.

Тутқинлик икки ҳафтага етди. Итнинг авзойи ўзгармади. Берган овқатимни чимдиб қўяди, холос.

Нотаниш мўйсафид кўчамизга икки марта итини излаб келибди. Кўнгли бирор нарсани сезганми, учинчи қайта ҳам келди, суриштирди. Ойим (раҳматли), “Бериб юбор, бари бир сенга кўникмаяпти, эгасини кўрмаса ўлиб қолади” дедилар.

Чол учинчи келишида уни ҳовлимизга бошлаб кирдим. Мўйсафид итини кўрдию, “Воҳ, жоним!” деганча деворга беҳол суялиб, товуш чиқармай йиғлаб юборди.

Итнинг аҳволини тасвирлай олмайман... Чол итнинг ёнига келиб тиз чўкди, ит инграб юборди, ҳовлини жаранглатиб вовуллади, одам бўйи баравар сакраб ирғишлай бошлади, “ҳарс-ҳарс” нафас олганича эгасининг бетини, бўйни, қўллари, оёқларини ялаб-юлқай кетди!..

Қарасам, ҳовлининг нариги чеккасида онам кўзларида ёш, “Айтдим-а, болам! Жониворга шунчалик азоб бердинг-а!” деб турибдилар.

...энди, ҳар сафар Сиздан келадиган хат соғинчида ичим зардобга тўлиб, тоқатсизланганим сайин ўша итни эслайман. “Ўша итнинг қарғишига учрадимми ё?” деган ўйларга бораман.

Сизни ҳеч кимга, ҳеч нарсага раво кўрмайман. Мен кўрмаяпманми, бас, Сизни Сиз юрган жойлардан қизғанаман, мен билан бирга эмасмисиз, бас, Сизни менсиз қолган вақтлардан қизғанаман.

Бошингизни қўйган ёстикдан, устингизга ёпинган кўрпадан рашк қиламан!.. Рашк ўтида ёнганим сайин ўзимдаги барча эзгулик ва маъқул фазилатлар фақат ва фақат Сизгагина насиб этишини, уларнинг қувончини Сиздагина кўришни истайман.

Шу эмасмикан, муҳаббат деганлари?

Сизни севишимнинг боиси, изоҳи ҳам шу эмасмикан?

Бир-биримиздан беҳабар, орада шу-унча кўришмай юриб ҳам ўйловимиз, фикрларимиз ўхшашлигидан ҳайратга тушибсиз. Шу ҳайратлар қовуштирсин, бизни, жоним!..

Муҳаббат деганлари шу эмасми, азизим?! “Кўнглим жуда нозик” дейсиз. Ўша нозикликка топинай, жоним!..

Ўша нафис кўнгил заррача озорланмаслигини истайман. Ўша нозик кўнгил истакларини асраб-авайлаш, эҳтиётлаш, аъзозлаш бахтидан бенасиб эканимдан эзиламан.

Ажабланманг, мен Сизнинг олдингизда гўдак боладек ҳис қиламан, ўзимни. Эркаланиб-тантиғланиб онажонининг кўксига юзини босадиган, нима деса вужуди тўла ишонч билан қулоқ соладиган, эртақлардан чиқиб келган фаришталарни кўрганда ақли шошиб қоладиган боламан...

Сиз туфайли ҳаётни шу қадар мўъжизакор, сезхрларга бой кўраман-ки!.. Шу боис

нима десангиз жон қулоғим билан тинглайман, нима десангиз сўзингизни икки қилмай бош эгаман, тирноқча ранжисангиз – тоғдек юк остида қоламан, ич-ичингиздан энтикиб кулсангиз дунёда энг бахтиёр одамга айланаман.

Шунақаман.

Шундай одам қилиб қўйдингиз мени.

Тагин, “Ёмонлигимни кўрсатиб қўяман” деб ёзибсиз.

Кўрсата олмайсиз! Ҳар қандай одам ўзида борини кўрсатади, Сизга эса Худо ёмонлик ато этмаган...

Сезяпман, Сиз муносабатларимиз яқинлашиб, қуюқлашиб кетишини истамаяпсиз. Шунинг учун ҳам ёмонлигингизни кўрсатиб қўймоқчи бўляпсиз. Ёдингизда тутинг, Сиздаги барча ёмонлик мен учун фазилат ҳисобланади. Сиз ўзингиздан мени айнитадиган ёмонлик тополмайсиз.

Наполеон Жозефинага хат ёзиб, “Эҳ, ўтиниб сўрайман, менга ўз камчиликларингни кўрсат! Бунчалик соҳибжамол, бунчайин хушмуомала, нафис ва яхши бўлмай қўя қол!” дея илтижо қилган. Азбаройи қалбидаги севги ҳароратига дош беролмаганидан ёзган, ёзгану мубталолик дардидан баттарроқ азобланган. Азоблангани сайин эса Наполеон... йўқ, мен парирўй малоикалар салтанатидан чиқиб келаётган ва менга табассум ҳадя этган Сиз ёлғизимни куйдиргувчи миллион ўпичлар билан кўмиб ташлагим келади.

... “Нега мени бунчалик севасиз?” деб сўрайсиз-а! Саволингизга энг осон ва қисқа жавобимни айтай: севганим учун севаман...

* * *

Мен Сиз ўйлаганчалик иродали эмасман. Эҳтимол мутлақо иродасиздирман...

Тўғри ёзибсиз, кўнгил тубидаги эҳтиросларни жиловлашдан ўзга иложим йўқ. Нега энди сир бой беришим керак?

Бундай десам, айтмаган сир-асрорим қолмади, шекилли?..

Балки мен Сизни йўқотиб қўярман, аммо-лекин Сиз мени йўқотмайсиз, ҳеч қачон йўқотмайсиз. Биз бир-биримизни ҳеч қачон йўқотмаймиз ва... тополмасак ҳам керак...

Эгасини соғинган ит ҳикоясидан қаттиқ таъсирландим. Таъсирландиму, Сизнинг ҳозирги аҳволингизни нима дахли бор, унга? Наҳот, болалик кезларингизда итга етказган озорингиздан ҳозиргача шу қадар изтироб чекаётган бўлсангиз?

Қўйинг, ундай деманг! Фақат... мен ҳам Сизни ўша ўзингиз тасвирлаган жонивордек соғинишимга ишонасизми?..

Сизни шу қадар соғинган қиз Сиз мени қизганганчалик қизганмайди деб ўйлайсизми!.. Ҳар сафар ёстикқа бош қўяётиб ёзганларингиз кўз ўнгимдан ўтади, овозингиз қулоғимда шивирлайди, хўрлигим келади... жуда-жуда соғиниб кетаман...

Мен муҳаббатни Сиз тасвирлаганчалик баён қилиб беролмайман. Сизнинг батафсил тасвирларингизни ўқиб Сиздек сирдошим борлигидан фахрланаман, бошим осмонга етади.

Менга, шу-унча эҳтирос, шу-унча дил изҳори – ҳамма-ҳаммаси ёлғиз ўзимга-я?!

Сиздек зийрак одам ёмонликларимни илғамаетганингизга ҳайронман. Ҳайрон бўлганим сайин... Қандай яхши-я, сени бекусур кўрса, одамлар!..

Доим ёзганимдек, Сиздек ўхшатиб тасвирлашга ожизлик қиламан. “Сиз туфайли ҳаётни шу қадар мўъжизакор, сеҳрларга бой кўраманки! – деб ёзибсиз. – ... Тирноқча ранжисангиз – тоғдек юк остида қоламан, ич-ичингиздан энтикиб кулсангиз дунёда энг бахтиёр одамга айланаман”.

Хатингиздаги шу сўзларни қайта-қайта ўқидим. Агар Сиз Наполеонга, мен Жозефинага айлансак агар Сиз француз қўмондони каби миллион ўпичлар билан кўмиб ташлагудек бўлсангиз, биласизми, мен нима қиламан?

Хатларингизнинг ҳаммасини бир бошдан ўзингизга ўқитардим. “Наҳотки, мени шунчалар севасиз-а?” деб минг марталаб сўрайверардим.

14

... хатнинг охирини юз марталаб ўқидим. Минг марталаб берадиган саволингизга миллион марталаб жавоб айтишга ҳозирман, жоним!..

Дарвоқе, ёмонлигингизни топдим: хатингизни кутган ҳар куним – ёмонлик! Хат ёзмай қўйиш ҳақидаги ниятингиз ёмонлик!

Бундан баттар ёмон кунларни бошимга солмоқчимисиз, ё?!

Соғинчнинг изтиробли дақиқаларида бир кашфиёт қилдим: соғинч лаҳзаларини бани башар кўниккан вақт ўлчови билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, соғинчнинг ҳар лаҳзасида юзлаб кунларга татиғулик азоб-уқубатлар мужассам топади.

Ичингизда бўла туриб соғинаман, Сизни ичимга жо қилиб қўйиб – излайман...

Соғинч изтироблари қаттиқ қисувга олган лаҳзалар рўпарамда Сизнинг маъюс ва нурдек оппоқ чехрангиз пайдо бўлади ва юзимни оппоқ, мулойим ва майин шабада эркалайди. Оппоқ шабадани бағримга босаман, шабаданинг ипакдек майин бармоқларига бетимни тутаман.

Баъзан хат ёзиш бачканаликдек туюлади ўзимга, лекин мендаги хат ёзиш дардини Сиз тушунасиз деган ишонч тасалли беради ҳар сафар. Чунки кўнгилни тушунадиган кишилар одамларни ҳам жуда нозик ва тиниқ тушунадилар деб ўйлайман. Кўнгил майли билан хат ёзиш ўртасида сеҳрли қудрат яширинганга ўхшайди. Бу сеҳрли қудрат одамни тушуна билиш сеҳри эмасми, жоним?

Одамни бир оғиз сўзда катта меҳр-муҳаббат билан илғаб олиш ва унга яраша покиза майл билан жавоб бера олиш – эҳтимол, буни ҳам муҳаббат дея талқин этиш хато эмасдир! Илоҳий мўъжиза, самовий, руҳий яқинлик деганлари шудир?!

Мен дунёга келиб шундай бахтга эришдим. Шунини топдим. Топдим-у... мутассил соғинишлар, ҳижрон лаҳзалари, соатлари, кунлари чеккан азобларим, хат олган дақиқалардаги адоқсиз қувончлар ҳаётимнинг мазмунига айланди. Айланди-ю... мени шу кўйларга солаётган жони жаҳонимнинг васлига етолмаслик азоби қалбимни жодига солиб ўртамоқда. Қизик, биз бир-биримизга шунчалик интилсак-да, интиқ бўлсак-да, Худо сизу мени бир-биримиз учун яратганига юзлаб, минглаб далилу далолатлар топсак-да, топиша олмаслигимиз, кўлимизни кўлимизга беролмаслигимиз аянчли эмасми?!

Наҳот, Сиз ёки Сизга нисбатан кўнглимда туғилган телба муҳаббат фақат ва фақат ўзимнинг устимдан кулиш учун яралган бўлса?! Бирон кимсага лом-мим деб оғиз очолмайман, аччиқ-аччиқ куламан, холос. Соғинчнинг зўридан эзилиб-кичрайиб, ҳолсизланиб қолган лаҳзаларда – бедор тунлар юрак дуқуридан ўзга ҳамроҳ тополмай аламдан аввал ўзимга маломат тошларини ёғдираман, сўнг Сизни айблашга ўтаман. Айблайман... ардоқлайман... соғинаман... Ўзимни зўрлаб бўлса-да, Сизни эсламасликка, исмингизу суратингизни хотирамда тикламасликка уринаман ва ҳарчанд уринганим сари... Сизни аввалгидан кўра қаттиқроқ яхши кўриб қоламан, аввалгидан кўпроқ ва тезроқ соғинаман, Сизга аталган қайноқ эҳтиросларимни аввалгидан кўра ёниб-тошиб изҳор этиш эҳтиёжи ортиб боради...

Жоним! “Ёмонликларимни сезмаяпсиз” деб ёзибсиз. Мен Сизнинг яхшиликларингизга мастман. Мен Сиздаги яхшиликлар билан яшайпман. Мен Сизда кўрган яхшиликларни йиғиб-йиғиб асраб, ясатиб қўяман. “Қаерга?” дейсизми? Юрагимга, юрагимнинг жавонларига китоб янглиғ териб қўяман. Кўнглим тўридаги китоб жавонлари Сизнинг яхшиликларингизга тўлиб-тошиб бормоқда. Китоб жавонлари эса беҳисоб...

* * *

Сизга шунчалик озор етказаётганимдан қанчалик хижолат чекмай тақдир бизни бир-биримизга раво кўрмаганга ўхшайди. Билмайман, айтолмайман ҳам: эҳтимол бир-биримизга шу қадар телбаларча интилганимиз учун ҳам етишолмасмиз?! Лайли-Мажнунликнинг ҳам чеки-чегараси бордир, ахир?..

Шундай дейману, соғинч лаҳзаларини ҳамма кўниккан вақт ўлчови билан ўлчаб бўлмаслигини ҳис қиламан. “Сизнинг соғинчларингиз менинг қайноқ ва ўтли соғинчларим ёнида исиниб олсин” десам ранжимайсизми?

Биласизми, айтаверайми?.. Сиз билан йигирма тўрт соат ёнма-ён, минг йил яшасам-да, соғинчларим тугамайди, мен Сизнинг ичингизда, Сиз менинг ичимда яшасак-да, соғинч мени тарк этмайди.

Фикрларимиз, қарашларимиз икки томчи сувдек ўхшашлиги мени жуда кўплаб марта лол қолдирган, бу ўхшашликни умр бўйи эслаб, хотирлаб юраман... Сизнинг хаёлларингизни остин-устун қилган ўзимдаги фазилатларни (ростдан ҳам борми, улар?) топиб, ардоқлаб яшайман.

Менга қолса, Сизни ҳеч кимга кўрсатмай яшириб қўйгим, Сизнинг меҳрибон сўзларингизга бутун вужудим билан қулоқ тутиб ўтиргим келади, лекин...

Хат ёзишнинг сеҳрини тушунтиришга уринибсиз. Сизнинг хатларингиздан кўра каттароқ қувончи бўлмаган одам наҳотки хат ёзишни бачканалик деб тушунса?! Қизиқсиз-а!.. Ахир, хат алмаша бошлаганимиз қанчалик кашфиёт бўлди мен учун! Иккимиз учун энг ардоқли, илоҳий, гўзал муносабатларимиз хотираномасига айланади, бу мактублар. Шундай эмасми?!

Хатларни ўқиганим сайин мен ўзимни яхшироқ танияпман, ўзимни кўпроқ топаяпман.

Феълимда Сизга маъқул фазилатлар топилса, уларнинг бари фақат ва фақат Сиз туфайли, деб биламан. Шунинг унутмасангиз бас!..

Қайси бир хатимда адамни ёзгандим. Адамни қанчалик ҳурмат қилишимни ҳеч кимга оғиз очиб айтган эмасдим, негадир у киши ҳақларида Сизга кўп-кўп ёзгим келаверади.

Адам билан суҳбатлашсам мутлақо бошқача одам бўлиб қоламан. Ҳеч қандай фикрларини рад этмайман, адам заррача ранжишларини истамайман. Адамнинг кўнгиллари озор топмаслиги учун ҳатто жуда-жуда тўғри мулоҳазаларимдан-да воз кечишга тайёр тураман. Адамнинг севинчлари учун ўзим эпполмаган, истамаган юмушларни-да заррача иккиланмай, осонгина бажараман.

Қанчалик уринмай, ҳаётда бошқа бирор кишига нисбатан бунчалик фидойилик қилолмаслигимдан ҳайратга тушардим. Бунинг қарангки... ҳаёлимда энг яхши туйғу ва истакларимни шу кишига раво кўрадиган бўлдим... Сиз биздан кетаётганингизда мен Сизни эмас, ўзимни йўқотиб қўйганман. Тасвирлаб бўлмас ҳолатлар, муносабатлар қайтиб такрорланмаслигини ўйлаб, юракларим орқага тортиб кетган.

Ҳар бир одамни ҳеч кимса ўзи тушунганчалик тушунолмайди деб ўйлардим, Сиз мени ўзимдан кўра чуқурроқ тушунишингиздан ақлим лол қолди. Ҳатто айтмаган, айтолмаган фикр-ўйларимни-да илғайсиз-а! Мени ҳеч ким Сиз тушунганчалик тушунмайди, яхши кўрмайди. Аммо-лекин, бу тушуниш, бу кўнгил яқинлиги Сизга менга фақат яхшилик ва қувонч келтиради деб ўйлайсизми?..

Афсус, бундай эмас... Неғалигини мен изоҳлаб беролмайман. Кўнглимнинг туб-тубида умрбод Сизни ардоқлаб ўтишимни унутмасангиз бас... Биламан, Сизсиз,

Сизнинг ҳароратли мактубларингизсиз кунларим жуда-жуда ғариблашиб қолган бўлур эди. Мен бундай ғарибликка дош беролмайман. Ҳар лаҳза, ҳар қадамимда Сизнинг тотли хаёлларингиз, гўзал орзуларингизга қоришиқ эъзозларингизни, соғинчу изтиробларингизни ҳис этиб яшайман.

Ҳа-я, қалбингиздаги жавон қанчалик кўп бўлмасин, хавотир олманг, у жавонларга арзирли сўзларни ўзим топиб бераман, ўзим!..

Эҳтимол, бизнинг рўёбга чиқмаган муҳаббатимиз мактубларда боқийликка айланар? Муҳаббатнинг ўзидан кўра у ҳақдаги дostonларнинг боқийлиги шундан эмасми?..

Соғинч кўнгилнинг уйғоқлигини синайди, деб ёзган эди бир шоир. Соғинч – азоб, изтироб, армон, аммо, бари бир борлиги яхши...

Шунга кўникканимиз маъқулга ўхшайди... Келинг, бир оз бардошли бўлайлик, иродамиз кўнглимизнинг тизгинсиз майлларини қўлга олсин. Мени беҳад ҳурмат қилганингиз учун ҳам сўзимни ерда қолдирмайсиз деган умиддаман. Севиб, соғиниб... айрилиққа бардошли гавҳарингиз...

15

... хатингизни ўқиб ўтириб, деразадан боққа термилганча узоқ вақт ўйга толдим. Жим-жит, қуп-қуруқ шохлар тарвақайлаб ўсган. Боғ кўнглим каби ҳувиллаган... Дарахт шохлари “Менинг гуноҳим нима?” дея самога чўзилган панжаларга ўхшайди. Хатда ёзганларингиз аста-секинлик билан жонимни ёндираётганга, қуйдираётганга, ўртаётганга ўхшайди...

Айтинг, менга тушунтиринг, не сабабдан лайли-мажнунлик қилмаслигимиз керак? Қайси гуноҳларимиз учун тақдир бизни қовуштирмаслиги лозим? Нега? Шундай экан, нима сабабдан у бизни топиштирди, қалбларимизни бунчайин яқинлаштирди?!

Мен Сизнинг бирор оғиз сўзингиз эътиборсиз қолишини истамайман. Бунинг учун ҳар қанча азобларга тайёрман. Яна чексиз-чегарасиз чўлу биёбонларга-да, бош олиб кетишга тайёрман. Ке-етаман қоламан... Сиздан хат кутмай яшаш азобига кўника бошлайман. Тушунаяпсизми, агар Сизга керак бўлса мен айрилиқ азобига ҳам розиман...

* * *

...илтимос, тушунинг, Сизни азобларга қолдириб кетиш ниятим йўқ. Сизни азобга қўйиб ўзим хотиржам юра олмайман. Ўйлаяпсизми?..

Такрор бўлса ҳам ёзай: Сиз яхши кўриб қолган қалбимдаги энг тоза, энг ширин, энг азиз тилакларим фақат Сизники. Сизни бутун умр соғиниб, излаб, чорлаб, қўмсаб яшаётган бир инсон борлигини унутманг, хўп?

Сизга азоб тугул, ғубор қўнишини ҳам раво кўрмайман.

Орамиздаги мактубий яқинлик назаримда умр бўйи вужуд-вужудимни ювиб-тарайди, поклайди...

Сизга ёзганларим ич-ичимда қайнаб-тошган энг эзгу ният ва эҳтиросларимнинг ўндан, эҳтимол, юздан бири, лекин Сиз менинг баён этмаган туйғуларимни ҳам илғаб олишингизни истайман.

Бир-биримизга йўллаган мактубларимиз мен учун энг тотли туш бўлиб қолади, бу “туш” мен учун роҳат-фароғат, ҳаловат кўчасига айланади, ёлғиз ўзим биладиган, ҳеч кимсани йўлатмайдиган бошпанам.

Биламан, Сизни кўпчилик ҳурмат қилади, яхши кўради. Майли, уларнинг сони кўпайгандан-кўпайсин, аммо Сиз ёлғиз мени, хўп?

Қадамингизга бахт, омад, шодлик ва яхшиликлар тўшалсин!..

16

... Қадамимга тўшалган яхшилик гулларининг ярмини Сизга атадим, жоним!.. Бу гул сўқмоғининг адоғида бизни... бепоён чўлу биёбон кутаётгандек... Тасаввур қиляпсизми? Чўл. На уй, на одам, на гиёҳ, на-да тирик жон! Сиз билан мен ё-ёлғиз... Осмон тиниқ, мовий ёпинчиқ...

– Ёпинчиқми? Осмон-а?..

– Феруза ранг ёпинчиқ.

– Чеки?.. Муҳаббатли эъзознинг чеки-чегараси бўладими?

– Чегараси ёки меъёри ўлчанса муҳаббат бўладими?

– Бошқалар тугул, севишган қалб соҳибларининг ўзлари ҳам ошиқ-маъшуклик чўққиси сари ердан нечоғли узоқлашиб кетганларини ўзлари ҳам билмайдилар.

– Билмаганлари учун ҳам ўзлари забт этаётган чўққининг қаерида ҳалокат кутиб турганини сезмайдилар.

– Муҳаббатнинг ҳалокатига аксари ердаги одамлар сабаб бўладилар.

– Икки севишган қалб эгаси руҳан юксалади, холос, улар жисман одамлар орасида қоладилар-ку!

– Энг мушқули ҳам шу эмасми?.. Руҳан юксакликда, жисман заминда яшаш...

– Ён-теварақдаги одамлар ҳаммани замин ўлчовлари билан баҳолайдилар.

– Севишганларни ҳам.

- Олиму шоирни ҳам! Рассому созандани ҳам!..
- Ва истаган дақиқада ҳар қандай нозик қалб, эҳтирос бандаларини ҳар қандай юксакликдан тортиб туширадилар.
- Бизни ҳам...
- Биз ҳам одамлар орасида яшаймиз-да...
- Қани, атрофимизда ҳеч зоғ йўқ-ку?
- Кўнгил кўзлари билан қарасак, ҳа, ҳеч зоғ йўқ. Кўнгил кўзи кўр бўлур, деганлари шу, зеро, кўнгил кўзи муҳаббатга лиммо-лим бўлур.
- Бўлак ҳеч нарса кўринмас...
- Сизни кўряпман-ку?..
- Мен – муҳаббат!..
- Мен ҳам муҳаббат!..
- Мен ҳам фақат Сизни кўряпман...
- Муҳаббат туфайли мен ўзимни топдим!..
- Ўзимни танидим...
- Жоним ўртанди...
- Соғинчдан, жоним!..
- Соғинч – изтироб!..
- Кўнгил уйғоқлиги!..
- Ҳижрон-чи, ҳижрон?..
- Мен Сизни унутмайман...
- Пинҳон сиримиз Аллоҳга аён...
- Ўзи бизни топиштирди, беҳабар қолармиди?!
- Яхшиям Сиз борсиз!..
- Сиз ҳам!..

- Тирноқча ранжисангиз – тоғдек юк остида қоламан, қувониб кулсангиз дунёда энг бахтиёр кимсага айланаман.
- Яна айтинг...
- Юз карра, минг карра айтаман, умр бўйи айтаман, жоним!..
- Бахтли кишиларгагина насиб этади бундайин севги!..
- Бахтли кишиларгагина татийди, бундайин севги!..
- ...
- Чора йўқ, демоқчимисиз?.. Чорасизликдан чора излай-излай чора топаман. Ўзимни Сизнинг ичингиздан, Сизни ўзимнинг ичимдан топаман...
- Бари бир, соғинаман...
- Соғинчнинг ҳар лаҳзаси неча ойларга тенг...
- Куннинг йигирма тўрт соати бирга бўлсам, йигирма бешинчи соатда соғинаётган бўламан...
- Гўдак боланинг кўз ёшидек бокира соғинч!.. Сиздан узоқлашиб бораётганга, Сизни йўқотиб қўяётганга ўхшайман...
- Ҳеч қачон йўқотиб қўймайсиз!..
- Хатларингиз қўлимга етиб келишини орзиқиб кутаман, ниҳоят, хатни қўлимга тутиб, кўзимга суртиб ўқишга тутинаман ва хатнинг тугаб қолишини ўйлаб юракларим эзилиб кетади...
- Мен ҳам шу аҳволга тушаман...
- Сизни Сиз билан бирга бўлмаган вақтларимдан қизғанаман. Бошингизни қўйган ёстикдан, устингизга ёпинган кўрпадан рашк қиламан...
- Бошимни ҳар сафар ёстикқа қўйганда Сизни эслайман, хўрлигим келади...
- Бир-биримиздан беҳабар ҳолда бир нарса ҳақида бир хил ўйлайдиган, бир хил фикрлайдиган даражада кўнгилларимиз яқинлашиб кетганидан Сизга ва ўзимга ҳавасим келади.
- Нега бунчалик яхшисиз?! Билмайсизми? Мен биламан: мен яхши кўрганим учун шунчалар яхшисиз!.. Ё, бошқачами?.. У ҳолда ўзингиз айтинг, нега бунчалар яхшисиз?

- Куйдиргувчи миллион ўпичларга кўмиб ташлагим келгани учун ҳам яхшиман... Асл гўзалликдан баҳраманд этганингиз учун ҳам яхшиман... Фақат бу Гўзалликни эъзозлаш бахтидан бенасиб эканлигимдан эзиламан...
- Ундай деманг, Сизнинг эъзозларингиз умрим бўйи қалбимни чароғон этиб туради. Адоқсиз эъзоз! Айтингчи, эъзознинг чеки бўладими?
- Чеки бўлса, Соғинчни ҳам изоҳлаш чораси топиларди, соғинч ҳам беадад макон, ахир.
- Висол – ҳаловат, севги – ғайриҳаловат.
- Ҳа, висол – ҳаловат, бироқ висолда Соғинч бўлмайди, Соғинч – ҳижронда, ҳижронда – изтироб, изтиробда эса муҳаббат!..
- Асал-л-л!.. Сиз билан мен ёл-лғиз, осмон ёпинчиқ... Қайси рангни ёқтирасиз?..
- Сиз ёқтирганни...
- Оқними?..
- Оқни...
- Оппоқ ҳаяжон!.. Қучоғимни очаман, қучоқ тўла гул!.. Бир қучоқ гул исидан маст бўламан, энтикаман, гир-гир айланаман, айланавераман...
- Кўнгил иши...
- Бўйсунмас, қўрқмас. Кўнгил хоҳишидан туғилган, дилларни чирмаб боғлаган муҳаббатгина одамни шунчалар ҳушдан айиради. Бундай муҳаббат руҳоний хоҳиш саналади...
- Бунчалар нозик ҳис этмоқ учун бениҳоя қаттиқ сева билмоқ керак!..
- Лайли-Мажнун бўла билмоқ керак, сева билмоқ керак. Сева билмоқ...
- Кетайлик...
- Кетаяпсиз. Оқ кўйлак, оппоқ малак. Бир қучоқ гул узоқлашмоқда. Висол узоқлашмоқда. Кумуш нурлар, кумуш ҳислар, садаф гуллар оппоқ соғинчга айланмоқда. Висол ҳижронга айланмоқда. Ҳижрон изтиробга...
- Соғинч – армон, изтироб, бари бир борлиги яхши...
- Сиз – малика, мен – ғуллом-м...
- Қўйинг...

– Тўхтанг. Кетманг. Қалблар Аллоҳнинг изнида-а!..

– ...

– Сиз, мен ёлғиз... феруза осмон остида...

... чексиз-чегарасиз, теп-текис замин. Чўл. На уй, на одам, на гиёҳ, на қимирлаган жон. Мовий осмон ёпинчиқ. Ҳаволарда оппоқ соғинчга қоришган ҳижрон қўшиғи таралади:

Гавҳар экай десам, гулхонанг қани?..

Яшаб ўтай десам, кошонанг қани?..

Кошонанг қани?.. Гулхонанг қани?.. Қани... қани... қани-и-и-и?..

1996 йил.

Мен — Сенси, Сен — Менсиз

“Ҳижроним мингдир менинг” қиссаси давом этади ва...

Қадрдоним! Ҳаётимнинг ажойиб ва масрур-мўътабар кунларининг бирида бахтли тасодиф туфайли Сени учратганим, ўша лаҳзанинг ўзида қалбимда юз берган тўфон пиравордида таърифига тил ожиз муҳаббатга айлангани, ҳаётимни остин-устун қилиб юборган ушбу мўъжизакор туйғу изҳори Сен тарафингдан жавобсиз қолмагани, меҳр-муҳаббатимиз илоҳий дўстлик, интиқлик ва ошуфталиклар изҳоридан нарига ўтмаган мактубларда қолгани, харчанд истамайлик, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари на кўнгил майллари, на-да орзу-ҳаваслар билан ҳам ҳисоблашмаслиги, бунинг оқибатида мактубларда қолган армонли муҳаббат тафсилоти “Ҳижроним мингдир менинг” номли асаримизда жамланганига ҳам талайгина фурсат ўтди. Ҳа, шундай, “Ҳижроним...” ҳар иккимизнинг дил изҳорларимиздан дунёга келгани учунгина эмас, балки менинг мактубларимда Сенинг, Сенинг номаларингга эса менинг ҳаяжонларимиз, кечинмаларимиз, таърифлашга тил ожиз эҳтиросларимиз қўшилиб-чатишиб кетганини фақат Сен ва менгина теранроқ, тўқисроқ ва равшанроқ тушунамиз, англаймиз, қадрлаймиз. Шу боисдан ҳам, “Ҳижроним...”нинг давоми бўлмиш ушбу қиссадаги ҳеч бир жумла ва сўзни, тасвирланган руҳий ҳолатларни фақат меники дея олмаганимдек, уларнинг ҳеч бирини фақат Сеники ҳам дея олмайман. Зеро, уларнинг униси сеники, буниси меники дея “мерос” талашиш БИЗга ато этилган илоҳий муҳаббатга нисбатан хиёнат бўлур эди!..

Жоним! Лаҳзалар, дақиқалар, соатлар ва кунларга қўшилиб умр ҳам ўтиб бормоқда. “Ҳижроним...” ўтган умримизнинг энг саодатли ва тотли онларидан ёдгорлик бўлиб қолди. Мен ушбу ёдгорликни сира қўлимдан қўймайман, уни юзлаб марта варақлашдан, дуч келган саҳифасидан минг биринчи дафъа хузур қилиб ўқишдан толиқмайман. Сен неча йиллар бурун йўллаган хатларингни худди бугун, ҳозиргина қўлимга етиб келгандек ўзгача иштиёқ билан, сўзларини ютоқиб, маъноларини, маънолар замиридаги эҳтиросу ҳаяжонларни энтиқиб- энтиқиб,

соғиниб-соғиниб ўқийман.

Сенинг изҳорларинг менга, фақат ва фақат менга аталганини ўйлаганим сайин ўзимни янаям бахтиёрроқ ҳис қиламан, юксак мартабага эришган инсондек кўнглимни ажиб бир улуғворлик қамраб олади, бинобарин, энг хуррам кунларимда ҳам, эзгин ҳолатларга тушган чоғларимда ҳам “Ҳижроним...” менинг ягона суҳбатдошим, овунчоғим ва сирдошимга айланади. Овлоқ гўшаларга бош олиб кетаман, ажабтовур ва бетакрор ёзишмаларимизни овоз чиқариб такрор ва такрор ўқийман. Мактублар мутолааси кўнгилдаги ўша ёшлик ва жўшқинлик даври изтиробларини янгилайди. Изтироблар қанчалик армонли бўлмасин у туйғуларни, туйғуга қўшиб инсоннинг ўзини янгилайди, ёшартиради, баҳор ёмғири янглиғ шуурни ювади, беғуборлаштиради. Ва биласанми, шундай дамларда иккаламиз биргаликда тасвирлаган беғубор туйғулар ҳамма-ҳаммага насиб этса, шу орқали одамларнинг ҳар бири ўзини аъло туйғулар туфайли ўзларини янаям улуғворроқ, янаям бахтлироқ, ҳар қачонгидан аълороқ ҳис этсалар, шунинг шарофати ила одамларнинг қалбларида кўкдаги қуёшдан кам бўлмаган ҳар кимнинг ўз офтоби порласа дея орзу қиламан.

Табиий, ҳар кўнгилнинг ўз қўшиғи бор. Шундай эса-да, бизнинг номаларимиз одамларни яхшиликка, гўзал инсоний меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат мақомларига юксалтиришига ишонаман! Чунки ҳар сафар Сенинг номингни дилимда такрорлаганимда, ҳар сафар Сендан келган бир оғиз жумлани, дил изҳорини ўқиганимда олам кўз ўнгимда яшнаб кетади, ҳамма одамлар, ҳамма-ҳамма нарсалар – бутун олам фақат ва фақат яхши бўлиб кўринади кўзимга, назаримда дунёда ёмон ниятли одам қолмагандек, одамлар фақат ва фақат эзгу орзу-ниятлардагина дунёга келгандек туюлади. Вужудим чиннидек қилиб артилган ойнадек шаффофлашади, бисотимда ёмонгина эмас, дилларга заррача озор етказиши мумкин бўлган сўз қолмагандек ҳис қиламан ўзимни ва шундай кайфиятни дуч келган одамга, ОДАМЛАРГА улашгим келади!..

Баъзан ҳаёт ўта зерикарли туюлади, кунлар, ойлар умрлар бир- биридан ғариб, бир- биридан даққи, жўн ва бефайз ўтади. Сени илк дафъа учратганимда, айтдим-ку, ичимда юз берган... тўфонми, офатми... нима учун қиёси йўқ мана шундай нурли туйғуни офатга ўхшатишим керак?! Ахир... мен севган адиблардан бирининг, кечиккан муҳаббат офатнинг ўзгинаси, деган гапи ёдимга тушаверади. Муҳаббатнинг буту-ун суруридан баҳра олишга интилиш, соғинч ва айрилиқ азобларига тоқат қилишга уриниш одамни ўзини ўзи мазах қилишнинг ўзгинаси дея илова ҳам қилганди ўша донишманд адиб. Лекин... ўша аллома ҳаёт бўлганида мен унинг тиллотус соқолидан тутиб ҳамон айтганларинг тўғри бўлса, ҳамон шунчалар аччиқ ҳақиқатни англаган бўлсанг, муҳаббатга гирифтор бўлмаслик чорасини ҳам топиб берасан, дея майдон ўртасига судраб чиққан бўлур эдим!.. Афсус, бўлар иш бўлди, мен кўлга тушиб бўлдим, нақ гирибонимдан илиндим, тўртала оёқлари билан қопконга тушган жондордек ўзимни қаерга қўйишни, бошимни қайси деворга уришни, қайси осмонларга қарата ув тортиб нола чекишни билмайман! Дод солай десам, кип-қизил майна бўлишим тайин!.. Қочиб кетайми? Ўзимни юқори қават деразасидан ташлаб юборайми? Дўппимни ёнбошга олиб қўйиб ўзимни-ўзим бўралатиб сўкайми?..

Савол кўп эди, саволни истаганча ёғдиришим мумкин эди, бунга қурбим етарди, мен умр бўйи ўзимга-ўзим лак мингта савол берган бўлсам керак, зеро, умр бўйи саволлар остида яшадим, тоғ-тоғ саволларни елкамда кўтариб юрдим, уларнинг озмунчаси жавобсиз қолиб кетдимиз?! Юзлаб саволларнинг бирортасига жавоб тополмаган кунларим, лаҳзаларим бўлди, жавобсиз саволлар кўпайгани сайин ўзимни қўярга жой тополмай қолардим, наҳотки, шу қадар ожизу нотавон бўлсам, шунчалар ношудлик исканжасида қолиб кетган бандаманми, деган ўйларда ич-этимни кемирардим ва ҳар сафар эртага яна тонг отади-ку, бу кун ҳам ўтар-ку, деган таскин ва илинжда эртанги ёруғ кундан умидвор шукроналик билан бошимни болишга қўярдим.

Ниҳоят... буни қараки, менинг назаримдаги шукроналик яратган эгамиз томонидан ношукрлик сифатида қабул қилинганми, билмадим, ҳар қалай, минбаъд тавбалар қилайки, мени қийнаб юрган саволлар ҳам бир бўлдию, унинг ўрнига... Йўқ, тўхта, аввалига роса суюндим, чамамда илтижоларим аллоҳга етгандек эди, чунки ажойиб кунларнинг бирида ўзимни-ўзим адоқсиз саволларга кўмиб юриш одатидан халос бўлдим! Маънили-маънисиз, тайинли-тайинсиз, жавобли-жавобсиз саволлар шууримдан сирғалиб учиб чиқди, ўзимни елкамдан эзиб турган тоғдан халос бўлган қушдай е-енгил ҳис қила бошладим, фақат... фақат унинг ўрнини ўзим ҳали-ҳали англаб етмаган, ҳали-ҳануз ўзим-ўзимга тушунтириб бера олмайдиган, сеҳрларга тўла, бошдан-оёқ мўъжиза туйғу эгаллади! Ақл бошдан учди, ихтиёр илкимдан чиқди, ҳуш ноҳушлик измига ўтди!..

Қандай воқеа юз берганини айтиб берай-а?..

Жоним! Аъзои баданимнинг қайсидир пучмоғида тиббиёт олами учун номаълум бир аъзо пайдо бўлди десам ишонавер. Унинг вужудимнинг қайси овлоқ ва кўз илғамас қўналғасида жойлашганини ҳам айтолмайман десанг! Башарти бутун бошли табобатчилар издиҳоми ичимга қўшин тортиб, уни, яъни инсоният қавмига номаълум ўша аъзони излаган тақдирида ҳам тополмасликлари муқаррар!.. Фақат шуниси шак-шубҳасизки, ўша номаълум аъзо бош мия ва юрак сингари вужудимдаги энг муҳим аъзолардан бирига айланди. Ҳатто ичимдаги барча аъзолар худди бош мияга бўлгани сингари, унга қарам, унинг измида, унинг раъйига маҳкум, унинг амрига мунтазир бўлди-қўйди. Унинг ўзи эса гулдан нозик, гўдак боланинг кўз ёши янглиғ бокира, бағоят таъсирчан десанг!..

Мен Сенга ҳарчанд таърифлашга уринаётганим вужудимдаги кўз кўриб, қулоқ эшитмаган аъзо ҳақида ҳеч кимсага оғиз очиб айтганим йўқ, уни кўз-кўз қилиш ниятим ҳам йўқ, уни фақат Сенга ошкор этаяпман. Сенгагина номини айтаман, хўпми, асалим. Қулоғингга шивирлаб айтаман, айтаверайми?..

Унинг номи – муҳаббат!!

Хуллас десанг, ҳайрат-ҳаяжон йўлдошимга айланди. Лак минг саволга татиғулик саволларнинг кироли изимдан таъқиб этишга тушди. Йўқ, изимдан таъқиб этибгина қолмади, балки у ичимга, қалбимга, шууримга уя қуриб олди. Ана шу уя мен учун муқаддас ватанга, оламнинг марказига айланди. Назаримда бутун инсониятнинг тақдири мазкур уяда ҳал бўладигандек, ўн саккиз минг оламнинг мавжуд ё мавжуд

эмаслиги ҳам “муҳаббат” дея аталгувчи шу уядаги кайфият, “об-ҳаво”га боғлиқдек эди.

Наҳотки?!

Ушбу биргина сўз мени истаган кўйга сола бошлади. Унинг измидан чиқиб кета олмадим. Кулдим, севиндим, хавотирландим, саросимага тушдим. Ҳаёт ҳақидаги ўйларим, инсонийлик аъмоли, тақдир, иймон ва ахлоққа доир тасаввурларим остин-устун бўлиб кетди. Курраи замин икки ҳисса кенгайиб кетгандек, кенгайганида ҳам мен унинг мутлақ хожасига айланиб қолгандек туюларди. Бамисоли ер юзида икки банда — Сен ва мен қолгандек эдик, гўё теварак-атрофимизда бошқа ҳе-еч зоғ йўқдек, бўлган тақдирда ҳам уларнинг борлиги ҳам, ўй-қарашлари ҳам биз учун мутлақо аҳамиятсиз, кераксиз, эътиборга арзимас нимарсаларга ўхшаб туюларди. Демак, ҳаётнинг мўъжизалари тугаган эмас, унинг ақл-идрокларни лол қолдиргувчи ҳайратангиз инъомлари тўлиб-тошиб ётибди, бинобарин, истаган бандасини исталган дақиқада қаддини тоғ янглиғ юксалтириши, исталган сонияларда мубтало ва девонаваш қилиб қўйиши ҳеч гап эмас!..

Нима, ишонмайсанми, ишонмаяпсанми, деб сўрайман ўзимдан-ўзим. Ишонмадим эмас, ахир воқеа кўча-кўйда эмас, кино экранларида эмас, ишқий романларда эмас, балки менинг ичимда юз берди, менинг ичимда давом этмоқда, у биро-он лаҳза тўхтагани йўқ, шундай экан, ишонмай қаёққа ҳам борардим, уни кимга ҳам дoston қилардим!..

Мен юз берган воқеага ишонганимга ишнолмайётган эдим...

Сендан яширмайман, жоним, Сени илк сафар учратган ва вужуд-вужудим ўша қайноқ (қайноқ ҳам гапми?!) ҳароратдан қайнаб-тошган дамлардаги воқеани қанчалик англамаган, тушуна олмаган бўлсам ҳали-хануз уни англаб етмадим, тушунолмадим деб ўйлайман. Ўйлаганим, мулоҳазалар уммонига фарқ бўлганим сайин ҳар сафар Сени... Сизни... Сен билан орамизда юз берган ВОҚЕАНИ англаш, тушуниш сари бир қадам яқинлашгандек ҳис қиламан ўзимни.

Мен ҳаётда бор эканман
Ўйласам, сен бор учун.
Кўксим ичра қалб урар,
Тун-кун ўзингга зор учун.

Наҳотки, шу оддийгина тўрт мисрада бизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, ўша кунлардаги кечинмаларимизга дахлдор ҳақиқат баён этилган бўлса?! Агар чиндан-да, шу тахмин тўғри чиқса, ҳамонки уни чин дилдан тасдиқласак, ҳақиқатдан ҳам юз берган мўъжизани англаш сари бир қадам қўйган, сеҳрли мўъжиза сандигининг битта олтин калитини қўлга киритган бўламиз!..

Бироқ, дўстим, муҳаббат шу қадар сеҳрларга бой туйғуки, уни тушуниш сари бир қадам қўйганингдан қувониб улгурмасингдан у сендан яна икки қадам узоқлашади, топган мўъжизакор олтин калитинг жаранглашиб очган қулфни зулфиндан бўшатиб

улгурмасингдан янада сирли, янада ҳайратланарли қулфлар кўз олдингда намоён бўлади.

“Ҳижроним...”ни эслайлик. Хатларингизни ўқиб бошим айланиб қолди, ҳеч ким ва ҳеч нима билан ҳисоблашмай, андишаю истиҳолани йиғиштириб ҳаммага мактангим келаверади, деб ёзгандинг. Ва орамиздаги тоза ва беғубор муносабатни ҳеч кимса тўғри тушунмаслиги, негаки, ҳамма бирдек англаган ҳақиқатлардан-да юксакроқ ҳақиқат бор, бу икки кишигагина аён ҳақиқатдир деган хулосага келгандик.

Чиндан ҳам, жоним, айтдим-ку, орамиздаги бу сеҳрларга лиммо-лим туйғуларни ўзимиз тушуниб, англаб етишга ақлимиз ожизлик қилаётган экан, унинг синовларига дош бериб-беролмай сархуш ва саркаш аҳволда юрган эканмиз, уни бошқалар қандай қилиб тушунадилар?! Қандай қилиб уни қадрлайдилар? Қадрига етадилар?.. Қолаверса, устозларимиздан бири ёзганидек, севги одамни гўзаллаштириб юборади, севган ва севилган одамнинг чиройига чирой қўшилади, уларнинг қалбларидаги бахтиёрлик айтган сўзларида, қарашларида, босган қадамларида барқ уриб туради. Шу боисдан ҳам севишганлар одамларнинг назарига тез тушадилар, улар ҳақларида миш-мишлар болалайди, унга ҳавас ва ҳасад қилувчилар кўпайгандан-кўпаяди! Чунки бундай бахт камдан-кам кишиларгагина насиб этади...

Жондил! Яна ЎША лаҳзада юз берган ВОҚЕАлардан ёзсам дегандим. Йўқ, демагин.

Сенга биринчи бор кўзим тушганида “Бу қиз билан суҳбатлашишнинг иложи бўлармикан?” деган ўй кўнгилни тилиб ўтган. Юриш-туришим, гап-сўзим, қадам олишимгача ҳаммасини Сенинг назарингдан ўтказадиган бўлганман. Унга ёқармикан, деган ўйдан ич-этимни еб юрганман.

Қизиқ, нима сабабдан ўша пайтга қадар биронта қиз ё аёлга бундай эътибор қилмагандим? Уларнинг қарашлари, мулоҳазалари билан қизиқмагандим? Бу эса... қараб қолармикан, бирор сўз айтармикан? Сарик чақага олмаётган бўлса-чи?! Нега бунчалар бепарво?..

Йўқ ердан гап топиб хонасига кираман, У эса ердан кўз узмайди, қисқа ва узук-юлуқ жавоб билан кифояланади. Назаримда сен мен билан гаплашишга арзимайсан дегандек бўлаверади. Аламдан жон ўртанади.

Ҳар сафар юз бир баҳона билан юзма-юз келаман, гап очаман ва натижа ўша-ўша: яна бир карра мағлубиятни тан олиб изимга қайтаман. Шундай дамларда У ўтакетган аслзода, оқбилак ва шунга яраша мағрур қиз бўлиб кўринади. Тўғри-да, ахир кўзингни каттароқ очиб қара дейман ўзимга-ўзим, чехрасига, жамолига разм солиб қара, у аслзода бўлмай ким бўлсин?! Шундай мартабага муносиб ва лойиқлигини биладики, ўзини шундай тутаяпти!.. Нима бўлганда ҳам, бу қиз турган юксакликка чиқиб бўлармикан?..

Ушбу ўй-хаёл умидсиз бир оҳангда ич-этимни кемиради, тақдирга тан бериб,

баланд дорга осилмай кўя қолай дейман ва... зимдан Унга нигоҳ ташлайман.
Опппоқ, кўз қамашади! Садафф!.. Ақл шошади...

Оқ рангни илгари ҳам ёқтирар эдимми ёки?.. Не сабабдан уни бунчалар ёқтириб қолдим? Ўзим Сенга кўплаб марталаб хайқириб, шивирлаб, пичирлаб айтган САБАБ учунми? Фақат шунинг учунми?

Йўқ, фақат шунинг учун эмас. Балки барча-барча орзу-ҳавасларимиз, интилишлар, эркалашу эркаланишларимиз, бир-биримизга дунёдаги э-энг яхши тилакларни соғинишларимиз – барча-барчаси ана ўша асосий САБАБдан ранг олгани, яъни ниятларимизнинг бари парку булутдек, чанокни тўлдириб лўппи-лўппи очилган момик пахтадек оқ-оппоқ эканлигидан!..

Шундай эмасми, жоним?.. Нима бўлган тақдирда ҳам бунга Сен... Сиз... Сен сабаб бўлдинг, жоним!..

Одамни бир кўришда ёқтириш мутлақо тасодиф бўлиши ҳам мумкин. Тўғри, тасодифий ҳодисалар зумда унутилади, хаёлдан паришон бўлмаган тақдирда ҳам эс-ҳушли одам зумда ақлини йиғиб олади, бироқ мен лаҳзада юз берган бу тасодиф исканжасига илиндим, зеро, бир эмас, юз қарашда ҳам, минг қарашда ҳам Сен мен учун мўъжиза бўлиб қолавердинг!.. Бундайин тасодиф замирида инсон ақли етадиган озмунча мантиқ, озмунча қонуният ва озмунча ҳақиқат ётармикан?!
— Ақл билан иш тутайлик...

Кўзингни олиб қочиб шундай деганинг ёдингдами?

Бу гапнинг замиридаги маънони тушунолмай кўп изтироб чекдим. Нима демоқчи? Ҳали бошланиб улгурмаган ғойибона меҳрли муносабатларимизни бас қилайлик демоқчими ёки?.. Ва жавоб топдим. Марҳамат, ақллим, ақл билан иш кўрайлик, ақлнинг ҳукмига кулоқ солайлик, лекин айти шундай лаҳзаларда қани ақл? Нечун у кўмакка етиб келмаяпти? Аксинча нега у туткич бермаяпти? Қандай қилсак уни кўлга тушира оламиз? Кўлга тушириб... Шу ҳақда ўйлай-ўйлай ўзимча бир ҳақиқатни кашф қилдим: ақлнинг ҳақиқатда ақли бор экан, у камсуқум, у инсофли, диёнатли, у меҳрибон, у доно. Шунинг учун ҳам у ўз ожизлигини пайқаган жойдан зумда ғойиб бўлади. Ўзини пеш қилиб кўнгилларни хижил қилмайди, одамни укубатга қўймайди. Отасига хазор ташаккур ўша ақлнинг!..

Қолаверса, Сен билан яна бир жумбоққа ойдинлик киритиб олайлик: ақл ўғриси ким? Ким кимни ақлдан оздирди?.. Бу саволга рўй-рост жавоб бера оласанми?! Очироқ айтсам, айибингни тан оласанми?..

Ах, это девушка
Меня с ума свела.
Разбила сердце мне,
Покой взяла...

Болаликдан хотира ушбу кўшиқдан топгандек бўляпман саволнинг жавобини.
Чиндан ҳам, шундай эмасми, жоним?..

Сен эса ақлдан озган бечора одамдан доноликни, эҳтимол ман-ман деган даҳолар
эпполмаган жасоратни талаб қилмоқдасан. Сенинг талаб ва истакларингга сўзсиз-
несиз бўйсунгим келади ва афсуски...

Боғ қўйнида икки дарахт,
Бир-бирига интизор –

деб куйланган қўшиқни юз марталаб тинглайман, тинглаб туриб Сенга қарата,

{ {роет}|:Сен бир дарахт, мен бир дарахт деб юбораман.

Икковимизни дарахтга қиёсласам ранжимайсанми?

Ваҳоланки, дарахт жойдан-жойга кўчиб юролмайди, улар оёқлари ерга
кишанланган бандининг ўзгинаси. Биз-чи, биз ҳам банди, аллоҳ инъом этган ишқ
бандилари!

Ҳойнаҳой, бу бандихонадан қутилиш чораси топилар, инсоният ўтмишидан бунга
кўплаб мисоллар келтириш мумкин, фақат бошқа бир ҳақиқатни ҳам унутмайлик:
қанчадан-қанча бандилар бандихоналардан қочиш чоғида жон таслим қилганлар...

Чора қани, ким топади уни?
Соғинч-ч тоши эзади дилни!..

Хуллас, орамиздаги муҳаббат ҳурматга айлана бормоқдами ёки муҳаббат олови
аланга олмоқдами?! Буюк Эйнштейн ва рус аслзодаси (аслзода-я!) Маргарита
Коненкова ўртасидаги ишқ савдоси сингари “...их страсть нарастала медленно и
постепенно, и остановить ее было уже невозможно...”

Иккимиз ҳам кутмаган тарзда аҳволимиз “невозможно”га айланиб улгурганини
сезмадик ҳам, ва кунларнинг бирида, эсингдами, бирга-бирга, бошимизни
бошимизга қўйиб, бир саҳифага тикилиб-термилиб ўқиганимиз:

Эй, дўст!
От кимники – минганники,
Тўн кимники – кийганники,
Олган – олганники эмас,
Қиз кимники – суйганники.

Ёдингга тушдими, яйраб кулганинг?.. Табассум-ла, “Топган шеърингизни қаранг!”
дея эркаланганинг?..

Севган ким? Севилган ким?..

Ё, раббим! Надоматлар бўлсинким:

Тебе не вырваться
из семейного круга.

Это наше общее
Несчастье...

Бундай ҳақиқатлардан келиб чиқадиган чорасизлик вужудни ларзага солади! Пушкин шўрлик қандай руҳий изтиробда ёзган бу сатрларни, билмадим, лекин унинг нолашига ҳамоҳанг зардали иддао буюк Достоевскийда учрайди. “Тавки лаънатга учраган худобехабар оилаларда меҳр-муҳаббат бўлмайди... Муҳаббатдан бенасиб жойда фаҳм-фаросат ҳам йўқ...” деб ёзади у. Шоирнинг алами ҳам, адибнинг зардаси ҳам ўз йўлига, лекин муҳаббат забт этилган кўнгил соҳиблари ҳар қадамда хушёрроқ, фаҳм-фаросатлироқ бўлишни ўйлаб қолишлари, яъни муҳаббат уларнинг тарбиячисига айланиши кони ҳақиқат! Бундан, муҳаббатсиз одам тарбиячиси йўқ одам деган маъно ҳам келиб чиқмайдими?..

Муҳаббатдан муҳаббат бўлур пайдо,
Муҳаббатсиз кишидан қоч, Ҳувайдо!..

Хуллас, бизда ҳам айни шундай ҳолат юз бераётган, яъни, муҳаббат ва ҳурмат ҳароратли ва сўнмас алангага айланиб бораётганини эътироф этмасдан ўзга иложимиз йўқ эди...

Туш кўрдим: ғаройиб ва муҳташам бинога кириб бордим. Ёруғ, чароғон, осуда. Хонадан хонага ўтяпман, Сени излаб-истаб, тинимсиз олазарак аланглайман, лекин тополмаяпман, топиш умиди сўнгани сайин юрагим орқага тортиб, ичим ҳувиллаб қоляпти. Хавотирлана бошладим.

— Сабоҳат қани? Сабоҳат қани, деяпман?

Бирдан ёнимда бир гала эркак ва аёл пайдо бўлди. Улар орасидан менга кулимсираб қараб турган Саодатга кўзим тушди.

— Вой, бу-бу, намуңча! Сабоҳат шу ерда, ана, чиқяпти, — деди у айёрона кулимсираб ва кизаринқираб.

Мен шошилиб Саодат кўрсатган томон ўгирилдим. Мана, ҳозир Сени кўраман!.. Ҳаяжоннинг зўридан нафасим тикилди.

Уйғониб кетдим... Алламаҳалга довур тотли хаёллар оғушида ётдим. Тонг бўзара бошлаганида хаёлларимга оппоқ қор жўр бўлди. Бир маромда ёғаетган қор учкунлари ичимни ёритиши баробарида оламни оққа буркай бошлади.

Корейсларнинг “Қиш сонатаси”ни, ундаги қор фантазиясини, фильмга ишланган мусиқанинг сеҳрини эслайсизми?.. Сиз ҳам ўша фильмни севиб томоша қилган эдингиз. Шу кунларда ҳар тонг чоғи мен Сиз билан оппоқ қор чойшаби тўшалган ўша мунис боғларда қўл ушлашиб юрибмиз. Бораверамиз, бораверамиз, йўлимиз сира адо бўлмайди, ҳар кунимиз шундай бошланишини, шундай оқликка бурканган муҳаббат йўли бир умр давом этишини истайди кўнгил... хаёлда...

Мен қандай инсонни севишимни энди билдингизми?!

... Етти кеча-кундуздирки, қор тинмади. Гоҳ лайлак қор ёғади, гоҳ ғалвирдан эланаётган ун мисол ерга тўшалаётган қор учкунлари кўз илғамас заррага

айланади.

Қор учкунларига кўшилиб хаёл ёғади, унга термилиб чарчамайсан киши. Неча йил-неча замонлардан буён тинмай ёғаётганга ўхшайди қор, яна кўп йил-кўп замонлар тинмайдигандек!

Қор атай мени синамоқ учун ҳам шунча кундан буён тиним билгани йўқ. Мени ҳисобдан адаштирмакчи у. Мен эса мижджа қокмадим, кўзим очиқ, қор учкунларини санамоқдаман. Ҳисобдан адашадиган анойи йўқ, санашда давом этмоқдаман. Бунинг нима зарурати бор деб эътироз билдирма. Қор ёғишдан чарчаса-чарчар, мен унинг учкунларини, зарраларини санашдан зинҳор чарчамайман, толиқмайман. Чунки укпардек момик ва мен суйган оқдек оқ ҳар бир қор учкунни менинг Сенга бўлган муҳаббатим изҳори сифатида ёғмоқда! Беғубор меҳр, самовий севги ёғмоқда самодан! Сенгагина аталган меҳр, муҳаббат, севги!..

Болалик чоғларимдан қор ёғишини сеҳрли ҳодисадек томоша қилишни ёқтирардим, мана, Сизга кўшилиб бу муҳаббатим янада ошгандан-ошди. Тунда беҳосдан уйғониб, шошиб ҳовлига чиқаман, теварак-атрофга қарайман, назаримда мен табиатнинг бу ажиб оқ чойшабидан завқланмай ухлаганим учун қор мендан ўпқаланиб, эриб кетгандек туюлади ва бир зумда севиниб кетаман! Чунки еру кўк ҳамон оппоқ, шунақанги оппоқ эдики!.. Томларни, йўлларни, дарахт шохларини қоплаган кумушдек оқликни кўриб туриб оқ рангни яхши кўрувчи, уни ардоқлашдан чарчаш нима эканлигини билмайдиган Дўстимни янаям яхши кўриб кетдим, кўнглим ёришди, пиёда юриб узундан-узоқ кўчадан чиқиб боряпману Сизни ўйлапман, Сизни кўргим келяпти, мавзудан қатъи назар, фарқи йўқ, Сиз билан суҳбатлашаверсам, сира вақт ўтмаса, йўлнинг адоғи кўринмаса!..

Суҳбатларингизга сира тўймайман, чунки қалбингиз, туйғуларингиз, муҳаббатингиз ушбу қор сингари беғубор, симобий. Қойилмисиз, мен мана шунақа Инсонни яхши кўраман!..

Ҳафтанинг охири кунни эрталабдан устахонамга етиб келдим. Ижодхонамга кираману, неча кунлардан буён мени кутиб тоқати-тоқ бўлган ишларни адо этишга киришаман.

Шу ўй-шу хаёлда хонамга кирдим, бир неча ой бурун бошлаб қўйган қоралама чизмаларим рўпарасига ўтирганча хаёлга толдим. Ўрнимдан туриб, дераза олдида бордим. Ташқари совуқ. Менинг ичимда, кўкрагимнинг аллақарларида бамисоли ўт қалангану, аланга тобора аъзои баданимни қиздираётгандек, аланга ҳарорати ҳадемай бошимни ичларига қадар кўтариладигандек, оташ тафтини босишнинг ягона чораси бор, у ҳам бўлса, хозирок, шу оннинг ўзида устахонамда Сенинг пайдо бўлишинг, вассалом! Кириб келсангу, оҳ, жоним, деб юборсам! Сени ўтқазгани жой тополмай қолсам! Пешвоз туриб, сочларингни учидан оёғингнинг учларигача тўйиб-тўйиб қайноқ ўпичларимга буркаб ташласам. Сен гапирмоқчи бўлсанг, мен эса оғиз очишингга йўл қўймасам, ўпичларимдан нафасларинг қайтиб кетса!

— Тўхтанг!.. Шошманг!... Вой, ичингиздан олов чиқяптими? — десанг, хавотирда кафтларингни юзимга босиб.

– Ҳа, соғинч ичимни сахрога айлантирди, у сахро ўт-оташ оғушида! – десам.

– Ваҳимачи! – деб кулсанг, мени эркаласанг. Эркалансанг.

Икки ҳатлаб бориб, ҳовлиққанча эшикни ичкаридан кулфладим. Назаримда, сен ёнимдасану, туйкус бирон кимса устимизга кириб қоладигандек, дийдорлашув онларига завол етадигандек хавотирда эдим!..

Эшикни кулфладиму, шартта ортимга ўгирилдим, Сенинг ёнингга учиб бораман, ўзимни бағринга отаман, қучоқларингга сингиб кетаман!..

Хонам кўчадан-да совуқ, нафасимдан изғирин уфурар, ҳар бир буюм ва ашёларни ўз дидимга яраша танлаган ва олиб келиб ясаиб қўйган устахонам шу топда кўзимга бефайз ва ғариб кўриниб кетди. Бу – бутун ҳафта мобайнида Сендан мактуб ололмаганим, лоақал номалар воситаси-ла висолингга етишолмаганим оқибати, асорати эди, яғонам!

Қиш фаслини жуда яхши кўраман. Сокин, тинч, ўйлаш, ҳаёл суриш учун фурсат топса бўлади, балки шунинг учунми, билмадим... Эсингиздами, укаларимни боғчага олиб кетаётганимда совуқда кутиб турганингиз... Бошқа бир куни эрталаб мени кута-кута совуқда музлаб қолганингиз... Ўшанда Сизни кўриб кўзларимга ишонмагандим... Муносабатларимизда худога шукрки, заррача ғубор йўқ, бўлмайди ҳам. Сизни ҳар куни тушимда кўряпман, ҳар доимгидек кулиб турасиз... Биламан, ҳамиша бандсиз, ҳамма ишларингиз Ўзингиз ўйлагандек унумли, омадли бўлсин.

Эсингдами, мени кўпинча ҳаёлпарастликда айблар эдинг. Бундай айбловларинг менга ёқарди. Чунки айбловларингнинг барчаси ҳаққи рост. Ахир, ўзинг ўйлагин, муҳаббат ҳукмрон кўнгил учун ҳаёлпарастликдан кўра садоқатлироқ, табиийроқ ҳолат, кайфият бўлиши мумкинми?! Нитше бобонинг, “Севгида андеккина телбалик бор!” деган гапи жуда хуш ёқади менга. Фақат, менинг севгимда телбалик андеккина эмас, бир дунё бўлганини ҳам ҳисобга олиб қўйишимиз керакмасми! Ахир оламларга татийдиган телбалик мужассам эди менинг севгимда!..

Ҳар бир халқнинг ўз она тили бўлгани каби назаримда ҳар бир севишган қалбнинг ўз тили, ўз лаҳжаси бўлади. Бу тилга фақат икки киши тушунади, бу тилни фақат икки бапайванд қалб ардоқлайди, ана шу пинҳоний севги тили бу жуфт учун она тилидек муқаддас ҳисобланади!

Яна бир ҳақиқатни англадимки, икки севишган дил соҳибларигагина кадрли ахлоқий кадриятлар вужудга келаркан, шу боисдан унинг умумаданий ва умумахлоқий кадриятлар қиёсида кўпчилик томонидан эътироф этилмаслиги тамоман мантиқли, табиийдирки, бу ҳол ҳамма замонларда ҳам муҳаббатга мубтало кўнгил эгаларининг бошларига адоқсиз кулфатлар, мусибатлар солган.

Бу гапларни зинҳор ўз ахлоқсизликларимизни ҳаспўшлаш учун айтаётганим йўқ. Дарғазаб одамнинг ёки боодоб одамнинг оғзидан ҳам туйкус ҳақоратли сўзлар

чиқиб кетиши мумкин, бунинг учун шоша-пиша уни сазойи қилиш, унинг устидан мутлақ ҳукм чиқаришга – унга тавқи лаънат ёғдиришга шошмаслик керак деб ўйлайман. Зеро, ҳукм чиқариш ҳамisha тушунишдан осонроқ, тушуниш эса ҳукм чиқаришдан кўра мушкулроқ ҳисобланган. Тушуниш сабр-бардош, фаросат, донишмандликни талаб қилади, ҳукм чиқариш учун эса куч бўлса кифоя!..

Жон!

Мен Сенга, Сенинг қўлинг билан битилган сўзларга шу қадар ўрганиб қолганманки, азбаройи Сен билан боғлиқ бўлмаган ҳеч нарса кўнгилга сиғмайди, татимайди. Кунда қанча-қанча одамлар билан муомалада бўламан, турфа давраларда иштирок этаман, лекин уларнинг барча-барчасида суратим юрганини, моҳиятим, сийратим эса Сен томонда, янаям аниқроқ ёзсам, Сенинг ёнингда, Сенинг ичингда эканлигини сезиб-билиб тураман.

Қўл ишга бормади, нима қиларимни билмай гангиб юраман. Аслида бундай одат ўсмир ёшидаги йигит-қизларда кўпроқ кузатилади. Мен эса!..

Ёки Сенми мени ўсмирга айлантириб қўйган?! Сенми мени ўсмирлик туйғуларимга қайтадан боғлаб қўйган?!

Сенми мени сеҳру жозибалар оламига ошно этаётган?!

Фаридаойни танийсан-а? Ажойиб шоира. Ҳамма китобларини ўқиганман! Куни кеча янги китоб қўлёзмасини келтирди. Бўлажак китоб учун безаклар ишлаб беришимни сўради. Жоним билан қабул қилдим. Битта-иккита мисраларини ўқимасимдан китобни қандай безашни чамалашга киришиб кетдим.

Эшитгин, ўқиб бераман:

Телефон жиринглар, жим...
Хўрсилади, аллаким...
Бахтлиман, қандай!..

Фаридаойдек дилбар шоирани ўғрига чиқарсам хитой чиннисидек нозик дили ранжимасмикан?! Қарамайсанми, ўзини, менинг дилимга тинчлик бермаётган туйғуларни айнан тасвирлабди. Кўзларининг тубида, лабларининг чеккасида мулойимгина кулимсираб туриши сира кўз ўнгимдан кетмайди. Энди билдим, шу қарашида дилингдан тилингга кўчмаган сир-асрорларингни ўқиб оларкан! Фаридаой — Ўғриой!.. Қайдан билди экан ичимдагини?! У билан сирлашмаган бўлсам?! Шоира-да, алла сафар кўришганимизда (табiiй, ўша дамда ҳам хаёлим Сенда бўлган) кўзларимга ғалати синчковлик билан тикилгандек бўлганди-я!..

Кўнғироқ қилсам, Сен у ёқда хўрсиниб, кутиб ўтирган бўлсанг, гўшакни кўтарсангу, ютоқиб, севиниб-энтикиб гаплашсак!.. Телефон ҳам дийдор! Қани эди!.. Афсус, соғиниш этади давом...

Соғинч дилини ўртаётган одам нимани ўйласа, қўлини қаерга узатса ўша соғинчга,

соғинаётган одамига бориб тақалаверади. Ундан, яъни Сендан чалғитадиган куч ва баҳона топилмайди! Нима демай, нима кўрмай, нима тутмай Сен, Сен, Сен!..

Ажабо, сенга тош ҳақида,
Ит ҳақида сўйласам ҳам,
Ишқим ошкор бўлаверади...

Буни ҳам шоиранинг янги қўлёзмасидан олдим, ўзидан рухсат сўрамадим, чунки у менинг ҳеч кимга ошкор этмаган сир-асроримни сўрамай-нетмай ёзиб китоб қилипти-ку, мен унинг китобидан кўчирсам нимаси гуноҳ, нимаси айб?!

Қадрдоним! Меҳрларга лиммо-лим хатларингиз учун раҳмат, Сизни жудаям яхши кўраман!.. Сиз менга, мен Сизга йўллайдиган мактубларда битилган ҳар бир сўз юрак-юракдан чиқади, уларнинг номи – самимият. Уларнинг ҳар бири меҳр булоғидан сув ичган. Ва ҳаётбахш сувларни бир-биримизга илинган... Қандай мўъжиза-а, қадрдон?.. Шундай дақиқаларда Сизни минг йилдан буён кўрмагандек ҳолатга тушаман, соғинаман...

Бунчалар қисқа ёзмасанг?! Ташна одам оғзига ангишвонада сув тутгандексан, гўё! Сенинг бундайин “камгап” мактубларингни ўқиганда саратон иссиғида бир нафаслик шабада бетимни силаб-сийпаб ўтгандек бўлади, “Оҳ!” дея энтикканча қолавераман...

Бир кун, икки кун, уч... беш кундирки, хат-хабар йўқ. Бунчалар шафқатсизликка қодир инсон шаънига қандай қилиб ардоқли таърифлар йўллаш мумкин?! Сен мендек ғарибу ғурабога қандайин ноёб ва нодир, азиз ва лазиз қалб соҳибасини дўст қилиб қўйганингни биласанми, ўзи? Ундаги мени ақлдан оздирувчи сеҳру жодулар қудратини ҳис этасанми?

“Ҳеч қанақасига ғарибу ғурабо эмассиз” дейсанми? Тўғри айтасан. Сенинг мактубингни кўзларимга суртгудек ўқиётган лаҳзаларимда мен шоҳга, шаҳоншоҳга айланаман! Муҳаббат қасрининг киролига! Мендан қудратлироқ, мендан бахтлироқ одам бўлмайди ундай сонияларда!

Сен билан дийдор ва висол онларидагина шундай...

Кифтимнинг чап елка қисмида оғриқли нуқта пайдо бўлди. Бовужуд, кимдир ханжарнинг учини ботираётганга ўхшайди.

Сенга ёзишга арзимайдиган гаплар.

Шунга қарамай, ке, ёзсам, ёзақолай. Сендан яширадиган сирим йўқ, ахир.

Чап елкамда пайдо бўлган оғриқли нуқтани даволатишимни, шифокорлар ҳузурига боришимни тайинлабсан. Ғамхўрлигинг, мени ўйлаб ташвишланганингни ўқиб, ҳатто шу дардга мубтало бўлганимга ҳам севиниб кетдим. Назаримда ўнта шифокорнинг маслаҳатларидан кўра Сенинг бир оғиз лутфинг мен учун ўн қарра шифобахшроқдир! Шу боисдан ҳам, Сен тавсия қилгандек, окшом ётар чоғида у нуқтани йўқотишга қаратилган бир талай муолажаларни адо этдим. Назаримда

оғриқ мулойим тортгандек бўлди, ғойиб бўлгандек ҳам туюлди. Шунда... оғриқ икки курагим орасига кўчди. Худди ўша нуқтага шафқатсиз тиғ ботирилмоқда. Баъзан умуртқа бўғинларига зуғум қилаётгандек, унинг орасига захар пурқаётгандек ачишиб оғриқ беради...

Хуллас, де, “воқеа” қандай юз берган бўлса, айнан ёзаман, жоним, фақат менинг устимдан кулмасанг бас. “Нуқта” ашаддий кўчманчи чиқиб қолди: дам ўнг курак томонда, дам сўл – дам ўнг биқинда, дам гарданда, дам яна чап елка учида пайдо бўлади, дегин. Мени калака қилаётгандек, устимдан кулаётгандек, мен билан майнабозчилик ўйнаётгандек. Буткул ғойиб бўлишдан эса дарак йўқ.

Мана шундай кунларнинг бирида чинакам оламшумул кашфиёт содир бўлди: бу ўй қаердан келди, эсимда йўқ, лекин нима бўлдию, кифтимда тиним билмай кўчиб юрган оғриқли нуқталар бўйлаб хаёлан чизик тортдим. Ҳайҳот! Чизиклардан қандай сўз пайдо бўлганини биласанми?! Айтайми? Ишонасанми, ишқилиб?!

Соғинч!!!

Ишонмасанг мана, марҳамат, ўзинг ўқи, ўқи: СОООҒИИИНЧЧ!!!

Ҳайратдан эсим оғиб қолаёзди! Кўзимга ишонмай, қайта-қайта ўқидим. Сен ҳам ўқигин дедим. Баралла овоз чиқариб ва жуда теран ҳис қилиб “Соооғиинчч!” деб ўқигин!..

Буни қарагинки, неча кундан буён менга соғлиқ-саломатлик тилаяпсану, дарднинг давоси ўзингда эканига эътибор бермабсан, асалим. Кимнинг соғинчи туфайли жоним ўртанаётганини айтишим шарт эмас деб ўйлайман. Шундай эмасми, жоним?..

Соғинч шу қадар сеҳрли бир туйғуки, у бир-бирига муштоқ қалбларни туташтириб туради, умид ипларини эшади, нечоғли изтиробли бўлмасин, соғинч қалбларни тозалайди, тоблайди, дўстликни, меҳр- муҳаббатни аёвсиз синовлардан ўтказди.

Соғинч юракларни ўртади, у – кулоқни қар, кўзни сўқир, ақлни сийқалаштиради. Ҳардамхаёл қилиб қўяди одамни! Истаган кўйига солади! Унинг азобли ўйинларига ҳар ким ҳам дош беравермайди. Соғинч измидаги одам сурункали бедаво дардга йўлиққан кимсадек сиртидан бардошли кўрингани билан ичидан зил кетган бўлади. Суврати қоладию, сийрати абгор бўлади. Аста-секин сийратдаги абгорлик суратга кўчади. Муттасил соғинч азобида юрган одамнинг кўзларидан нур сўнади. Нигоҳларидан мазмун йўқолади.

Юрагини, жигарини бир чеккадан кемириб адои тамом қилаётган соғинч хасталигига мубтало одам ўзини чалғитиш учун нималар қилмайди дейсан! Фикри-ёди ўзини чалғитишда бўлганидан у ўзини овутиш мақсадида тиним билмай аллақандай юмушлар билан машғул бўлади, лекин шундай дамларда ҳам хаёлининг бир чеккасини тарк этмайди соғинч. Чунки унинг учун соғинаётган кишисининг дийдорига етишиш орзусидан муқаддасроқ, муҳимроқ ва аълороқ мурод- мақсад қолмайди.

Соғинаётган одам мудом ёлғиз қолишга интилади ва ёлғиз қолди дегунча юраги кинидан чиқиб кетгудек талвасага, ваҳимага тушади. Қандай бўлмасин ёлғиз қолишга ҳаракат қилади ва... ёлғиз қолди дегунча юраги таҳликадан ёрилгудай аҳволга тушади — ёлғизликдан кўркади!

Гўдак болалар отаси ё онасини уч-тўрт кун кўрмай қолсалар ичиқадилар: иштаҳалари йўқолади, сабабсиз йиғлайверишади. Бўшашиб, ҳолдан тоядилар. Бефарқ бўлиб қоладилар. Кечагина кўлдан қўймай ўйнаётган ўйинчоқларига ҳам қайрилиб қарамай, ғингшийверадилар.

Соғинаётган одам бундан баттарроқ аҳволга тушади...

Кўнгилнинг туб-тубида ғужғон ўйнайдиган безовталиқлар талотўпидан халос этадиган мўъжизакор қудратли шифо фақат Сенда бор деб биламан. Сенинг бир оғизгина лутфинг, бир нафаслик висолинг-васлингдан кўра ўзга нажот йўқ мен учун.

Сени соғинмасликка ўзимни мажбурлаган дамларим бўлади. Ўзимни чалғитаман, соғинмайман, соғинмаяпман!.. Соғинмаяпман... дея баралла овоз чиқариб айтаман ўзимга ва “қадрдон” деган сўз тилимга ёпишиб қолади. Қадрдон, қадрдоним... Бу сўзнинг маъно-мазмунини фақат сендан кадр топаман, қадримни сендагина кўраман деган маънони англатади, чамамда. Сенингча ҳам шундай эмасми?

Қадрдонликнинг ҳам даражаси, мақомини топса бўлади. Дейлик, бизнинг қадрдонлигимиз даражаси кунига ўнлаб, юзлаб хат ёзишга, телефон орқали ҳар соатда бир-биримизни йўқлашга лойиқ! Зеро, бир кун кўрмасам бир кун, икки кун кўрмасам икки кун... юз йил кўрмасам юз йил соғинаман сени, асалим! Кўриш, дийдорлашиш насиб этса Сени кўрмаган, сенга етишолмаган кунларим, дақиқалар ҳисобидан соғинаётган бўламан. Сени ичимга яшириб қўйсам ҳам, ўзим ичингга кириб яшириниб олсам ҳам соғинаман!

Шунақаман!..

Мана, муҳаббатимизнинг ўлчами, даражаси!..

...туш кўрдим: иккаламиз қўл ушлашиб кетяпмиз, елкамга бошингизни қўйиб олдингиз. Рўпарадан таниш-нотанишлар қаторлашиб келишяпти. Уят-номусдан ўзимни қаерга қўйишни билмай қолдим. Сиз бошингизни кўтардингиз, таниш-нотанишлар бизга “талофот” етказмай ўтиб кетишди. Бошингизни яна елкамга қўйдингиз.

Ўгирилиб қарай дейман, кўзингизга боқиб нималардир дегим келади. Бироқ, ҳатто тушимда ҳам орамиздаги қадрдонлик ришталари соғинч ришталарини узишга ожиз эканлигини сезиб тураман...

Баъзан Сизни соғиниб яшашимга ишонмаслигингиздан ҳайратга тушаман. Соғинчларимни ичимга ютиб, эзиб, қийнаб яшаётганлигимни биласиз-ку, тўғрими?

Аёл киши ўзини ўйлашга, ўз ҳиссиётларига кулоқ солишга ҳаққи йўқ. Фақат... соғинчдан ўртаниб яшаётганини билдириб қўйиши мумкиндир?..

Аслида шундай гапларни ёзиш-ёзмасликни ҳам ўйлаб қоламан, лекин мактубларингизни ўқиганимда кўнглим ёмғирдан кейинги кундек ёришиб кетади. Чиройли ёмғирни соғингандек, мактубларингизни соғинаман. Янгиси етиб келгунича аввалгиларини қайта-қайта ўқийман. Мактуб ёзиб толиқмаганингиз учун ҳам раҳмат! Дунёдаги бор яхшиликларни Сизга раво кўриб қолгувчи дўстингиз!

Сира кўнгилни тарк этмайдиган туйғу ҳақида сўраб қолишса, хурсанд бўлиб кетасан киши ва дарҳол жавоб ҳам қайтарасан.

— Сиз учун энг таъсирли сўз қайси?

— Менинг бу саволга жавобим тайёр: соғинч!..

— Нима сабабдан бундай хулосага келгансиз?

— Ҳар куни, ҳар лаҳзада, ҳар нафасда жони-жаҳони соғинчдан ўртаниб юрган кўнгил соҳиби учун бундан ўзгача хулоса бўлиши мумкинми?!

Бугун Сени, бугун Сени

Кўрмасам бўлмас...

Яша, ҳофиз! Фақат бугун эмас, ҳар лаҳза, ҳар дам Сени кўрмасам бўлмас!..

Сурункали хасталик беморни ҳолдан тойдиргани каби сурункали соғинч уқубатларидан одамда ҳатто соғинмоққа ҳам ҳол қолмайди...

Сен унда ёлғиз,

Мен бунда ёлғиз,

Ўртамизда телефон сарсон,

Симлар кулар, симлар йиғлайди,

Мактублар ҳам уради гирён...

Оний лаҳзада тизгинсиз хаёл қаёқларга олиб қочмайди! Назаримда... шундай кунлар келадики, соғинч уқубати шу қадар оёғининг остига олиб эзгилайдики!.. Кунларнинг бирида ўзимни мутлақо бошқаролмай қоламан! Ҳамма-ҳамма нарсани унутиб, ҳеч нарсага қарамай-нетмай уйингга бораман, дарвозадан кираман ва...

— Шундай гапларингизни эслаганда кўрқиб кетаман...

— Сен-ку, хаёлингда кўрқарсан, мен эса шундай кун келадики, ана ўшанда ўзимни буткул бошқаролмай қоламан. Тушуняпсанми, ўзимга кучим етмай қолади. Қурбим-қурбатим адои тамом бўлади. Ана ўшандаги ҳолат кўз ўнгимда гавдаланаверади-гавдаланаверади. “Қандай ҳолат?” дейсанми?.. Дарвозанг тарақлаб очилади, уй эшигининг тавақаси синиб кетгудек кесакига урилади ва... уй ичига би-ир ҳолатдаги мажнунбашара, савдойи, далли-демона кириб боради!..

Соғинч, алам, хижрон изтироби шу кўйга солган бўлади ўша девонани... мени...

Соғинчни шаклга солиб чизгим келади, унинг ранг-тусини топишни ўйлайман. Менинг соғинчим билан Сеники шакл-шамойлда, ранг-тусида фарқланадими?

Нимаси билан бир-бирига ўхшайдию, нималари билан ўхшамайди? Қизиқ савол-а?! Қани, айт-чи, Сен соғинган дамларда қандай ҳолат юз беради?... Мисол учун менда... елиб-югуриб қилаётган барча ишларим (унинг қандайлигидан қатъи назар) бирдан мазмунсиз матоҳга айланади... Ҳеч ким билан гаплашгим келмайди... миямнинг ичи бўм-бўш, атрофим бўм-бўш, кўзимга ташланаётган ҳар қандай манзара ғариб, хонада турибманми, бепоеън табиат қўйнидами – тасаввуримдаги олам торайиб кетади... Ҳеч нарсани ҳис қилмай қўяман, ақлим ишлашдан тўхтайтиди, ҳатто олаётган нафасим ҳам бемаъниликдай туюлади ва жуда-жуда олисда, кўз илғамас йироқликда битта нур, бир дона дур, митти юлдуз янглиғ бир дона гавҳар ўзига чорлайди... Қанот чиқарсаму, учиб кетсам!.. Қурбим етсаю, югуриб етсам!.. Йўлимда учраган ҳар қандай тўсиқни сезмай тиккасига босиб-бузиб ўтиб бораверсам!..

Ким билсин, Сен билан менинг талқинимизда соғинч... ҳижрон... деб аталган тушунчаларни офат ёки балои азим деб аташ ҳам мумкин дир?..

У қаерда бўлмасин хонага — ё ишхонага, ё уйига ошиқадиган одат чиқарди: гўё уйда ё хонада бирон нарсасини унутгандек!.. Гўё уйда ё хонада йўргакдаги боласи ёлғиз қолиб кетгандек!.. Гўё уйда ё хонада электрга уланган дазмол ўт олиб кетадигандек!.. Гўё уйда ё хонада шаррос буралган сув жўмраги очик қолгандек! Ошиқади. Ҳеч кимга қарамайди, биров рўпара келса, салом-аликни насиё қилади, уни кўрганлар хайрон бўлишади, “кап-катта одам намунча ёш боладек югургилаб юрмаса” деб кетидан бош чайқаб қараб қолишади, у эса ҳаллослаб, чопқиллаб, эшикка етар-етмас чўнтагидаги калитни пайпаслайди, топади. Оёғи остонага етмай қўлини чўзганича калитни эшик тирқишига суқади! Ичкарига кирадию, ҳовлиқиб, ютоқиб... кадрдон сувратларни столга ёяди... Халлослаганидан базўр нафас ростлайди, оғир, лекин мароқли тин олади. Бирма-бир, бирма-бир, яна ва яна суратларнинг ичига кириб кетгудай ташналик билан уларни томоша қилади. Гаплашади. Савол-жавоб, савол-жавоб, кулади-кулдиради, ич-ичидан келаётган хўрсиниқни босиш қўйида лабини, тилини тишлайди... — Узр, Сени ёлғиз қолдирдим... — дея ўпади... Юзига, кўзига суртади...

... Эртаси ҳам, индини ҳам У яна ва яна ўша алфозда уйи ёки устахонаси томон қокила-сукила яшиндек учиб келаётган бўлади, Уни бу аҳволда кўрганлар кап-катта кишининг гўдакларча, телбаларча туйғуларини яширолмай чопқиллаб кетаётганини кўриб жилмайиб қўйишади. Айримларининг хаёлида, “Тавба, завқи, соғинчи шу қадар бўлса, уни шу аҳволга солган маҳбубаси қандай бўлди экан?..” деган ўй кечади... Унга ҳаваслари келади — кўрсатмайман, кўз тегади, дейди У тап тортмай. Зеро, соғинчдан ўртанган жон тап тортишни билмайди. Дилидагини яширолмайди.

— Қаердасаааннн???!!!! — дея оҳ чекади, нола қилади. Тап тортмай такрорлайверади: — Қаердасаааннн???!!!!

Тун-кун тиладим висол худодин,
Ҳижронни юборди ул самодин...

— Айт-чи, мен Сени тушунаманми?
— Тушунмайсиз.

- Тушунмайманми? Ҳеч қанча тушунмайманми?!
- Мана маши-инча: жимжилоғимнинг учичалик тушунаси, холос.
- Шунинг учун ҳам ўша жимжилоғингнинг учига сиғинаман, ёлғизим!!!

Деразамнинг рўпарасида бир туп дарахт япроқлари олтин тусида сарғайибди. Ҳадемай олтин япроқлар ҳам ер билан битта бўлиб тўкиладилар, ҳаёл маънос тортади. Ҳар сафар деразадан қараганимда бошқа дарахтларга эмас, бояги боши “олтин” дарахтдан кўз узолмайман, шунда дарахтнинг нозик навалари мен яхши кўрган, мен ҳарчанд ардоқласам-да тўймайдиган Жимжилоққа ўхшаб кетади!.. Ҳа, ўша нооозиик, оппоқ, ҳар сафар лабимга босганимда ютиб юборишдан ҳайиқадиган Жимжилоқ!..

Менинг ардоқли жимжилоғим!..

Кун пешиндан оғди. Кайфиятим чакки эмас. Ҳар сафар соғинчларим баён этилган мактубларимни Сенга жўнатганимдан кейин ўзимни енгил ҳис қиламан. Мана, ҳозир, ўзингни эмас, негадир жимжилоғингни ўйлаб... “ўйнаб” ўтирибман. Тиқилинч автобусда бораётган эмишман, автобус силтаниб кетибди, мувозанат сақлаш мақсадида шошиб қўлимни чўзиб темир тутқични тутиб олдим. Шунда... ногаҳон кўрсаткич бармоғим бошқа томондан чўзилган қўл жимжилоғининг устига тушибди!.. Бармоғимни кўтардим, нигоҳим нотаниш жимжилоқнинг уучида тўхтади. Ҳайрон бўлиб қолдим, бунақа жимжилоқни кўрмагандим, уч ёшли норасида гўдакнинг жимжилоғидек оппоқ, мулойим, юмшоқ... Кўзимни узолмадим десанг!..

Қандай юмушлар билан бандсан, жон?

Мен ардоқлайдиган момик қўллари — бармоқларинг... жимжилоғинг билан қандай юмушларга унналдинг?.. Ардоқла, авайла, ахир, уларни, асалим!

Қалбини ишғол қилган бўлсанг-да, қўли, бармоқлари... жимжилоғини тутиб турган эсанг-да, У сеники эмаслигига иқрорлик жонни ўртайди, жон!..

Нима бу, оғайни, ҳуда-беҳудага нохушлик, тушкунлик? Ундан кутилиш эпини топилмасанг, бу дарднинг сабаби, **сабабчисининг** номини тилга ололмасанг...

Буларнинг бари бедийдор, бевисол, демак, беҳуда ва зое ўтган кунларнинг аламлари, асорати эканлиги муқаррар, жигарим!..

Хатларим етиб бордими? Уларни очган бармоқларингни кўзимга суртай, асалим. Хат алмашинувини висол дебсан, нахотки, буни астойдил, чин дилдан айтаётган бўлсанг?! Нахотки, нома висол ўрнига ўтса?! Юпанч бўла оладими, шу варақлар, бизга? Соғинчнинг ҳурмати шуми?

Менинг ёзганларимнинг ҳеч бири Сен учун ҳеч қандай янгилик эмас, биламан, икки марта такрорланган хабарнинг янгилиги қолмайди, лекин менинг миллион марта айтган изҳорларим менинг миллион янгиликларимдир...

Менга жимжилоғининг учичалик меҳри бўлган, лекин жимжилоғининг учичалик ўзини бахшида қилолмаётган жигаргўшамни аллоҳ паноҳида асрасин!..

Хат жавоним тўлиб кетибди, раҳмат Сизга қадрдоним! Бири-биридан гўзал, ўхшатишу ташбеҳларни роса топасиз-да, ўзиям! Рассомликка қўшимча шоир бўлишингиз ҳам мумкин эди.

Намунча, жимжилоқни “тил”дан қўймабсиз?! Хатларингизни ўқияпману, нукул жимжилоғимга қараб кулгим қистайди. Шуунча йил яшаб ўзимнинг жимжилоғимга Сиз айтган, Сиз таърифлаган назар билан қарамаган эканман. Бир қарасам оддийгина, бир қарасам... қўйинг, одамни хижолат қилманг!.. Хижолат бўляпману, севинаётганимни ҳам нима қиламан яшириб?! Тағин Сиздек инсон топган, меҳрини қўшиб таърифлаган сўзларига мен қандайига қарши чиқишим ёки уларни рад этишим мумкин?!

Мен ундай қилолмайман...

Дарвоқе, йўқ, жимжилоқнинг учичалик Сиз мени яхши кўрасиз. Менинг яхши кўришимни эса, эҳ-ҳе-е, Сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз!..

Қадрдонимдан янги-янги ташбеҳлар кутиб...

Уч кун сафарда бўлдим. Хонамга қайтиб келдим, шоша-пиша хатлар жавонига ёпишдим. Тезроқ! Тезроқ! Салгина ҳаялласам нафасим қайтиб кетади, бўғилиб қоламан!..

Мана, жавонни очдим! Ана, очилди! Жоним-м! Бошпанам! Сенинг бир оғиз сўзинг мен уч кун мобайнида сафарда юриб эшитган юз оғиз ҳамду санолардан, мактову хушомадлардан минг карра азиз ва аъло эканлигини билсанг эди!

“Худо хоҳласа” дедингми? Тўхта! Бир зум кулоқ сол, жоним!

Ахир худо хоҳлаганки, биз ғойибона бўлса-да, бир-биримизга дил-дилимиздан боғланиб-чирмалиб юрибмиз, бу яқинлик сурури ва азобларини тотиб юрганимиз сабабчиси ҳам яратганнинг ўзи эмасми? Соғинишлар, айрилиқ азоблари, соғинч укубатлари кимнинг хоҳиши? Қандай қилиб бу неъматга шак келтиришимиз мумкин? Шундай эмасми, асалим?

Сенга қандай дил изҳоримни баён этар эканман, уларнинг бари-барчаси энг тоза илоҳий, самовий муҳаббат изтироблари, эҳтирослари дея қабул қиласан деган умидда...

Баъзан ўйлаб кетаман: ким билсин, бизни изтиробларга тўла ана шу соғинч боғлаб турибдимикан? Адоқсиз соғинч қудрати шундай бўлар эҳтимол?.. Бир-биримиз томон қанчалар интилмайлик шароит ва бошқа сабаблар орамиздаги жарликни шунчалар чуқурлаштириб юбормоқда... Лекин фақат Сен ва менгагина аён бўлган бебаҳо илоҳий туйғу... мен уни ёнбошга узаласига ётқизилган 8 рақамига ўхшатаман, бу рақамнинг иккита халқакўли бор, бири мени, иккинчиси эса Сени

қўлтиқлаб олгандек! У шунчалар маҳкам тутганки, қўйиб юборишига зинҳор кўзим етмайди: ҳаловатимиз ҳам, роҳату азобларимиз ҳам ана ўша ХАЛҚАҚЎЛ ихтиёрида, измида!

Қизиқ, ўша халққўл тикланса 8 бўлади! Икки 8 ёнма-ён ёзилса “Мен сени севаман” деган маъно чиқади... Шунинг учун ҳам қўшалоқ 8 рақамини бир жуфт қилиб, йўқ-йўқ, МИНГ жуфт қилиб севгимни изҳор қилгим келади жониммм, ҳаловатиммм!..

Ҳа, соғинч ҳақидаги барча изҳорларингиз тўғри. Бунчалар жонни ўртамаса, бу туйғу!.. Назаримда кўнгилдаги барча-барча кечинмаларимни соғинч туйғуси орқали баён этишим мумкиндек туюлади. Нима бўлган тақдирда ҳам Сиз бир нарсани унутманг, Сизни жуда-жуда соғиниб яшайдиган ва жонидек яхши кўрадиган, Сизга дунёдаги барча яхшиликларни соғинувчи, юрган йўлида фақат Сизни ўйловчи оқибатли оғайнингиз бор...

Абдували деган биродарим бор. Шоир. Барча дабдабапардознавислардан кўра шоирроқ! Топиб ёзади. Кечагинда бир шеърини ўқидим. Роса менинг дилимдагини топибди, барака топгур! Ўқиб берай:

Негадир сен мени йўқламай қўйдинг...

— Ўқийверайми?.. Эшит:

Негадир менсиз ҳам яшашинг мумкин,
Кўзинг кирғоғида тинган ҳавасим...

— Эшитяпсанми?

— Йўқ, эшитмаяпман. Ёлғон гапларни эшитмайман!

Сен гўё бахтлисан, топгандай нурни,
Муғамбир ошёнда юпанчинг бордай.
Шунда ҳам юзингда (очай бир сирни)
Тиламчи кўзларим сўзлари бордай.
Бешбаттар бўлмайди... бундан зиёда,
Ҳаприкиб кетаман...
Сочларинг иси –
Димокқа урилар ҳидли зиёдай,
Ёйилиб, юракка тақалиб, тўзиб...
Севгилим, сен мени йўқламай қўйдинг...

Тушнинг мўъжиза эканлигига жуда кўп марта иқрор бўламан. Сизни ҳаётда учратмасам-да, тушимнинг эшиклари Сиз учун очик, Сиз буни биласиз ва кунда-кунора кириб келаверасиз бу эшикдан. Тушим неча сония давом этади билмадим, лекин ҳар сафар кўнглимнинг бир чеккасида “Ишқилиб уйғониб кетмай-да!” деган хавотирли ўйда ётаман. Тушим жуда қисқа давом этишини сезаман ва шоша-пиша Сизга соғ-омон бўлинг-да, толикиб қолманг-да, дея тилакларимни айтаман. Сиз уларга қулоқ солмайсиз, Сиз мендан кўз узмай тикилиб-термилиб тураверасиз. Термилган нигоҳларингиз тубидаги соғинчни ҳис этаман, ўртанаман, ўзим-да,

соғинаман!..

Соғинч кулоқни кар, кўзни кўр, ақлни сийқа қилади. Бундай аянчли ҳолатга тушмасликнинг бирдан-бир ягона чораси эса ВИСОЛ! Соғинчнинг ҳурмати, соғинчнинг меваси, соғинчнинг саждагоҳи ҳам ВИСОЛ!

Неча йилки, йўқ оромим, йиғолмайман хушимни,
Ҳар сония, ҳар лаҳза соғинч ўртар кўксимни...

Машҳур шеър ва кўшиқларни ўзлаштиришга уста бўлиб кетибсиз-а!

Бутун дунё хусусийлашиб кетаётган бир пайтда бир неча мисрани хусусийлаштириш гуноҳ бўлмас! Қолаверса, уларни аввал ўзимники қилиб оламан-да, сўнг Сенга тақдим этаман. Ишонаманки, ўша машҳур шеър ва кўшиқ муаллифлари бунинг учун мени сазойи қилишмайди, чунки улар ҳассос истеъдод эгалари сифатида муҳаббатнинг мўъжизаларга бой муқаддас туйғу эканлигини яхши тушунишади.

Яхшиям Сиз борсиз! Шунинг ўзи мен учун улкан бахт! Илтимос, бир нарсани зинҳор унутманг: Сизни ўйлайдиган, сизни доим кўргиси келадиган қадрдонингиз бор. Соғинч оғриқлари олдида бу оғриқлар билинмайди ҳам, соғинчларингизни севаман, соғинчларингизга суянаман...

Изтиробга тўйинган туйғу — соғинч... Сену менга умрбод ҳамроҳ, йўлдошдир — соғинч... Қиёматли дўстим, иним, синглим, акам... онам- жигаргўшам — соғинч!..
—

... - ..?
— !

– Ия, тўхта, менга қара! Юрагинг урмаяптими?

– Сиз кафтингизни кўксимга босиб турибсиз-ку, юрагим уришининг ҳожати йўқ-да!

– Меники эса ором оляпти...

– Сизнинг юрагингиз ором олаётган бўлса, мен юрагимнинг урмаслигигаюм розиман...

– Бизнинг муҳаббатимиз юракларни тўхтатиш учун эмас, узоқроқ, ўйноқироқ ва шиддатлироқ дукурлаши учун боқий эмасми?

– Ҳақиқий муҳаббат боқий бўлмайди, дейишади-ку?

– Десалар деяверсинлар, бундай гапнинг мавжудлиги бизнинг муҳаббатимиз увол кетишига баҳона бўлолмайди.

– Баҳона топилмаган тақдирда ҳам оқибати аниқ-ку...

– Нима деяпсан? Очикроқ гапирсанг-чи?

– Қизиқсиз-а... Ўзингиз тушунган одамсиз. Яна мен нима деб тушунтираман?... Қўйинг, бошқа мавзуда суҳбатлашайлик.

– Нима, муҳаббат ҳақида суҳбатлашиш бизга ярашмайдими? Ёки биз севги изтиробларига арзимаймизми? Ёки...

– Нималар деяпсиз?... Менга қолса...

– “Менга қолса” дейсану, Сенга қолганда...

– Муҳаббат ҳақидаги гапларингизни жон қулоғим билан тинглайман. Сира жонимга тегмайди. “Сени жонимдан яхши кўраман”, “Эртаю кеч сени хаёлимдан чиқаролмайман” деган сўзларни эшитишни хоҳламайдиган аёл бўлмаса керак, дунёда?! Лекин...

– Нима, лекин? Қўйсанг-чи, ўша лекинни! Мани шуунча эҳтиросимни битта лекинга қурбон қилиб юборасанми?

– Ўзимнинг эҳтиросларим-чи?

– Сен жуда вазминсан, оғирсан. Эҳтиросларингни жиловлашингга ҳайратга тушаман, баъзан эса ёрилиб кетай дейман. Мен минг ўтдан чиқиб, минг чўғга ботиб, энтикиб нималар дейману, Сен ҳеч нарса бўлмагандек...

– Ҳеч нарса бўлмадими? Эҳтиросга эҳтирос қўшилмаса...

– Ҳа, ҳа, гапир. Гапиравер, жоним!

– Етади. Бошқа гапирмайман.

Тилимизда “ҳали” деган сўз бор. Уни ҳар ким ўзича тушунади, назаримда. Мисол учун, эсингдами, “ҳалироқ кўришамиз” ёки “ҳалироқ қўнғироқ қиламан” деганча уч-тўрт кунлаб дом-дараксиз кетар эдинг. Ваҳоланки, мен учун “ҳали” бир дақиқа, бир сония! Сен учун эса... мана шу эмасми, оддий фашизм?!

Бир кун, икки кун... уч, тўрт кунлаб ўтади ҳамки, “ҳали”дан дарак бўлмайди, мени адои тамом қиладиган “ҳали”! Гўё мен гўдак болангману Сен онамсан, алдагани бола яхши, деганларидек...

Телефонда бир дақиқагина гаплашардигу, шу билан сувга чўккан тошдек жим бўлиб кетардик. Гўё шу учрашув, дийдорлашув ўрнига ўтадигандек! Шу билан орамиздаги икковимизни ҳам ўртаб юрган соғинчнинг ҳурматини жойига қўйгандек!.. Ваҳоланки, мен Сен билан бир умр гаплашсам озлик қилади! Сен эса бир дақиқа ўтар-ўтмас хайрлашишга тушасан, яғонам, эркам!!

Кўриша олмаслик ўн азоб бўлса, кўришган тақдирда ҳам дилдан суҳбат кура олмаслик минг азоб!..

Кўпинча ҳайрон қоламан: мен жоним ўртаниб изҳори дил қилганим-қилган, Сен эса хотиржам. Суҳбатимизни эшитмай узоқроқдан кузатиб турган одам, “Бу йигит жуда зерикарли нарсани вайсаб қизнинг бошини қотирворди-ку” деган тахмин қилиши муқаррар. Наҳотки, изҳорларим кор қилмаётган бўлса? Наҳотки, ўзингни шу қадар оғир-вазмин тута оласан? Юраклар далва-далва бўлиб кетай дейдию, Сен эса бу қадар совуққон?!

Ҳойнаҳой, шу боис Сенга бир гапни минг бора такрорласам керак? Сенга укдиришга, исботлашга уринсам керак? Менинг изтиробларим акс садо кутавериб алҳол ўзи ҳолдан тойса керак?..

Нитшенинг “Ўзаро жуда чуқур ҳурмат-эътиборни мен никоҳ деб биламан, никоҳланганлар бир ирода эгаларидир” деган гапини кўп ўйлайман. Ушбу гапни маъкул кўрсак, ундан чиқди, биз ўн, юз карра никоҳланган ҳисобланмаймизми?! Ахир бизнинг орамиздаги ҳурмат-эътиборга ман-ман деган меҳр-оқибатли эр-хотинлар ҳам ҳавас қилсалар арзимайдими?!

Шу каби сўзларимни, иқрорларимни юз, минг, миллион марталаб айтаман, айтавераман. Ўлгунимча айтаман. Чунки Сенга айтар сўзларим ҳали лим-лим, Сен эса жим-жим...

Ҳа, фавқулодда совуққон, ҳисларингни пинҳон тута билгувчи, истасанг-да, намоён этишдан ўзингни тия билгувчи... ахир, ҳамон муҳаббат чин бўлса, дўстлик рост бўлса, ёрилиб кетмайдими, одам?! “Ҳа, ҳа, мен ҳам... мен ҳам!..” дея юракларини ёриб, очиб ташламайдими, барини?! Барча-барча орияту андишаларни унутиб, ўйлаб топилган бемаъни одоб-ахлоқ меъёрларининг баҳридан ўтиб, айт, гапир, ахир!.. Тўкилиб-тўкилиб, сочилиб-сочилиб, очилиб-очилиб, энтикиб-энтикиб, яратган эгам ато этган инжа туйғулар эркатойига айланиб-айланиб айт!..

Йўқ, Сен жим, Сен вазмин, Сен...

Шундай дамларда яна ва яна эҳтимол мени алдаб, ёш бола қилиб юргандир-да, деган даҳшатли ўйларга бораман. Мени ўртаётган туйғуларнинг тозалигидан фойдаланиб қолаётгандир-да, дея юракларим баттар эзилади. Ана ўшанда яна ўзимга далда бераман, ўзимни қўлга оламан: майли, башарти у мени гўдак қилаётган бўлса ҳам, мен туйғуларимнинг беғуборлиги билан унинг алдовларини ростга айлантираман. Башарти мени калака қилаётган бўлса, мен унинг калакалари замиридаги муҳаббат ғунчаларини авайлаб парвариш қиламан. Бу ғунчалар... эртага қандай гул бўлиб очилиши ноаён, илло мен Унинг хатто мана шундай маккорликларини-да (нималар деяпман?!) севаман!.. Мен Уни зинҳор айблай олмайман, Унга нисбатан шубҳа-гумонларимни қувиб соламан!..

Мен ҳозирга қадар Унда бирорта кўнгил қолдирарли нуқсон топмадим. Неча сафар иймондан айиргудай шубҳа-гумонлар гирдобига ғарқ бўлган дамларимда ҳам Унинг сеҳрли ва қадрдон “Ассаломалайкўм”ини эшитган захотим шубҳанинг у

қора кўланкалари рўё мисол тарқаб кетган. Ундан кўнглимни тамом совутиб юборадиган хусусиятни атайин излаган дамларим бўлди, шундай хусусиятни топгудай бўлсам орамиздаги инжа муносабатларга барҳам берилишига баҳонаи сабаб бўлармикан, деган хаёлларда юрган пайтларим бўлди, бироқ, излашлар-изланишларнинг бари беҳуда кетди (Шу эмасми, изтиборларимизнинг илоҳийлиги?!), йўқ, беҳуда кетди десам ёлғон айтган бўламан — аксинча ҳар сафар шундай хаёлларга борганимда унга янаям қаттиқроқ боғланиб қолаётганимни, унга бўлган муҳаббатим ҳар қачонгидан авжига чиқаётганини сездим...

Биламан, Сен ушбу сатрларни ҳам худди ҳеч нарса бўлмагандек, “Ҳа, энди одатдаги гаплар-да” деб ўқирсан, бунга ниҳоятда жўяли баҳоналар топиб, уни жуда оддий ва табиий ҳолат дея изоҳларсан!

— Наҳотки, кўришмай кетсак? Кейин нима бўлади?!?!

— Пировард натижа бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, қайтамыз? Ахир ҳаммаси аён бўлгач...

Мана, Сенинг фалсафанг! “Бошқа нима ҳам бўларди?! Маълум нарса-ку!...” Мантиқан олганда жуда тўғри, аммо-лекин, хай, Инсон, ахир Сен билан менинг орамиздаги муносабат ҳеч қандай мантиққа сиғмайди (Демак, севгини мантиқдан ташқаридаги ҳолат деб изоҳлаш ҳам мумкин экан-да!). Майли, Сен миллионлаб оилаларга ўхшаб, ҳамма қатори яшаб юравер, яъни, бу ёруғ дунёдан яшаганга ўхшаб ўтиб кетавер, дарҳақиқат, ҳеч бир рисолага сиғмайдиган ғайримантикий ДЎСТЛИК кўчасига кириб нима қиласан?! (Эҳ, туйғуларим ва ўйларимни ўз номи билан ёзолмаяпман-да!) Ахир, тушунгин, Сен оддий аёл эмассан-ку! Бизнинг муносабат шу қадар совуққон ва шу қадар боодоб муомалалардан аанча юксакдаги ажжойиб ва бетакрор, фақат Сен ва менгагина хос бўлган воқеа-ку!.. Қарасанг-чи, англасанг-чи, кадрдоним!..

... нималарни ёздим?! Наҳотки, шу даражага боряпман? Одоб- ахлоққа тил теккиздим-а?... Наҳотки, муҳаббат изтироблари одоб - ахлоқдан-да устунроқ, ахлоқ-одоб меъёрларидан ташқаридаги фавқулодда ҳодиса бўлса?! Эй, фалак, измингдаман!..

Устма-уст йўллаган хатларингизни шошиб-ютоқиб ўқиб чиқдим, раҳмат, сизга, меҳрибоним. Наҳотки, беғубор ва мусаффо муносабатларимиз орасига шунчалар шубҳа-гумон оралаган бўлса?! Мен тушунолмай қолдим. Илоҳий муҳаббатларимиздан маст бўлиб юравериbmизу, бу ёқда ғирт инсоний, заминий, одамнинг, бетакрор ҳис-туйғуларнинг кадр-қимматини ерга урадиган, поймол этадиган аллақандай тубан тушунчалар ҳам йўлимизда пусиб, пойлаб туриши мумкинлигини унутиbmиз-да!.. Айрим фикрларингизга қўшилмайман. “Жон” деган сўзингизга қўшиламан, чунки Сиз менинг жону жаҳонимсиз, демак, мен ҳам сизнинг жонингизман. Шундай эмасми?..

Мен Сизни ўзимнинг жуда яқин кишимсиз деб ҳисоблайман, шу боис баъзан хайрон бўлманг, ўзимни чегаралаб тураману, баъзан... алдоқчи дебсиз, йўқ, асло Сизни алдашни истамайман, эҳтимол Сиз ўйлагандек ҳиссиз, меҳрсиздирман... яна кўпми шундай “фазилатларим”? Марҳамат, айтаверинг, санайверинг, фақат, Сизга ҳам қойил қолмадим, севиб қолган одамингизни қаранг!.. Биласизми, мен кўпинча

Ўзимдан хафа бўлганимда, шууундоқ Инсон мени яхши кўриб қолган экан ва мен ҳам шууундоқ инсонни яхши кўрибманми, демак... хуллас, ўзимга қойил қоламан. Сиз бўлсангиз... Сизнинг меҳрингиз чек-чегарасиз. Доим ўзингизни ҳам ўйланг дейсизу, Сиз ўзингиз фақат мени ўйлайсиз, шундай эмасми?.. Сиз ҳам ўзингизни ўйланг, ҳўп. Сиз мен учун жуда-жуда керакли инсон эканлигингизни кўплаб марта хис қиламан... Бошқа ҳеч бир инсон билан бундай ҳолатга тушган эмасман!..

Ушбу эътирофимга ҳам ишонмайсизми?..

Ниҳоят, кўпдан буён бир армоним ушаладиган фурсати келди: юртимиздан олисларда туриб Сенга мактуб йўлласам деган орзуим бор эди. Мана, ўша фурсат: афсоналарга бой Дехлида мартабали давраларда юрибману, кўнгилга қил сиғмайди. Тасаввур қиласанми, бор иродамни, ботиний қайсарлигим, болаликдан қолган шўхликларни — барини... Сени эсламасликка сафарбар қилдим. Эсламайман, хориж сафари эканидан қатъий назар Сенга атаб ҳеч қандай совға-салом изламайман, чунки Сени эсламаяпман, эсламайман, дея аҳд қилдим. Мени гўдак боладек алдаб, кўнглида борини эмин-эркин раво кўрмайдиган ...ни нима учун мен еру кўкка ишонмаслигим керак?! Ўзимни аёвсиз қойишга тушаман: Унинг сенга қараб қолган жойи йўқ-ку, тентак!.. Сенинг меҳрингга зор эмас-ку, шуни ҳам кўриб-сезмасанг, бунчалик гўл бўлмасанг?! Бир ўйинчоққа, эрмакка айланиб юрганингни кўр одам кўрмаслиги мумкин, холос!.. Шунчалар ҳам содда бўласанми?!

Ҳа, шунинг учун ҳам ўйламайман! Қани, лоақал бир ҳафта, юртдан олисда эсламай, ўз ишингни, ташвишингни тортиб юриб кўргин-чи! Қара, ана, афсонавий ҳинд диёри!..

Минг йиллардан буён неча миллион шоҳу-гадони ўзига мафтун этган Ҳиндистондасан, ахир! Шу мўъжизакор диёрдан-да сеҳри зўрми, Унинг?!

Йўқ, зўр эмас, куни кеча дилимни вайрон қилган “ўша”ни эсламасликка қурбим этади. Фақат, кўпдан буён кўнглимга тугиб юрган орзуим-армоним ҳурмати сўнгги марта хат ёза қолай.....

... Йўқ, эсламайман дедимми, бас, хотирам майдонларини ўз ҳолига қўяман. Қачонгача ўзимни эзиб, эзғилаб юраман?! Қани, хаёлларингни ўз ҳолига қўй, бандан ғофил!

Эсламайман!..

Агра йўли узоқ, тасодиф ва саргузаштларга бой. Кўз ўнгимдан елиб ўтаётган манзаралар ҳар қанча хаёлни чалғитишга арзийди.

Эсламайман. Ҳамроҳим суҳбатга чорлайди. “Ҳа”, “ҳм”дан нарига ўтмайман, чунки... мен бандман: Сени эсламасликка ҳаракат қияпман. Шунга онт ичганман. Аҳдимга содиқ қоламан!..

Аграга етдик. Ана, Тожмаҳал, афсонавий Тожмаҳал! Илоҳий севги обидаси!..

Узоқдан кўзга ташланган илк таассурот – тиниқ осмондаги оқ булутдек оппоқ ранг!.. Мен севган, жонимга жон бағишлайдиган ранг!.. Нега, қаердан севиб қолганман, бу рангни?..

Тўхта, нима қиламан бундай саволга тутиб ўзимни!.. Ана, қара, томоша қил, ҳайратлан! Рўпарангда Тожмаҳал қад ростлаб турибди! Оппоқ!.. Уф-ф!..

Нима учун оппоқ? Садаф янглиғ оқ рангнинг ҳикмати нимада экан? Сеҳри, жозибаси нимада? Эҳтимол илоҳий севгининг ранги оқдир?.. Илоҳий туйғулар қанотида Сени фаришта янглиғ самоларга олиб чиқаман, хаёлан... Ўзим ҳе-е ердан оёқ узолмасам-да, Сени, Сиз фариштамни кўкларга кўтараман, кўтарганим сайин Маккатиллога илк сафар қадам ранжида қилган бандаи мўъмин сингари кўзларимдан дув-дув ёш тўкилади, бахтиёрлик ва шодумонлик ёшлари...

Нима деяпман? Кимни эслаяпман? Субут борми, менда?!

Айтдим-ку, эсламайман, деб! Эс-ла-май-ман-н!..

Кун, изидан тун ўтди. Яна кун, яна тун... Яна... “Сени эсламайман!” деган гап бирон дақиқа (!) хаёлимдан йироқлашгани йўқ, яъни, ҳар дақиқа Сендан буткул юз ўгиришга аҳд қилдим ва ўйлаб кўрсам... бирон лаҳза, эшитяпсанми — бирон сония дилимдан ариганинг, тилимдан узилганинг йўқ!..

Ана ўшанда бир улкан ҳақиқатни англадим: шу-унча йиллар мобайнида қалбимда осмонўпар Тожмаҳални бунёд этган эканмиз!.. Уни фақат биргина инсон — Сен вайрон этишга қодир эдинг — шу қадар совуққонлик билан вайрон қилдинг-ки!.. Бир эрмак деб, исталган дақиқада итқитиб юборишга тайёр ўйинчоқ-матох деб ҳис қилдим, ўзимни, севгимни...

Чил-парчин бўлган Тожмаҳални қайта тиклаб бўлармикан?..

Бундан буёнги умрим ана шу Тожмаҳал харобаси ичида ўтадиганга ўхшади...

Синган дил қирқ йилда бутун бўлолмайди, дейдилар Ойдин опа.

Юрагимнинг бир дарзи бор,
Қирқ чегачи улолмас...

Ўйлай-ўйлай бир қарорга келгандайман: муносабатларимиз риштасини жарроҳлик тиғи билан бўлса-да, ҳар қандай шафқатни унутган ҳолда қирқиб ташлаш, шу йўл билан ҳамма-ҳаммасидан бир йўла воз кечиш керак, вассалом! Фақат бундай жарроҳлик усули ҳаёт ато этмайди, балки ҳаётни барбод этади...

Бунчалар тушкун кайфиятда ёздингиз мактубларни? Наҳотки, Сизни зарда қилишга мажбур этган бўлсам?! Ахир дунёда Сизни ўйлайдиган, Сизни жудаям яхши кўрадиган бир меҳрибонингиз борлигининг ўзи бахт эмасми? Мен учун эса Сизнинг соғ-саломат, тушкунликларга берилмай шодон кайфиятда юришингизнинг ўзи улкан бахт. Сиз ҳам менинг неча юзлаб бедор тунларимнинг айбдори

эканлигингизни биласизми? Менинг ҳозирги шароитимда Сиз билан дўст тутиниб юришимнинг ўзи қаҳрамонлик эмасми? Сиз шундай деб ўйламайсизми?..

Нима қилмоқ кераклигини билганимда шу чоққа қадар ўзимни ҳам, Сизни ҳам қийнаб юрмасдим. Билмадим... Аммо жарроҳлик зинҳор шарт эмас! Нима деганингиз бу?! Хатингизни ўқиб кўриб кетдим! Бундай хаёлларга бормайлик, кадрдон!..

Бизнинг Тожмаҳални икковимиз бунёд этдикми, уни ҳеч ким буза олмайди, ахир уни ҳеч кимга кўрсатмаймиз-ку, эл-юртга кўз-кўз қилмаймиз-ку! Шуундай севги қошонасини бузишга... бундай шафқатсизларча бузгунчиликка Сизу мен қодир эмасмиз!.. Сизга ич-ичимдаги кўп гапларни ошқора айтолмайман. Мени сўзсиз англай олишингизни жуда-жуда илтимос қиламан.

Янаям очикроқ гапиришга мажбур қилмайсиз деган умиддаман...

Жон! Хатларингга жавоб бермаганим, яъни уларни Сенга йўлламаганим, бу Сенга хат ёзмадим дегани эмас. Ёзаман, тиним билмай ёзаман, фақат баъзан уларни жўнатишдан ўзимни тияман...

Соғинчларимни баён этишдан чарчадим десам орамиздаги илоҳий туйғу чирқирашини истамайман, асло! Чарчадим демасам Сенга неча марталаб такрорлашим керак, аҳволимни?!

Ва яна, худо билади, нечанчи марта ўзимча онт ичаман, сўзлар бераман: бўлди, бас, дейман ва ўша заҳоти... қасамларни унутаман... Чунки, чидолмайман, кўргим, суҳбатлашгим келади.

“Таваккал қилиб, тақдир билан ўйнашаётганга ўхшайман” деган гапингни такрор-такор ўйлайман. Ўзимдан нафратланаман. Ахир мен эсимни йиғиб олишим, Сенга бўлган меҳр-муҳаббатим ҳаққи учун ҳам оғирликни мен зиммамга олишим керак-ку!

Уҳ-ҳ, неча марталаб жазм қилдим бунга?! Хатларингга жавоб қайтармаган лаҳзаларда қанчалик азоб чеккан бўлсам, биласанми, шунчалик қувонаман ҳам. Ҳамма-ҳаммасини тўхтатиш учун бир қадам қўйдим-ку, деган, сени ва ўзимни хатарларга қолдириб яшашга чек қўямиз, энди, ана, ўзимни тийдим, қойил, уддаладим, дейман. Сендан кўнглимни қолдирадиган нималарнидир топган бўламан, орамиздаги сирдошлик ва дўстлик ришталаридан келиб чиқиши табиий бўлган талабларга жавоб беришни истамаётганинг, хуллас, ўзимча асослар топаман, ҳар иккимиз миллион марталаб гаплашган, яъни кўришмасликка кўниккандек бўламан ва... ва... биласанми, менга қанча азоб-уқубатлар эвазига тушаётганини, бу ўзимни тийишлар?!

Биласанми, шуларни, жоним?! Тасаввур қиласанми?..

Сендаги ақлли совуққонлик, туйғуларингни менга тўла раво кўрмаслигинг ҳам ҳавасимни келтиради, ҳам мени ва энг тоза туйғуларимни ҳақоратлайди, ҳам мени

сенга бегоналаштиради...

“Сени шунчалар севадиган одаминг борлиги бахт эмасми” қабилидаги гапларинг тасалли эмас, ярага сепилган туздек таъсир қилишини наҳотки билмайсан, дўстим?

Сенинг хотиржамлигинг, ҳаловотинг ҳаққи, илоҳий ақидаларимиз ҳаққи... илоҳий неъматимизни увол қилишга мажбурмиз (бунинг уволи қандай тутади, билмадим). Бошқа чораси йўқ. Аксинча, кўнгилда пинҳон изтиробларга дош бериш иложсиз, чорасиз аҳволга солиб қўймоқдаки, унга кулоқ тутмаслик бахт эмас, тузатиб бўлмас бахтсизлик, бебахтлик келтиришидан жуда-жуда хавотирдаман...

Қўрқаман. Чунки мен инсон сифатидаги барча орзу - ҳавасларимнинг чўққисида битта улкан ният Сени бахтли кўриш орзуси ҳамиша ҳилпираб туради. Уни ҳеч бир банда (ҳатто Сен ҳам!) тортиб ололмайсан, у фақат ўзим билан яшайди ва фақат ўзим билан кетади...

... Хатларингиз нега тушкун, деб сўраган эдинг, буни Сен билмасанг, ким билади? Кунларимнинг, ўйларимнинг... умримнинг қанчаси маҳзун ўтишини ҳисоблай оласанми?..

Менга бедийдор, бевисол кунларни раво кўрган яғонамга адоқсиз эҳтиромлар билан...

Нима қилмоқ керак, деган савол ҳақида бош қотиришга юрагим чидамайди. Чунки жавоб тополмаслигимни, ҳар сафар шу саволни эслаганимда ўзимнинг жуда-жуда ожизлигимни ҳис қиламан. Ахир нима қилмоқ кераклигини билганимда эди, ўзимни ҳам, Сизни ҳам қийнаб юрмасдим. Билмадим...

— Ҳозирча учрашмай турайлик, — дединг. Ўйланиб қолдим.

— Майли, — дедим, — Сен нима десанг — шу. Мен рози. Лекин сира чидолмасам, дунё кўзимга қоронғи бўлиб зимистонга айланаверса, қўлим ишга бормаса, ўзимни кўярга жой тополмай қолсам нима қилай? Бошимни қаёққа урай? Маслаҳат бер.

— Уч-тўрт кун чидасангиз кўникиб кетасиз...

Ана, холоос... Уч-тўрт кунда кўникиб кетар эканман?! Бошланишига чидасам, кўникиб кетар эмишман!..

Шу қадар осон экан-да, кўникиш?! Шу қадар осон бўлса, шуунча вақт не-не азоб-укубатларни бошдан кечирмадим?! Не-не изтироблар алангасида қоврилмадим?! Неча қайта қўл силтадим, қонимга ташна ҳолга тушганларимда неча қайта “Бас!” дея ўзимча қасамлар ичдим! Ўзимни ҳақоратлар қилдим. Ўзимни иродасизликда... бошқа-бошқаларда айбладим. Қани, иложи топилса! Қани, ўрганиб кетсам! Қани, кўника қолсам?!

Нимага, қандай қудратли ва сеҳрли оғуға дуч келганман, ўзи, қисмат?! Нима қилмоқчисан, не қўйларга солмоқчисан, тақдир?! Қўйсанг-чи, мени ўз ҳолимга!..

Сендами гуноҳ? Мендами?

Сен-да, мен-да бир бандамиз, ахир. Парвардигор шу кўйларга солмадими, бизларни, азизам? Шу дардга мубтало қилган ўзи-ку! Шаккокликка йўйма, илтимос, ахир ҳар иккимиз ҳамиша ўзимизни тийиб-тизгинлаб келмадикми?! Лекин...

Сени хаёлимдан яширолмасам...
Юрагимдан суғуриб ирғитиб юборолмасам...
Сенга эргашиб боролмасам...
Қисматимни боғлолмасам...

— Яхши эмас. Мумкин эмас. Эҳтимол, гуноҳ...

Хаёллар-ку, сарсон бўлди,
Беватан,
Сарсон бўлди, севгимиздек,
Гуноҳ ҳам...

Инглиз адиби Чарлз Диккенс ҳаётидан ўқиб берай, эшитгин:

Если бы только Эллен дала ему надежду! Он давно уже бросил бы все: опостылевший брак, порядком наскучившие литературные труды, Лондон... Но мисс Тернан лишь вежливо принимала его покровительство, не двигаясь в своих чувствах дальше холодноватой, хотя как будто бы и искренней дружбы. И, негодуя на самого себя, он слал ей подарки, сладости, полушутливые-полулирические записки, надеясь на то, что рано или поздно добьется ее снисходительности, и одновременно боясь этого. Если Эллен его разочарует, ему больше нечего будет ждать от жизни. И он уже не сможет этого пережить.

Севги илоҳий туйғу. Гуноҳ деймизми, бошқами — Сен-у мен бандамиз, ожиз, нотовон банда! Қандай қилиб илоҳий туйғуга бас келамиз, уни енгамиз?! Рад эта оламиз?..

Ўйлаб кўргин, дўстим: эҳтимол Яратган эгамизнинг ўзи бизни бу гўзал ва бетакрор туйғуга мубтало этгандир?! Бу бир синов тегирмонидир?.. Бу синовга “ҳа” десак маъқулми ёхуд “йўқ” десак? “Йўқ” десак — ўн бало, “ҳа” десак — юз бало! Бундайин чорасиз синов ҳар касга инъом этилмайди, ҳар кўнгилга раво кўрилмайди, ахир. Демак:

Ўзинг-ку, бу кўйга мубтало этган
Нечун азобларга гирифтор этдинг?..
Қай ён савоб, қай ён гуноҳ, билмадим
Муҳаббат майдонида ўйинчоқ этдинг...
Ўйинчоғим ўйинчоқ,
Не қилайин менга боқ!..
Мумкин. — Мумкин эмас.
Мумкин. — Мумкин эмас.

Бу икки сарҳад орасида яшаш, бу икки сарҳад орасида маъқул йўл топиб яшаш нақадар уқубат! Йўлнинг “Мумкин” деган томонига ўтсанг, “Мумкин эмас” деган

садо келади, “Мумкин эмас” деб номланган йўлкасига ўтсанг, “Мумкиин” деган сас чалинади кулоққа. Бошингни қаёнга уришни билмайсан, қалб ва эҳтиросга бўйсунасан, жасорат ва матонат кўлингдан тутати — ахир Сен одамсан! Инсонсан! Бу улуғ мартабага содиқлик хиёнат эмас, бундайин бетакрор мартаба ҳар бандага ҳам насиб этавермайди, бу илоҳий мўъжизани асраб-авайламоқ керак! Шарт!

Бироқ, мумкин эмас...

Бир ҳақиқатга аминман, жоним: шу яшаб ўтган УМРИМИЗ мобайнида менга қанчалик ранж-алам етказган бўлсанг, бари “Мумкин эмас”нинг оқибати. Нечоғли қувонч, бахтли онлар ҳадя этган бўлсанг бари-барчаси “Мумкиин”нинг қувончи, саодати!..

Тушунаман, тушунишга ҳаракат қиламан, асалим!..

Сенда эмас алаим... Тавба!!!

Мумкин — жозиба, эҳтирос, сурурли энтикишларга эш хавотир, таҳлика...

Мумкин эмас — бежавотирлик, хотиржамлик, сокинликка эш ҳиссизлик, ғариблик, бефайзлик...

Қайдасан, жасорат? Қайдасан, шиддат?!

— Мумкинми? Йўқми?

— ...

— Айт, мумкинми, йўқми?

— Билмадим...

— Аниқ айт, айтақолсанг-чи!..

— Йўқ, аниқ жавоб йўқ, айтолмайман... Ўзингиз айтгандингиз -ку, икки карра икки...

— Яхши, эсингда экан. Икки карра икки тўрт дея қатъий хулоса чиқаришнинг ўзи разолат! Босқинчилик! Ёвузлик! Фаши...

— Бўлди, бўлди!.. Индамаса, жуда ошириб юборасиз-да, икки карра икки қаердаю, разолат, фашизм қаерда?!

— Шундайми? Сен ҳам шундай деб ўйлайсанми? Шундайми?!

— ...

— У ҳолда айт, айт икки карра икки неча бўлишини? Тўрт, деб қутилмоқчимисан? Шу ҳам жавобми? “Тўрт” дейсану, ҳаётнинг бутун жумбоқларига жавоб топдим деб ўзингни, мени, жумла-жаҳонни алдайсанми?!

— Хўп-хўп. Сиз ҳақсиз, биз қайдан биламиз, биз ҳам хом сут эмган бандалармиз-да, ахир. Шундай эмасми? Икки карра иккининг жавоби қанча экани ҳам яратганнинг ўзига аён. Унинг ўзи истаган кўйига солиб ўйнатаётган экан, айтдим-ку, биз ўйинчоқ бандалар қайдан топамиз аниқ-конкрет жавобни? Конкрет жавоб гуноҳ, конкрет жавоб гуноҳи азим!.. Шундан қўрқамиз, қайтар дунё деймиз, оқибатини ўйлаб юрагимиз увишади. Чунки бандамиз.

Ожиз банда эканлигимиз сабабли ҳам қўрқаяпмиз, кўнгилларимиз майлининг тозалигини, беғуборлигини тўғри баҳолай олмаяпмиз, кадрлай олмаяпмиз.

— Айт, жоним, шунчалар мушкулми бир қадам қўйиш?
— Ҳамма гап ана шу бир қадамда-да! Биз қўйдик-ку, шу қадамни, мактубларимизнинг ҳар бири ўзича бир қадам. Шундай эмасми?
— У ҳолда нима учун етишолмаймиз, дийдоримизга тўёлмаймиз?
— Ундай деманг, ахир ўзингиз айтган эдингиз — биз бир биримизнинг ичимиздамиз. Сиз менинг, мен Сизнинг ичингизда туриб мактублар йўллаганимиз-йўллаган. Қизиқлигини қаранг! Биров эшитса ичаги узилгудай кулса керак?!

Тубан хирс қурбонлари ва қуллари кўрксинлар гуноҳлардан! Муҳаббатсиз ёстик булғаётганлар кўрксинлар! Қалбини занг ва моғор босганлар кўпроқ ўйласинлар қайтар дунёни!..

Сен билан менинг орамизда бокира, гўзал ва тоза ҳислардан ўзга нима бор ахир?..

Аллоҳнинг табаррук номи билан кўнгилдагини изҳор қилар эканман, зинҳор Унга шак келтирганим йўқ деб ўйлайман, зеро, Сенга аталган туйғуларимнинг бари илоҳий, осмоний муҳаббат изҳорларидир...

Бировлар эшитса кулади дебсан. Ўзимнинг аҳволимга ўзим кулганим-кулган. Ҳақиқатан ҳам ўзимиз топдик-ку, бу оламжаҳон ташвишни!.. Ҳеч ким бизни унга рўпара қилмади, мубтало этмади. Ташвишнинг севинчлари ҳам, азоб-уқубатлари ҳам ўзимизники! Қўйган “қадам”ларимиз ҳам ўзимизники, уларни энди ортга қайтаришга ожизмиз.

Ҳеч бир жон яшаб ўтган умрини ортга қайтаролмайди. Кечаги кун — кеча, бугунги кун — эртага афсона. Ва ҳар банда борки, ўтган кунларини ўйлаб, армон ва орзулар, соғинч ва юпанчлар қанотида сузади. Ҳаётнинг мазмунларга тўлалигини ҳар ким ўз тарозиси билан ўлчайди. Тасаввур қилгин, бордию, умримиз варақларида икковимизни қовуштирган ушбу ТАРИХИМИЗ бўлмаса?! Нақадар аянчли, нақадар ғариб, нақадар зерикарли! Ахир, ўйлай десанг, ўйлагудай, севиная десанг севингудай, оламга жар солай десанг арзигудай, кўз-кўз қилай десанг мақтангудай туйғуларимиз, эҳтиросларимиз, соғинчларимиз, изтиробларимиз, аразларимиз бор! Эркаликларимиз бор!..

– Яшадингми? Яшадикми?

Бу саволга жавобимиз бир:

– Ҳа, яшадик! Биз яшадик!

– Яхшиям, Сен борсан!..

– Йўқ, яхшиям, Сиз борсиз!..

– Сен борлигинг учун мен борман!..

– Йўқ, Сиз...

– Жим. Бир марта хўп дея қол, жоним!..

– Хўп... хўп...

Фет:

Утро дишит у него на груди...

Бунчалар аниқ, бунчалар дилбар тасвир! Бир аср муқаддам яшаб ўтган шоир қаердан билган Сенинг кўксингда тонглар нафас олишини, тонглар кўксингдан ранг олишини?! Нақ мўъжизанинг ўзгинаси эмасми бу, яғонам?! Бу таъриф менинг дилим тўридаги арзандадан-арзанда туйғу, шоир Фет эса ўша туйғу уммонида олган ранг тимсолида шеърий сурат чизган, холос...

Уч-тўрт кун сабр билан барча соғинч изтиробларидан халос бўлиш имкони бўлганида...

... баҳорнинг биринчи кунини шунчалик интиқлик билан, тўнғич фарзанди туғилишини интиқ кутаётган бўлғуси онанинг аҳволида юрармидим, оғайни?!

Аввал, “Ҳозирча учрашмай турайлик”. Хўп, розиман. Сўнг... “ҳозирча учрашмасак кўникиб кетасиз”... Қандай дамларда айтиляпти бу сўзлар?

Баҳор айёмининг илк кунда! Мўъжизалар, муҳаббатлар, эхтирослар, жозибалар қайнаб-тошадиган, муҳаббатли қалблар бир-бирларига боор эркаликларини беминнат ҳадя этадиган фасли айёмда-я?!

Асқад Мухтор, “Энг ёмони – баҳорда ўлиш” деб ёзган эди. Сирли-сехрли шабадалар фаслида (тагин биринчи кунда-я!) висолга барҳам бериш, дийдорга тўғаноқ бўлиш эса — босқинчилик, қотилликнинг ўзгинаси!.. Жоҳиллик!

Ҳа, баҳорнинг илк дамларида айтилган бу сингари сўзлар Сен ва мени бир неча йиллардан бери кўкларга кўтариб келаётган, ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмун-моҳиятига айланган дилдаги энг инжа туйғуларга суиқасд!.. Муҳаббат кўчасидаги қотиллик!..

Мен баҳорнинг биринчи кунини интизор кутган эдим, Сен эса...
— Хаёлпарастсиз!..

Жуда тўғри, хаёлпарастман, мен хаёл одамиман. Хаёл мен учун реал воқеликдан кўра реалроқ! Мен учун реаллик мана шу хаёлларим! Мен шу хаёлларимга сиғинаман, унга топинаман. Чунки бу хаёлнинг ичида Сен борсан!.. Сен бўлмаган, Сени учратолмайдиган реалликдан кўра, ўша хаёлот минг чандон афзал!.. Мен тарк этолмайдиган, хаёлларим ипидан тўқилган олтин сарой бу!..

Бугунги айём билан табриклайман. Сиз яхши кўриб қолган, қалбимдаги энг тоза, энг ширин, энг эзгу тилакларим фақат Сизники. Сизни бутун умр соғиниб, излаб, чорлаб, кўргиси келиб, яна соғиниб (ёнимда бўлсангиз-да!) яшаётган бир инсон борлигини унутманг, хўп?

Сизга озгинагина ҳафачилик, қийинчилик у ёқда турсин, ҳатто чанг-ғуборни ҳам раво кўрмайман.

Орамиздаги яхши яқинлик назаримда бутун вужудимни ювиб, поклаётгандек...

Сизни умрим бўйи соғлом, хуш кайфиятда, янада юксак ҳурмат-эътиборда кўриб бир пайтлар кўрган “тушлар”имни (Сиз билан орамизда қандай муносабатлар юз берган бўлса, уларнинг бари мен учун тушга ўхшайди) эслаб мағрурланиб юрай...

Сизни ҳамма яхши кўради, майли, уларнинг сони фақат кўпайсин. Аммо сиз ёлғиз мени, хўп?

Доимо “ҳамма ишим жойида, соғ-саломатман, тинчман, кайфиятим аъло, фақат озгинагина сени соғиндим, холос” деган меҳрли сўзингизни эшитиш насиб этсин менга.

Сизга эса ҳар бир қадамингизда учраётган шодлик, омад, бахт, яхшилик, меҳрдан ҳайратланиб, энтикиб яшаш насиб этсин.

Яна бир карра эрка ва арзанда баҳор айёми муборак бўлсин. Илоҳим, ҳамиша соғ-саломат бўлинг, чеҳрангиздан табассум аримасин! Орамиздаги самимий меҳр-окибат, садоқат умрбоқий бўлсин. Ёмон кўзлардан асрасин! Борлиқ табиат баҳор фаслини кутгандек, баҳорга муштоқ бўлгани каби бир-биримизга илҳақ бўлиб яшайлик!.. Интизорлик тарк этмасин бизни!..

Беғубор муҳаббатимиз оламининг Маликаси бўлмиш дўстим, азизам, қадрдонимни баҳор айёми билан қутлайман! “Сизни ҳам” дедингми?.. Мен учун Сени кўрган дамларим БАҲОР!..

“...Ты моя связь с небом”... йўқ, бу дилбар изҳорни Герцен суюкли рафиқаси Натальяга йўлламаган, мен, мен Сени шундай таърифлаяпман, жоним!..

Кўнгилга мўъжизаларга бой туйғуларни бахш этгувчи баҳорнинг илк кунлари “Герцен” қадрдонимга ният қилдим: бир-биримизни кўрганда, кўзимиз-кўзимизга тушганда кўнглимиз баҳордек яшнаши доимий бўлсин, бу гўзал ва ажиб ҳолат, кайфият бизни ҳеч қачон тарк этмасин!..

Кўнгилдан кечган, кечаётган ва кечадиган барча-барча сиру асрорни овозимни борича қўйиб оламга жар солгим келади баъзан. Шунда енгил тортсам керак деган ҳаёл кечади, бироқ енгил тортарман ҳам, кейин-чи, кейин нима бўлади? Менга инсонийлик қиёфасини бағишлаб турган ботиний сир-асрор — қувват нима бўлади? Бор куч-қувватдан жудо бўлмайманми?.. Яхшиси...

Кимнинг дилида бир ғами пинҳон бўлмас,
У мисли тирик мурдадир, инсон бўлмас.
Бор, дард сўра, бедардлик иллатдир,
Бир дардки, унга сира дармон бўлмас...
Дармон йўқ, Биродари азиз, дармон...

Бир дардки, бедармон...
Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан Сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
Айтадир: мен Уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!

— Ажойиб шеър, менга ҳам ёқади.

Кўзимни оламан ой чикқан ёққа,
Бошлайман ойдан-да Сени сўрмоққа.
Ул-да айтадир: бир қизил яноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа (!).
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

—Ой эмас, Сиз — гўзал!.. Яна эшитгин:

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен Уни – шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

— Тўғрими? Топдимми?

— Билмадим...

— Билмасангиз, мана, яна қулоқ солинг:

Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўраймен Сенинг тўғрингда.
Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб
Айтадир: бир кўрдим, тушдамас, ўнгда.
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

— Бўлди, ўқимай кўя қолинг. Шоирнинг хаёли, бу!.. Сизу бизга дахли йўқ.

Мен йўқсил (!!) на бўлиб Уни суйибмен,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен,
Бошимни зў-ў-ўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб... мен суйиииб... кимни суйибмееен?..

— Овозингизни борича қўйиб айтинг. Айтақолинг!

— Айтаман ҳам. Мана, эшит:

Мен суйган Суюкли шууунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да **гўзаллл!!!**

Шеърни ўқиб тугатдим, беихтиёр ўнг яноғингдаги холингни ўпиб олганимни сезмай қолдим. Бу ҳолат шу қадар зумда содир бўлдики, ҳатто Сен ҳам уни пайқаб улгурмадинг. Ёки мен шу қадар чин дилдан ўқиган шеърни... ҳа-я, уни ким ёзган дединг?! Шоирнинг хаёли дедингми?.. Қайси шоирни назарда тутяпсан? Мен-ку, унинг муаллифи, ишон, Чўлпон — мен, мен — Чўлпон, мен таърифлаган **гўзал** эса — **сен, сен, сен!!!**

Мухаббат, назаримда, инсоннинг энг аввало ўзига, кўнглига, туйғуларига кулок солишдир.

Сизгина кайфиятимни сўрайсиз, фақат Сизнигина қизиқтиради менинг ташвишларим, хонамнинг, уйимнинг иссиқ-совуғидан тортиб мен билан боғлиқ барча икир-чикирларгача... Ва беихтиёр Сизга жавоб бериш асносида мен ўзимга, кайфиятимга аҳамият бера бошлайман.

Жуда қизиқ-а?

Ҳаётингда бу оний лаҳзалар бўлмаса-чи? Яшаса бўлар экан. Фақат ўзинг, кўнглинг, туйғуларинг устидан чизик тортиб... Мен озгина яшаб кўрдим. Ва жуда қийналдим...

Эсингиздами, “Сен билан хаёлан соатлаб гаплашаман” дердингиз. Мен ҳам Сиз билан ёлғиз қолдим дегунча суҳбатлашадиган одат чиқардим. Баъзан бу ҳолатдан ўзим ҳам ҳайратланаман. Сиз билан хаёлан суҳбат қурмасам, эсламай қўйсам Сизни йўқотиб қўйгандек бўламан. Йўқотиб қўйдим ва довдираб, эсанкираб қолдим. Ахир ўзим эмасмидим, шундай бўлиши кераклигини уқтирган, доим шунга ҳаракат қилган?!

Энди эса Сизсиз жуда ғариб эдим мен, жуда ёлғиз эдим мен.

Азизим,
Не учун майса эмасмиз?
Еллар эсганида суйкалиб ўтган.
Не учун, не учун
Дарахт бўлмадик,
Илдизи, шохлари чирмашиб кетган?

Бу шеърни мен Сизга бир кунда минг марталаб ўқиб бераман. Эшитиладими, Сизга?.. Эшитасиз-а?..

Ҳа, мен Сизсиз яшаб кўрдим, жуда қийналиб, эзилиб, шунга мажбурлигимни ўзимга уқдириб...

Ўша кунлари мен муносабатларимиз ҳақида кўп ўйладим ва кўнглингизга фақат ва фақат озор етказганимдан сиқилиб кетдим. Лекин мендан ранжишингиз, қаттиқ хафа бўлишингиз мумкинмикан?

Мен елкамдан тоғдек эзиб турган бурчимни унутмадим. Унутолмайман ҳам экан.

Сизга бўлган меҳрим, муҳаббатим эса баъзан (кўпинча) ҳамма-ҳаммасидан устун чиқади, буни Сиз биласиз деб ўйлайман.

Мен Сизнинг чексиз эътиборингизга, эҳтиросли муҳаббатингизга, адоқсиз меҳрингизга лойиқ бўлолмадим.

Ёлғизлик ҳақида ёзганларингизни ўқиганда ҳайрон бўламан, нима сабабдан Сиз ўзингизни бунчалар ёлғиз ҳис қиласиз деб ўйлаганим-ўйлаган. Ва лоақал шундай дамларда ёнингизда бўлгим, Сизни ёлғизлик азобларидан халос этгим келади, бироқ... Ахир ёлғиз қолган тақдирингизда ҳам жонингизга оро кира олмаслигим, бирор оғирингизни енгиллаштира олмаслигим аниқ-ку? Аччиқ ҳақиқат-ку, бу!.. Ҳаётингиздаги энг унутилмас ва қувончли кунларда ёнингизда бўлиб Сизнинг бахтиёр шодумонликларингизга шерик бўлгим келади, қувончларингизни Сиз билан бирга баҳам кўргим келади, ва яна бироқ, дейишдан ўзга иложим йўқлигини қандай изоҳлаймиз? Бемалол бориб табриклай олмасам, бошқа яқинларингиз катори кўнглимдаги изҳорларимни эмин-эркин тўкиб соломасам?..

Аччиқ ҳақиқат бўлса-да, тан олишимиз керак, биз жуда-жуда яқинмиз ва бир-биримиздан жуда-жуда олисдамиз ҳам...

Тўғрими? Сиз ҳаётимдаги энг ёруғ кунсиз, энг ёруғ нурсиз!

Берган азобларим, озорларим, учрашолмаган кунларим, айтолмаган иқрорларим — ҳамма-ҳаммаси учун мени кечиринг. Кўнглингизни оғритишни ҳеч қачон истамайман ва доим Сизни ҳафа қилиб қўяман.

Майли, кўришолмасак-да, мен учун соғ бўлсангиз, кўнглингизда хотиржамлик бўлса, мусаввирлик ижодхонасида толиқмасангиз, яхши кайфиятда юрсангиз бўлди.

Сизга дунёда мавжуд бўлган ҳамма-ҳамма яхшиликларни, эзгуликларни, менга аталганини ҳам тақдим этаман, тилаб қоламан.

“Бизни нима боғлар?” сўрама мендан.
Билмайман, нимани излайман сендан.
Билганим, бу — бир сир.
Билганим, чиндан
Сени соғинаман...
Сени... севаман...

Нима сабабдан номалар бу қадар ҳасратли, тушкун ва изтиробларга тўла дейсан. Жавоби аниқ: йўлимизнинг ниҳоясида чироқ йўқ, шуъла кўринмайди. Пираворд оқибатнинг... Тушимда мана шу ёзганларимни тугатибману (эҳтиросларни тугатиб бўлармишми?!), Сенинг ҳузурингга ошиқиб-ховлиқиб етиб борибман. Тезроқ, олиб борган заҳотим қўлимдан олар-олмас ўқишга киришиб кетасан, дам овозингни чиқариб, дам ичингда, дам кулиб, дам ўйга толиб, дам кўзларингнинг намларини артиб, бош кўтармай ўқишга киришасан деб ўйлабман. Қўлингга қалам олиб, дил номаларимизни тўлдириб, бойитиб, янада жозибалироқ қилиб юборасан деб

кутибман. Ва олиб борсам, Сен, биласанми, нима дединг? Йўқ, ўқимайман, ўқишим шарт эмас, деб тескари қарадинг!.. Нима бўлди? Қандай офат юз берди?! Курраи замин айланиш ўқидан чиқиб кетмадимикин?.. Ахир мен... Ахир мен неча йил, неча ой ва неча кунлардан буён ана шу дақиқани, ана шу лаҳзаларни кутиб, умидларимни боғлаб, инсоният ҳаётида фавқулодда воқеа содир бўлишига умидвор бир телба кўйида ёздим-ку?! Мендан хафа бўлманг, оқибати шундай бўлиши кераклигини неча қайта айтганмиз-ку, дединг. Тушунасиз дединг. Мен ҳе-еч нарсани тушунолмаётган эдим ўша топда. Гунг эдим, соқов эдим, беҳуш эдим!.. Наҳотки, дедим ичимда, наҳотки, оқибати оқибатсизлик бўлса, дея такрорлайвердим. Наҳотки ўша ўзимиз тан олган оқибатни бетимга солиш учун шу кун, шу лаҳзалар танланган бўлса?!

Менда гап қолмади, сўз қолмади, қарай десам кўзимда нур қолмади... Тушга нималар кирмайди, деб тасалли излайдилар, бироқ ҳатто туш тангриси ҳам бундай зулмни бандасига раво кўрмаса керак?! Хуллас, пираворд оқибатнинг бари кўнгиллар розига зид, зид, зид... Бу аҳволда тушкун бўлмай на илож?.. Бироқ, Сенинг икки энлик мактубинг кун бўйи тунд ва хуфтон кайфиятни бир лаҳзада чароғон қилиб юбориш қудратига эгалигини ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Бунинг савоби, яъни мазлум кўнгилга бир лаҳзалик қувонч бағишлаши!.. Яхшиям борсан! Яна юз йил бор бўлгин, қувончим!..

“Ҳижроним...” да маҳалламизга тушган бир келинчак ҳақида ёзгандим. Эсингизда-а?.. Ногаҳон ўшани учратиб қолдим. Негадир кўзимга анчайин маҳзун кўринди. Адашмаган эканман, суриштирган эдим, ҳасрат халтаси очилиб кетди.

– Касал бўлиб қолганда инсон энг аввало гуноҳлари ҳақида ўйларкан, — деб ҳасрат қила кетди у. — Мен содир этган бирдан-бир (назаримда) катта гуноҳ муҳаббатим эди... Бунинг айбини мен ҳеч кимга ағдаролмайман, чунки бу бедаво дардга биринчи бўлиб мен ўзим мубтало бўлганман. Хуллас, ўшанда, агар яқинларим, фарзандларим бахтидан бўлиб тузалиб кетсам, бу гуноҳимни ҳеч қачон такрорламайман, доимо тоат-ибодатда ўтаман деб аллоҳга сўз бердим. Аҳдимнинг устидан қанчалик чиққаним фақат аллоҳга ва ўзимга аён... Яқинларим учун яшашим керак, яқинларим менинг азият чекишимни кўрмаслиги керак, деб худодан сўрадим. Касалхонага борганимда “бундай операциядан кейин тўрт йилгина соғлом яшадим” деган гапларни эшитиб йиғлаб юбордим.

Тўрт йил муддат зиммамдаги энг муқаддас вазифаларимни, бурчимни адо этишга етармикан, деб ҳисоб-китоб қилавердим, қилавердим. Ҳисоб-китобимнинг адоғи кўринмас, бордию, мўлжалим, тахминларим хато чиқса ёрдам сўрашим мумкин бўлган яккаю ягона инсонни топгандек бўлардим ва шундан ичимда йилт этиб чироқ ёнгандек бўларди...

Одам эртага, ҳатто бир лаҳзадан кейин нима бўлишини билмайди-ку, менга эса тўрт йил жуда-жуда оз муддат бўлиб туюларди.

Ҳеч ким аввалдан касали давосиз эканини билмаслиги керак экан. Чунки инсон ҳамма нарсага бефарқ, орзу-умидсиз, мақсадсиз бўлиб қоларкан. Яшаяпсану, аммо кўнгил бўм-бўш, ҳеч нарса сени қизиқтирмайди. Бунақа пайтда ҳар қандай таскин-

тасалли бемаъни кўринади кўзингга. Буларнинг барчасини ўзим бошимдан ўтказганим учун ҳам шунчалик дадил айтаяпман, уни ҳеч кимга айтмагандим, сизга кўнглимни очдим...

Аввалига аёлнинг ҳасратлари замиридаги маънони равшанроқ тушунмагандек эдим, буни пайқади-да, сўнг бирдан дам кулиб-дам кўз ёшларини артиб янаям очилиб-сочилди:

— Ўзим минг хаёлда операцияга кириб кетаяпману, хаёлим қурғур кўнглимни ишғол этган ўша инсонда! Дам ўғил-қизларимни ўйлайман, дам ўша одам изимдан кириб келаётгандек орқага ўгирилиб қараганим-қараган! Менга фақат ўша инсон далда беришга қодирдек!.. Ўзимни қойийман, чалғитаман, кўзим ўлгур эса деразада... Ўзи, билмадим, қаерда, лекин қайноқ меҳри юрагимнинг аллақаерларига ўт қалаб иситиб тургандек, қўрқувларим ариб, операцияга кирдим...

Мана, муҳаббатнинг қудрати, сеҳри, ўйинлари...

— Шуунча ҳикояни эшитиб олиб, нима маслаҳат бердингиз У аёлга?

– Ҳеч нарса... Кулиб қўя қолдим. Ҳавасим келди, ўйланиб ҳам қолдим... Ўзингиз айтгандек, икки карра иккиннинг жавоби...

Бизнинг дийдоримиз – энг буюк ато,
Бизнинг дийдоримиз – илоҳий тақдир...
Ахир иккимизга зор эди дунё
Севги нималигин билмоқлик учун!

Хат – бу, суҳбат. Суҳбатга чорлов, дилкаш, сирдош суҳбат истаги, илтижоси. Тўғри тушун, бундай хатлар бир кунда ёзилмайди, такрор ёзилмайди. Ва ҳар қандай содда ва гўл эркак ёзмайди ҳам. Беҳис ва беюраклари эса бундай номаларнинг кўчасига ҳам йўламайди. Бундай хатлар, эҳтимол, ҳаётда бир марта ёзилар?..

Ким билсин, бошқа ёзмасам ҳам керак... Ахир кўп гапирасан-ку, “Бас қилишимиз керак!” деб. Тўғриси, тилимга кўчмаган эса-да, менинг кўнглимдан кўплаб марталаб ўтган мулоҳазалар булар. Икковимизга инъом этилган бу илоҳий туйғуга қарши боролмадим, ундан ўзимни ва Сени бебаҳра этгим келмади... Уволидан кўрқдим...

Севгининг уволи қандай бўлади? Севгининг уволи тутган одам қай аҳволга тушади?.. Ке, шу ҳақда бир ўйлаб кўрайлик. Илоҳий муҳаббат уволи тутган кўнгил нимадан тасалли топади? Ким ёки нима беради, у тасаллини?.. Ва шу аросатда умр кечиришни яшаш деб аташ мумкин бўладими?..

Сену менинг бошимизни тош қотирган бу каби саркаш саволлар жавобини ким ўйлайди? Ким булар ҳақида қайғуради?

Бизнинг муҳаббатимиз — Сену мендан бунёд бўлган фарзанд. Осонлик билан топдикми уни, озмунча изтироблар чекдикми?.. У ўз-ўзидан вояга етиб қолдими? Ва энди осонгина, ва энг бўлмағур ва арзон сабабларни рўқач қилиб воз кечиб

кетаверамизми? Фарзанди аржумандини етимхонага ташлаб кетаётган бемехр ота ё она янглиғ...

Яратган эгамизнинг марҳамати ила яна тонг отди, биз бандаларига яна бир кундуз неъматини инъом этди. Яхши ётиб турдингми? Нима, иш юмушларинг шунчалар кўпми? Одатдагидек шошиляпсанми? Вақтинг зикми?.. Ошиқма, шошилиб борган жойингга шошилмай ҳам етасан. Шошилиб битирган ишингни шошмай туриб ҳам битира оласан ёхуд шошганда битмаган иш шошмаган тақдирингда ҳам битмаслиги мумкин. Омон оғам ёзган-ку: фурсатинг етмайди доим, ҳеч қачон етган эмас!.. Ҳаётнинг қалампирмунчоқ тақилган ҳақиқати бу. Мудом шошилиб, мудом беҳаловот одам хотиржам севиши-севилиши мумкинми?.. Шошқинч ва беҳаловот дунёнинг севиғиси шундай бўладими ёки?.. Тушунмайман... Йўқ, лоақал севги-муҳаббат туйғулари бу телба замон шиддатининг қурбонига айланмаслиги керак.

Умрнинг ўлчами худонинг измида. Турмуш савдолари, рўзгор ташвишлари тубсиз ўпқондек тортиб кетаверади одамни, айниқса Сендаги яқинларингга ўзингни унутар даражадаги куюнчаклик нечоғли таҳсинга сазовор бўлмасин, жоним, ўз жонинг ва қадринг — ўз ҳаловотинг ҳақида ҳам вақти-вақти билан қайғуриб тургин. Мен сўнгги нафасимга қадар Аллоҳдан Сенга соғлиқ тилайман, ёлбораман. Сенинг исминг ёнига ҳеч бир хасталик номи қўшиб айтилиши мумкин эмас. Ишон, менга, ёлғизим! Ўзингни ўйламасанг, мени ўйла, мен учун, муҳаббатимизнинг боқийлиги учун ҳам соғ-саломат бўлишинг керак, ягона!.. Ахир менинг муҳаббатим — ўзимнинг вужудимга, қалбимга сиғмай, тўлиб-тошган эҳтиросу хаяжонларнинг энг дилкаш, жондил дўстимда, яъни Сенда давом этиши деганидир, менинг ичимга сиғмаган энг бокира, энг масрур туйғуларимнинг Сенгагина ишонганимдир, Сендан ҳаловот топганимдир!

Сен мен учун қанчалар азиз ва муқаррам эканлигингни тушунтира оляпманми, асалим?..

Инсон бирон лаҳза ўз кўнгли, ўз қалбига қулоқ тутиши, ҳаёлий қувонч ва севинчлари тўлқинида сузиб юриши ҳам керак-ку!.. Шу тақдирдагина инсон... Айтолмаяпман, ёзолмаяпман... Балки шартта кўзни юмамиз, кўнгил майлларини унутамиз-да, жуда-жуда кўпчилик жонивор-бандалар қатори “рисоладагидек” яшаб ҳам ўтармиз. Сен ҳам осуда, баҳавотир яшайсан шунда, менинг арз-додларим Сени ортиқ нотинч қилмайди, чалғитмайди, бошингни қотирмайди...

Хўп дегин, жоним. Кўнглингга маъқул гўзал манзарага термилиб, бир лаҳза тин ол. Ҳамма нарсани, бутун борликни унут (мендан бошқасини албатта!). Турмуш ташвишларини ҳаёлингдан соқит қил. Ўзингнинг нақадар мўъжизакор, латофатли, сеҳрларга бой, оппоқ, беғубор, гўзал, ақлли, фаросатли, жозибадор... СУЮКЛИ, қадрдон инсон эканлигингни ҳис қилгин, эътироф этгин! Жон, дўстим, юпанчим, жозибам, хўп дегин. “Хўп бўлади!” эмас, “Хўп бўлади, акажоним!” деб айтақол.

Айтингми? Дединг-а? Озорим, азобим, ўжарим, изтиробим... соғинчим!..

Я Вас люблю, хоть я бешусь,
Хоть это труд и стыд напрасный,

И в этой глупости несчастной
У Ваших ног я признаюсь!
Мне не к лицу и не по летам...
Пора, пора МНЕ быть умней!
Но узнаю по всем приметам
Болезнь любви в душе моей:
Без Вас мне скучно, – я зеваю;
При Вас мне грустно, – я терплю;
И, мочи нет, сказать, желаю;
Мой ангел, как я ВАС люблю!

Хў-ўп, ака, жоним... Хат ёзишнинг қотириб юборасиз-да! Сизнинг эхтиросларингиз олдида Пушкиннинг мисралари ҳам ғариб кўриняпти. Ҳа, энди бошқача ёзиш ҳам мумкин эмас-да, менга, тўғрими? Қалай, ким эканлигимни Сиз истагандай ҳис қила бошляпманми? Ҳар бир инсоннинг ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамайдиган гўзал жиҳатлари бор. Фақат уни кўра олиш, қадрлай билиш керак. Сиз мени ўзим ҳам танимайдиган даражада кашф этиб юбордингиз. Буям бир бахт. Яхшиям Сиз борсиз!..

Дўстим! Жоним! Тирик жон борки, дунёдан нимадир олиб яшайди. Тирикликнинг ҳикмати шундай. Банда ҳам лаёқати, омади, меҳнатига, истеъдодига яраша дунёда нимадир орттиради. Мен ҳам, эҳҳе, озмунча бойлик орттирдимми?! Санаб одоғига етолмайман. Бири биридан ноёб, бири биридан тотли, бири биридан арзанда. Етказганига беадад шукр, ҳеч кимдан таъма кутмадим, Аллоҳ бераридан қисмади. Яна минг бора шукр. Бироқ топганларимнинг барча-барчаси торозининг бир палласига қўйилсаю, иккинчи палласида менинг номаларимда сочилиб ётган (тўғрироғи, баён этишга ҳаракат қилинган) Қувончим, Изтиробим, Яғонам, Оппоғим, Асалим, Армоним, Гавҳарим, Роҳатим, Ҳаловатим, Ноёбим, Нодирим... барча таърифларга тил ожиз, шулар қўйилса, посанги қай томон оғади?

Бу саволга мен бўлиб, менинг тилим, менинг дилим бўлиб жавоб бер, ўтинч!..

Ўзимни тергашга тушаман: шуунча гапларни, армону ҳасратларни йўллашдан мурод нима? Сенинг бу китобий изтиробларингга кимнинг кўзи учиб турибди? Оҳ-воҳларинг ўқувчисини топадими-йўқми, ҳали?

Топади, ўқувчим аниқ, кўзим очик экан у кўз ўнгимда, ақлим ишлаётган экан ақлимнинг ичида, юрагим тепиб турган экан юрагимнинг тўрида, томирларимда қон айланиб турган экан қонимнинг жилғаларида, бир сўз билан айтганда У — ичимдаги Одам! У ичимни забт этган, ишғол этган. Ичим У билан лиммо-лим!.. Ичимнинг эгаси ҳам У. Тақдирим чизикларини ўзи истаган, кўнгли тусаган томон тортиб бораётган ҳам У.

Ахир тақдир яратганнинг измида эмасми?

Яратган эгам мени У орқали ўз измига олган. Аллоҳ таолонинг ўзи Уни менинг ичимга жойлаб қўйди, мен Уни ичимдан ҳайдаб чиқаришнинг уддасидан чиқолмадим, қурбим етмади. Мен — ичи ишғол этилган одам. Ихтиёри тамом

Унинг инон-ихтиёрига кўчган одам.

Бундай фикрлаш гуноҳ эмасми, ахир...

Қўйгин, мени қийнамагин, ўтинаман, ичи истило этилган, ўзи банди олинган одамнинг елкасига гуноҳ юкини ортмай қўя қол, ортиқ қийнама, унга ортиқ азоб берма...

— Ахир, шу аҳволда ўзингиз азобларга қолиб кетяпсиз-ку?

— Азобларимга тил теккизма, шу азоблар — менинг роҳатларим, ҳаловатларим... Унга тил теккизма, чунки улар мен учун муқаддасдан-муқаддас ичимдаги Одамга дахлдор...

Биласанми, жоним, хатларимда баён этилган дил изҳорларини бир бошдан, кетма-кет ўқиш шарт эмас, чунки улар жудаа катта қисмат, тақдир... роман сочмалари. Лавҳалари. Манзаралари. Пейзажлари. Саҳналари. Этюдлари. Парчалари. Резгилари. Боблари. Фасллари. Қисмлари... Яна нима деб таърифлай, ўзинг айта қол, шакарим? Кайфиятингга қараб, битта-битталаб ўқиб кўргин, кўргин-у мулоҳаза қилгин, Ўқувчим. Майли, ўзингга хос бўлган совуққонлик билан, майли, менга хос бўлган қайноқ эҳтирос билан, майли, бутун дунёни, барча борди-келдиларни унутиб ўқигин. Биладан, улар турлича таъсир қилади, лекин ўтинчим битта — зинҳор бепарво ўқимагин, чунки уларнинг бари, ҳатто битта ҳарфигача, битта белгисигача тасодиф эмас, бежиз эмас. Уларнинг бари бамисоли кардиограмма аппаратида суратга туширилган юрак зарбаларининг ўзгинаси!..

Зулмат осмонида чақнаган чақмоқ изларини эслатгувчи кардиограмма чизиқлари узун-қиска бўлиши, эгри-бугри бўлиши, узук-юлуқ бўлиши мумкин, лекин зинҳор-базинҳор ёлгон бўлмайди, улар юракнинг қоқ марказидан ўтган изтироб чизиқлари, шунинг учун ҳам уларни бепарво ё ишончсизлик билан ўқима, асал ўқувчим, хўпми?..

Яна шуни унутмагинки, бу узук-юлуқ, калта-култа чизиқларни пишиқ-пухта қилиб уланса, биласанми, қаерга олиб боради? Биласанми? Биласанми, қайси юрак чизиқларига тутшиб кетади? Айт, биласанми шуларни, ҳис қиласанми, мунисам?!

Агар Сен билмасанг, нима қилиб ёзиб ўтирибман, бу ҳасратларни, оппоғим?!

Айтгандим-ку, шоирлар ўғри, акс ҳолда изтиробга тўла кўнглимни томоша қилиб турган одамдек қуйидаги байтни битармидилар?!

Бизни гўдак билиб ўйнади тақдир,
Устимиздан кулиб ўйнади тақдир,
Қўлларинг ушлашга қўймади тақдир,
Икки вужуддаги битта одаммиз.

Ахир:

Сенсиз маъносизман, сенсиз кимман, ким?

Ярим ой булутга беркинади жим,
Юрагим нимтадир, эй гўзал ярмим,
Икки вужуддаги битта одаммиз.
Синов бу, деймиз-да, бу кўҳна савдо,
Дунёни унутсин, дедими Худо,
Қиёматни кутсин, дедими Худо
Икки вужуддаги битта одаммиз...

Икки вужудни бир одамга айлантиришга қодир муҳаббат — самовотнинг тухфаси.
Муҳаббат — боқийлик умиди...

Мактубларингиз кўнглингиз каби беғубор, гўзал. Ҳозиргина роса чиройли ёмғир
ёғиб ўтди. Ҳамма ёқ топ-тоза, тип-тиниқ. Сиз билан суҳбатлашсам,
мактубларингизни ўқисам кўнглим ҳам ёмғирдан кейинги кундек ёришиб кетади.
Яхшиям Сиз борсиз, мендек беоқибат дўстингизга мактуб ёзиб толиқмаётганингиз
учун ҳам раҳмат.

Сизга дунёдаги бор яхшиликларни илиниб...

Меҳрибон дўстим. Туш ҳаётнинг давоми, тўғрими? Тушда кечган умрлар деб
бежиз айтмаган-ку, адибимиз. Шунинг учун, қолаверса, аксарият тушларим Сиз
билан боғлиқ бўлгани, Сиз билан фақат тушимдагина эркин, бемалол учрашиш,
суҳбатлашиш мумкин бўлгани учун ҳам мен уларни ардоқлайман. Кечагинда... ҳар
доимгидек мени яна бир бор хайратда қолдирдингиз. Қандайдир гавжум зал.
Тўйми, тантанам, билолмадим. Лекин казо-казолар йиғилишган. Ҳамманинг
эътибори Сизда. Сўз айтдингиз. Негадир ҳаяжонланиб, юрагимни ҳовучлаб
ўтирибман. Мен қай хаёлдаману, Сиз бошқаларга эътибор ҳам қилмай менга қараб-
қараб қўясиз!.. Тавба!.. Бир маҳал, қай кўз билан кўрайки, Сиз мен томон
яқинлашиб келяпсиз, кўрқиб кетдим. Хайрон бўлиб қолдим. Нима қилмоқчисиз?..
Нима дейсиз менга ўша ерда?! Мана, ёнимга етиб келдингиз ва... шунча эътиборли
кишилар кўз ўнгида мен билан қўл олишиб кўришдингиз. Кўришмаган
тақдирингизда ҳам мен ўша вазиятда Сизни жуда яхши ва тўғри тушунардим,
ёнимга кела олишингизни хаёлимга ҳам келтирмагандим ва... хайратда қолдим!
Қойилман! Я в шоке, дейди руслар бундай дамларда!.. Кўрқиб кетганимдан нима
қилаётганимни билмай қолдим. Ёнимдаги дугонамнинг тиззасида турган катта
гулдастани олиб Сизга тутқаздим. Сиз эса худди шундай бўлиши табиийдек, гулни
олдингиз-да, уни баланд кўтариб ҳаммага кўз-кўз қилдингиз!..

Уйғониб кетдим. Кунига минг бора кўнглимдан ўтказадиган “мумкин эмас”лар ва
яна минг бир майда ташвишлар билан куймаланиб юрган, ҳеч бир томондан Сизга
муносиб бўлмаган аёлга шууунча меҳр, ақл бовар қилмас эътибор кўрсатасиз-а!..
Мен тушимда бўлса-да, жуда бахтли аёллигимни ҳис қилдим ўша топда...
Кўнглимдан кечган, кечаётган бор гўзал туйғулар сабабчиси ҳам Сизсиз.

Эъзозу меҳрга тўла мактубларингизга лойиқ кўрганингиз учун, ҳамма-ҳаммаси
учун раҳмат, олисдаги энг яқин Дўстим! Менга бўлган муносабатингизнинг
беғуборлигидан хайратланаман ва доимо шундай бўлиб қолади деб умид қиламан,
тўғрими? Чунки мени яхши кўрган Инсоннинг ўзи дунёдаги эээнг покиза, самимий,

қалби жудаям гўзал!..

Сизга бир даста эмас, минг- минг, миллион даста гул беришга тайёр...

Энг яқиндаги энг яқин дўстингиз.

Қўнғироқ қилолмаганинг учун узр сўрабсан, узуринг кўзимга тўтиё. Мен ҳар куни, ҳар соат ва ҳар дақиқада кутаётган бўламан тилло қўнғироқларингни! Энг доно тасаллини топганмиз-ку: ҳар бир ишимиз **хоҳиш** ва **имконият** уйғунлигининг фарзанди...

Мактубингиз учун раҳмат. Гўзал ниятларни ўқиб Сиздек дўстим борлигидан кўнглим кўтарилди. Сиз кўнглимга жуда яқин, меҳрибон, қадрли кишимсиз. Ишонинг, ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Дилдўст! Мабодо Сенинг номингга хат бормай қўйса бу менинг шаънимга иснод, номус! Ахир мен борман-ку, ҳаётман-ку, нима учун Сенга (Сенга-я?!) хат бормаслиги керак?! Ваҳоланки, ҳар соат, ҳар дақиқада Сенга аталган мингта, миллионта дил изҳорларим қалашиб ётади, уларни қоғозга тушириб адо қилолмайман, биласан-ку!.. Бордию, хат мутлақо бормай қўйса, демак, мен йўқман!...

Ваҳоланки, мен борман, Сен борсан, дўстлигимиз бор!.. Меҳр- оқибатимиз бор!

Ҳар ҳафта газеталарда чиқадиган мунажжимлар башоратига кўз югуртираман. Биламан, Сен ундай нарсаларга ишонмайсан, лекин худди қадрдонимнинг ахволидан хабар топаётган одамдек жоним хапқиқиб қарайман. Кечаги сафар Сени “Ўзини ёлғиз ҳис этаяпти” деб ёзибди. Ичим ўйилиб, ўпирилиб тушди. Сенинг ёлғизлик изтиробида қолдириш... Мумкин эмас, зинҳор!!!

Икки ёрти юрак бирлашган жойда ёлғизлик қолмайди.

Тушуняпсанми?..

Чиндан ҳам мунажжимларга ишонмайману, лекин ўтган ҳафта ўзимни жудаям ёлғиз ҳис қилдим. Ҳозир ҳаммаси жойида. Худди сезгандек ёзган гўзал ва нафис мактубингиз учун раҳмат. Ҳа, Сиз айтгандек баъзан атрофдагилардан кўнгил тўлмаслиги одамни қийнаб юборади. Бир-биримиздан кўнглимиз тўлиши эса... шу бўлса керак-а бизни ҳеч айрилишимизга йўл бермаётган туйғу, тўғрими, Қадрдоним?..

Одатда одамларни туғилган куни билан табриклашади. Бироқ сен табриклаётган одамни дунёга келтирган Инсонни нима учун қутламаслигимиз керак?!

Оналар йилда бир марта эмас, фарзандлари нечта бўлса, шунча марта туғилган кунни нишонлашга ҳақлидирлар.

Ҳар бир онанинг тўлғоқ тутган онларда вужудидан отилиб чиққан ҳар бир “оҳ” ва

“ух” учун ҳар бир эркак дунёга дод солиб ўз аёлидан узр сўраса арзийди десам ажабланмаслик керак!.. Зеро, она тўлғоғи... муҳаббатга ўхшаб кетади: муҳаббатнинг қувончлари, изтироблари, уқубатлари, уялиш ва яна, билмадим, алланималарига...

Янги туғилган чақалоқнинг жаннати исидек самимий ва беғубор ниятлар билан!..

Ё, парвардигор, ўзинггагина тавбалар қиламиз!.. Ўтинамиз, раҳмингдан бенасиб этма!.. Фақат, дўстим, қанчалар аччиқ бўлмасин, ёзишмаларимиз бу қадар аянчли тугалланмасин. Ахир туганмас муҳаббат мўъжизаси ҳам илоҳий инъом эди-ку, биз учун! Шунинг шукронасини ҳам унутмайлик, меҳрибоним!

Орадан ойлар, хали жуда кўп-кўп йиллар ўтади, шундай кунлар, лаҳзалар келадики, мактубларимизни Сен қайта-қайта қўлга оласан, ёд бўлиб кетган саҳифаларни яна ва яна такрор-такрор ўқийсан, ана ўшанда... Парвардигор менга ато этган жонажон Дўстимнинг кўнглида, дилида бир ёруғлик, бир нурли кайфият пайдо бўлади... Ширин, тотли ва сирли хотиралар хаёлларни олиб қочади... Инсоннинг умри, шахсий-интим кечинмалар ҳақидаги зиддиятларга тўлиб-тошган адоқсиз ўйлар мен ўзимникига айлантира олмаган гўзал қалбнинг ўзгача дукурлашига сабаб бўлади...

Эҳ-ҳе-е, мен уни ёзгунча... неча-неча бедор тунлар, изтиробларга тўла эҳтирослар, ҳадсиз-худудсиз орзу-умидлар...

Лекин, бирон лаҳза бўлсин бир туйғу мени зинҳор тарк этмайди, бу — дилимдагини етарлича тушунтира олмадим!.. тушунтира олдиммикан?!.. яна ёзсам, яна гапирсам - ёзаверсам, гапираверсам, ҳоли-жонига қўймасам, мендан бошқани ўйламаса, турмушнинг ўткинчи ташвишларига чалғимаса!.. Ахир орамиздаги энг беғубор, энг тоза туйғулардан баҳра олиб яшашга ҳақлимиз-ку! Қолаверса, мен минг карра такрорлашдан чарчамайман: Сен бандасининг имконида бўлган ҳеч нарсага мухтож бўлмаслигинг керак, Сен ҳар он, ҳар қадамда аллоҳ Сенга ато этган жозибага яраша эъзозланмоғинг, қадрланмоғинг, эҳтиромланмоғинг шарт!..

Дилимдагини айта олаяпманми, изҳор эта олаяпманми, жоним?..

Энг оппоқ туйғуларини оёғинг остига поёндоз қилиш орзусидан кечмаган, кечолмайдиган, асло кечишни ҳаёлига келтирмайдиган...

Энг олисдаги энг яқин Дўст!..

Жоним! Иван Тургеневнинг насрдаги назмларидан кўчирмани менинг тилимдан эшитаётгандек ўқигин, хўпми?..

{ {nw|Когда меня не будет, когда всё, что было мною, рассыплется прахом, — о ты, мой единственный друг, о ты, которую я любил так глубоко и так нежно, ты, которая переживешь меня, — не ходи на мою могилу... Тебе там делать нечего.

Не забывай меня... но и не вспоминай обо мне среди ежедневных забот, удовольствий и нужд... Я не хочу мешать твоей жизни, не хочу затруднять ее

спокойное течение.

Но в часы уединения, когда найдет на тебя та застенчивая и беспричинная грусть, столь знакомая добрым сердцем, возьми одну из наших любимых книг и отыщи в ней те страницы, те строки, те слова, от которых, бывало, – помнишь? – у нас обоих разом выступали сладкие и безмолвные слезы.

Прочти, закрой глаза и протяни мне руку... Отсутствующему другу протяни руку твою.

Я не буду в состоянии пожать ее моей рукой – она будет лежать неподвижно под землею... но мне теперь отрадно думать, что, быть может, ты на твоей руке почувствуешь легкое прикосновение.

И образ мой предстанет тебе – и из-под закрытых век твоих глаз польются слезы, подобные тем слезам, которые мы, умиленные Красотою, проливали некогда с тобою вдвоем, о ты, мой единственный друг, о ты, которую я любил так глубоко и так нежно!..

Нималарни ёздингиз? Қаердан топдингиз бу бу гапларни? Нахотки, Сиз менга шундай айрилиқни раво кўрсангиз, жоним?! Ахир... йиғлаб юбордим. Ахир мен зинҳор бундай хаёлларга бормаганман, ўйимнинг бир чеккасига ҳам келтирмаганман, бундай совуқ ва қора хаёлларни, Сиз эса... кўрқиб кетдим. Парвардигорнинг ўзи асрасин, бундай кунлардан, меҳрибоним! Хўп, денг, Сиз ҳам худодан сўранг, илтижолар қилинг. Беғубор дўстлигимиз ҳаққи-ҳурмати Ўзингиз ва мен учун ёлбориб сўрайлик, қадрдоним!..

Сендан хабар кутиб кўзларим толди.
Боғимизда олча гуллади...

Йиллар ўтар, Сен билан мен танимаган-билмаган навқирон йигит-қиз бу ёзишмаларимизда қолган туйғулар изхорини ажиб таассурот билан ўқишига ишонаман. Яна шунга аминманки, жинси ва ёшидан қатъий назар, номаларимизни ўқиган инсоннинг кўнглида парвардигор бизга ато этган ажиб бир ёруғлик, нурли бир кайфият пайдо бўлади. Уларни ширин, тотли ва сирли хаёл-хотираларга ошно этади. Адоқсиз ва муҳими, ҳукмлардан холи ўйларимиз ўша номаълум ўқувчимизнинг қалбига гўзаллик, эзгинлик олиб киради, кўксидаги зарбаларнинг ўзгача оҳангда уришига сабабчи бўлади. Қалби бундай кайфият, бундай хаяжон, бундай меҳр-муҳаббат билан тўлган инсон ҳаётда зинҳор ёмонлик, ёвузликни билмайди, унинг назарида ҳамма-ҳамма гўзал, дунё гўзал, ҳамма ҳаммага меҳрли, бутун олам яратган эгамизнинг арзандаси, эркаси бўлиб кўринади. Бундай одамлар фақат яхшилик учун туғиладилар, жумла-жаҳонга яхшилик соғинадилар, яхшиликка топинадилар...

Мен шундай улуғ мартабага Сен, Сен туфайли эришдим!

Кўлимга қалам оларканман, бирон лаҳза кўз ўнгимдан Сенинг чехранг нари кетгани йўқ, гўё Сенинг рўпарангда туриб юзма-юз суҳбат қураётгандек, садафдек оппоқ чехрангдан ёғаетган биллур нур нурафшон этиб турган юрагимдаги

кечинмаларни Сен билан баҳам кўраётгандек, ҳатто... ҳатто илоҳий Ҳақ пойида тавба қилаётган мўъмин сингари юрак қонларини сиёҳга айланттирдим.

Кел, оқибатли Дўст, беғубор туйғуларимиз қиссасига ғоятда оддий, лекин бағоят юксак мақомдаги сўзсиз савол-жавобимиз нуқта вазифасини ўтасин:

—

— ... - ..?

—!..